63.3 AC 15




Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курилиціи академияси Ўзбекистоннинг янги тарихи Маркази Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти

### Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустакиллик ва тараккиёт учун кураш

(Туркистон ва Бухоро жадидчилиги тарихига янги чизгилар)
Даврий тўплам
№ 1

Тошкент "Университет" 1999



Мазкур тўплам мустакиллик шарофати билан карор топган, хурфикрлик шаронтида хакконий тарихимизни тиклаш ва уни холисона тахлил этиш давр талабига айланган, бугунги кунда ошкоралик юзини кўришга ва тухмат тамгаларидан халос бўлишта мушарраф бўлган якин утмишимиз - XX асрнинг дастлабки чорагидаги энг мухим ижтимоий-сиёсий, тарихий ходиса - жадилчилик харакати хакилаги илк хакикат садоларини жамлаган дастлабки илмий-тадкикотдир Мазкур тўплам тарихимизнинг ўкилмаган сахифалари, аждодларимизнинг энг илгор вакилларининг салохияти, сиёсий-мазнавий киефаси, орзу-умидлари, фидоий фаолиятлари билан таништиради.

Гахрир хайъати: Д.А.Алимова, С.С.Аъзамхўжаев, М.М.Исхоков, А.С.Сагдуллаев, Ф.Р.Эргашев, Б.К. Косимов, Ф.Х.Косимов

Такризчилар: филология фанлари доктори, профессор X. Болтабоев тарих фанлари доктори Р.Х. Каримов

Масъул мухаррир: тарих фанлари доктори Д.А.Алимова

<sup>©</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси - 1999

Университет" нашриёти - 1999

#### Истиклол самараси

Мустакиллик элга, юртта ўзлигини, имону эътикодини кайтариб берди. Ваган мустакиллик туфайли ўз такдирини ўз кўлига олди. Адолатнинг кон таначаларига хаёт югурди.

Истибдод мафкураси, занжирбанд сиёсат туфайли атайин бузиб кўрсатилган она тарих сахифаларини холис, халол, бирламчи маъноларида ўрганиш, ёритиш ва тарғиб

этиш имкониятига эга булдик.

Кулингиздаги китоб хам Истиклол самарасидир. Бундай тадкикотнинг (ёки тадкикотлар мажмуи) пайдо булишини жамият салкам бир аср давомида интиклик билан кутди. Лекин бу, жадидчилик хакида хеч нарса ёзилмаган, нашр этилмаган экан-да, деган маънони билдирмайди.

Асримизнинг 20-30 йилларидаёк бу хакда катор маколалар ва, хатто, рисолалар хам эълон килинган. Уша давр Москов илмий журналларида хам бу муаммога муносабат билдирилган ишлар чоп этилган. Хориждаги мугахассислар хам бу масалага ўктин-ўктин мурожаат этиб турдилар. Аммо, бу чикишларнинг аксарияти ўзига хос чекланишларга эга эди.

Шўролар худудидаги инпларда жадидчилик хакида бир вактлар хиёл ижобий фикрлар айтиш кузга тапланса-да, кейин, бора-бора у шўро тузумига қарши аксилинкилобчи гоявий харакат, миллатчилик, туркчилик, исломчилик ва хоказолар тарзида факат салбий бахолаб келинди. Ғарбда бу муаммо хусусида фикр юритилганда эса, асосан, илмийлик ва тарихийликка таяниш сезилса-да, аксар холларда, етакчи максад шўроларнинг миллий сиёсатига карши кураш ва уни фош этиш экани сезилиб туради. Лекин бундан қатый назар, 90-йилларгача келган 50-60 йил ичида жадидчилик хакида тўгри гапни айтганлар асосан ғарб олимлари бўлди. Бу масалани ўзимизда ўрганицца 60-80 йилларда бирмунча силжишдек куринган жадидларни унг ва сулларга ажратиб бахолаш эса, аслида, мохият эътибори билан жадидчиликнинг шўро тузумини ёклаш ва уни мустахкамлаш йўлига ўттан вакилларини оклаш тадоригимустахкамлаш йўлига ўттан вакилларини оклаш тадоригидаги устамонликдан бошка нарса эмас эди.

Мазкур тўпламдаги маколалар жадидчиликни муосир замон ва маконда, бор мураккаблиги билан аник тарихий шароитларда тугилиши, шаклланиши, баъзан чекиниши, сунг яна усиш ва ривожланиш йўлига ўгиши, мустабид тузум ва жамият туфайли танаэзулга йўл тугиши сингари жараёнларнинг баъзи кирраларини ўрганишга бағишланади. Бу масалаларни, жадидчилик тарихини яхлиг, бугун бўй-басти билан ўрганиш эса, келгусининг вазифасидир.

Жадидчилик давлат, тузум, бошкарувни ислох этиш, ва миллатни ривожлантириш оркали, умуман, жамиятни янги тараккиёт боскичига олиб чикишни максад килиб қуйган гоялар ва аниқ амалий тадбирларни ўзида мужассамлаштирган тизим экани барчага аён. Шундай экан, бу тизим жахон цивилизациясида нихоятда катта роль уйнаган Туркистондек улкан тарихий бир улкада, куп асрлар давом этиб келган хаётнинг шаркона тарзини саклаган холда, уни гарб ва Оврупо тараккиёти натижалари билан бойитишни кўзлаганини хамда ХХ аср тонгидан янгича яшамокни вужудга келтириш усулларини излаганини, истибдод шароитида ўз такдирини ўзи белгилаш йўлида курашта кириштанини кўрсатувчи сертармок ва мураккаб жараёнларни ўзида истифода этди. Бу жараёнларни урганиш, тадкик этиш эса осон иш эмас. Туплам муаллифлари ана шундай огир ишга кул урганлар.

Мураккаб жараёнларни тахлил этувчи тадкикотларни хамма хам бирдек, силликкина кабул килмаслити, табиий. Ушбу тупламдаги маколалар хам шундай булиши мумкин. Хар бир маколада ёритилаётган масалада муаллифнинг уз нуктаи назари ётади, у кези келганда бахс ва мунозара уйготар. Масалан, бир тарихий факт хакида ўз давридаги матбуот сахифаларида бир эмас, баъзан икки-уч хил маълумотлар хам учраб колади ва улар турли маколаларда шу йўсинда акс этади. Бунга кўп хам ажабланмаслик керак. Ана шундай бахсли маълумотлар асосида мунозаралар уйгонади ва уларнинг тахлили натижасида хакикаг тугилади.

Туркистон жадидларида Ғарб ва Оврупо фалсафаси,

айникса, француз маърифатпарварларидан ўрганилган жойлар кўп. Буни алохида таъкидлаш зарур. Бу, дунё ва инсоният яхлитлигита яна бир далилдир. Зеро, бир вактлар ўз тараккиётига Шаркдан кучли турткилар олган Ғарб ва Оврупо муайян юксалиш боскичида туриб, ижобий самараларини Шаркнинг ўзига яна кайтариб берди. Лекин, айни вактда, жадидчилик харакатидаги барча илгор нукгаларии, факат Тарбга, Оврунога боглаб куйин уринли булмас. Жадидчилик харакати ва гояларининг асосини Туркистоннинг ўзида вужудга келган тарихий, ижгимоийсиёсий вазият ва шароитлардан изламок тугрирокдир. Биргина мисол: гараккий этган Ғарб ва Оврупо мамлакатлари ўзга, боскични мамлакат асоратида эмас эдилар. Туркистон эса, Шўро тўнтарувига кадар хам, ундан кейин хам ана шундай истиблод остида эди. Бинобарин, жадидларнинг бош гоялари хам ана шу - истибдоддан кугилиш ва мустакилликни кулга киритиш максади билан богланиб кетади. Тупламда бу масалага алохида эътибор беришга харакат килинган.

Жадидларнинг улкан арбоблари, адиблари ўз ижодида, карашларида баъзан Тарбга. Оврупога кескин салбий муносабат билдиришларига хам тарихан ёндашмок керак бўлади. Масалан, шундай муносабат, айникса, Фитрат ижоди ва карашларида мул учрайди. Буни салбий маънодаги миллатчиликка йўймаслик керак. Зотан, ХХ аср бошларида кагор Шарк мамлакатлари тараккий эттан Оврупо мамлакатларининг истибдодида булиб келганини билган киши

Фитратни тўгри тушуна олади.

Россия мусулмонлари съездини (1905) чакиришла (бу йигин Нижний Новгороддаги Ока дарёсида турган "Густав Струве" кемасида яширин бўлиб ўгган) жадидларнинг ташаббус кўрсаттанлари маълум. Шундай маълумотлардан келиб чикиб, баъзи тадкикотларда, жадидчиликнинг келиб чикищи замирида мусулмончилик гояларини мустахкамлащ ва мусулмонларни бирлаштиришгина ётади. демокчи бўладилар. Бу фикр нотўгри эканлигини тарих курсатди ва ушбу тупламдаги катор маколаларда бу тарихий хакикат аник фактлар, мисоллар асосида очиб берилади. Жадидларни маънавий якдиллик ("духовная консолидация") бирлаштириб турганлигини очишга алохида ургу берилади. Шу нуқтан назардан, баъзан турли мақолаларда, бир масалага турлича қарашлар, ҳатто, турлича баҳолар кузга ташланиб қолади. Бундай ҳолларда муаллиф фикрига узгартириш киритмаслик маъкул курилди. Чунки, мутахассислар бу каби қарашларга узларининг мустақил муносабатларини билдира оладилар.

ХХ аср тонгида Туркистонда инкилобий харакат фаол тус олган эди, деган фикрларга хам танкидий караш керак бўлади. Чунки, Туркистонда шўро мафкураси тикиштириб келган маънодаги марксистик тўгараг-у, РСДРПлар илгари сурган мазмундаги программа-минимум, программа-максимумга эга инкилобий харакат бўлган эмас. Агар бўлса, бу ўлкага Россиядан кочиб ё кўчиб келганлар орасида маълум даражада бўлган. Ерли халк вакиллари орасида эса, оммавий тусда бўлмаган. Туркистонда бу даврда муайян йўналицдаги инкилобий тусдаги харакат мавжуд эди, дейиладиган бўлса, илгор вакилларида жадидчилик гояларини ўзига сингдирган миллий озодлик ва гараккийпарварлик йусинидаги инкилобий харакат хакида гап бўлици мумкин.

Мазкур тўплам жадидчиликнинг барча муаммоларини камраб одмайди ва бунга даъво хам килмайди, албатта. Китоб жадидчиликнинг айрим кирралари ёритилган дастлабки коллектив ишдир Келгусида бу каби тупламлар, монографиялар кўплаб яратилиши, шубхасиз. Ушбу китоб ана шу йўналишдаги ишларнинг бошловчиларидан бири бўлиб колади.

Айрим инпларни хисобга олмаганда, шу вакттача жадидчилик хакидаги тадкикот ва маколалар, аксар холларда, адабиётшунослар каламига мансуб бўлганини ва, асосан, адиблар ижоди тадкик этилганини кузатамиз. Кўлингиздаги китобда жамланган маколаларда жадидчилик муаммолари, асосан, тарих фани нуктаи назаридан ёритилади ва у Уэбекистонда шу йўналишда яратилган дастлабки ишдир. Маколалардаги маълумотлар, асосан - ўз даври матбуотига, Уэбекистон Марказий Давлат архиви, Россия Давлат Харбий архиви, СССР Халк комиссарлари кошидаги махсус Давлат Сиёсий бошкармаси архиви сингари бирламчи манбаларга, айрим хорижий нашрлар, шунингдек XX асрнинг бошида жадидлар ташкил этиб, чоп эт-

тирган журнал ва газеталарга таяниб ёригилган.

Уларда машкур Исмоилбек Ғаспрали, Ахмад Заки Валилий. Абдурауф Фитрат. Махмудхўжа Бехбудий. Мунавваркори Абдурашидхонов, Асадулла Хужаев, Файзулла Хужаев номлари билан бир каторда, купчиликка хали яхни таниш бўлмаган Носирхон Тўра Саид Камолхон тўра утли. Салриллин Махсум Шарифхужа, Тошпулатбек Норбутабеков, Туракул Жонузоков номлари ва фаолияти хакилаги маълумотлар билан танишасиз. Энг асосийси, бу маколаларда жадидчилик харакатининг тарихий асослари ва мохияти, жадидчилик тизимида миллий давлатчилик ғояларининг туттан ўрни, Бухородаги жадидчилик харакатининг ўзига хос хусусиятлари, жадидчиликнинг халкаро микёсдаги энг илгор маърифат ва маданиятнинг Туркистонда ўзлаштирилишила жадидларнинг роли ва уларнинг истиклол гояларини хаётта сингдириш учун олиб борган курашлари сингари муаммоларга эътибор берилади.

Шуниси эътиборлики, биз мазкур китобдаги айрим маколалардан жадид ватандошларимизнинг накадар буюк ва теран тафаккур эгаси бўлганлигини кузатиш имконига эга бўламиз. В.И.Ленин: "...биз коммунизм курамиз, Россиядаги мусулмонлар ўз такдирларини ўзлари хал киладилар", - деб дунёга айюханнос солиб турган бир пайтда, 1920 йил сентябрида, Бокудаги Шарк халклари курултойида Т.Норбўтабеков айттан, шўролар, мохият эътибори билан "коммунизм никоби остида ишлаёттан замонавий мустамлакачилар"дир, деган фикр кимни тўлкинтирмайди, дейсиз?

Ёки яна бир мисол: Маркс асос солган синфийлик назариясини рад этиш учун деярли 150 йил ва яна Ленин асос солган тузумни барбод этиш керак бўлди. Ватандошимиз Мунавваркори Абдурашидхонов эса бу хулосага бундан 70 йил аввал келган экан. Мана унинг фикри: "Бизнинг синфий дунёкарашимиз негизида синфларни инкор этиш (белгилаш муаллифники - Б.Н.) ётади".

Яна мухими шуки, туплам муаллифлари бундан 80-90 йил аввалги ходисалар хакида фикр юрита туриб, факат тарих куршовидагина колиб кетмайдилар, уларнинг асосий эътибори факат факт ва маълумотдагина эмас, улар-

нинг тахлилидан чикариладиган хулосаларда, бу хулосаларни бугунимиз билан боғлашта харакат килишда, яъни уларнинг замонавийлитида, бизнинг шу кунимиз хизматига, Истиклолимиз ва Мустакиллигимиз хизматига буйсиндирилишиладир.

Республикамиз Президенти И.А. Каримов ўз маъруза. макола, сухбатларила - филойн жалилларимиз хаёти биз учун ўрнак, ёшларни истиклол, ватанпарварлик, миллатпарварлик, инсонпарварлик рухида тарбиялащда мухим ахамиятта эга, уларнинг босиб ўтган кураш йўлини ўрганиш зарур, деб таъкидлаганлари барчамизга маълум. Мазкур китоб ушбу даъватта имкон кадар жавоб тарикасидаги

харакатлардан бири сифатида майдонга келган.

Узбекистон Фанлар академиясининг Тарих институти ва Узбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси хамкорлигида тайёрланган ушбу тўплам мутахассислар томонидан ўз муносиб бахосини топади ва нафакат олимлар, балки кенг жамоатчиликка тарихий билимларини кенгайтириш учун мухим ва кизикарли манба бўлиб хизмат килади.

> Бахтиёр Назаров УзФА мухбир аъзоси

#### Х.Зиёсв

# Жадидлар ҳаракатининг сиёсий ва ижтимоий-иктисодий замини (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрнинг бошлари)

Жадидлар сиссий фаолиятининг негизи мустакиллик ва озодлик гоялари билан сугорилган эди. Бу гоялар авваломбор XIX асрнинг 50-70 йилларида ўзбек халкининг Россия гажовузига қарши жангларида ўз ифодасини топган эди. Удар рус давлатининг Туркистон заминида хукмронлиги ўрнатилганидан кейин хам халкнинг қалбида жуш уриб турди. Бу хамища ўз халкининг дардида яшаган ва унинг озодлиги учун жонини тиккан жадидларнинг онги хамда калбини чулғаб олди. Чунки рус давлати минтақада миллий давлат ва кушинни тугатиб, мустакилликни барбод этди. У ўзининг манфаатларини таъминлайдиган сиёсий-маъмурий тизимни ташкил этиб, бугун минтакани ягона эгаси бўлиб колди. Рус хукумати 1867 йилда Туркистон генералгубернаторлигини ташкил этди ва К.П.Кауфманни биринчи губернатор килиб тайинлади. У 1868 йил 1 январь куни Тошкент шахрининг нуфузли кишилари хузурида нутк сўзлади. У ўз сўзида рус давлатининг Туркистон заминига бостириб киришини, конли урушларни оклаш ва хаспушлаш учун кўп найранібозлик килди. Зеро, у хонликлар даврида ўлкада адолатсизлик ва зўравонлик хукм суриб. халк оммаси хамиша оғир ахвол ва азоб-укубатда яшаганлигини таъкидлаб, рус давлатининг Туркистонни босиб олиш сабабини гуёки туб ахолига озодлик ва фаровон хаёт бахш этиш билан изохлайди. У ўлкада ўзи тузган мустабид сиёсий-маъмурий тизимни мактаб шундай дейди: •Бахт-саодат келтирувчи янги тартиб ва конунларни, улуғ императорнинг мархаматини англашта туб ахолининг аклидроки старлимикин?... Такрор огохлантираманки сизларнинг такдирингиз ўзларингизни кўлларингизда. Агар ўзларингизни фойдангизни ўйлаб ва бизнинг мархаматимизни хис этиб, рус хукуматига хайрихохлик билан муносабатда булсангизлар бахтли хаётта эришасизлар, борди-ю, сизлар бошкача иш юритиб хукуматга карши турсангиз, хокимият куч ишлатишга ўгади».

Кўриниб турибдики, К.П.Кауфман халкни рус хукумати атрофига онгли равищда жипслашинга даъват этди. Акс холда харбий куч ишлатишини билдириб, тахдид хам килали. У рус лавлатини адолатли ва инсонпарвар сифатида тасвидлашта имкони борича харакат килади, ўзини эса мана шундай «салохиятли» давлатни Туркистондаги вакили сифатида гавдалантиради. Аммо, куп ўтмай рус давлатининг хам, шахсан унинг узининг хам никоби йиртилиб, хакикий киёфаси ошкор бўлади. Чунончи, К.П.Кауфман боскинчилик ва талончилик урушини давом эттириб, Бухоро. Хива ва Кукон хонликларини вахшийларча босиб олли. Шундан кейин рус хукумати минтакани Туркистон генерал-губернаторлиги. Бухоро ва Хива хонликларидан иборат уч кисмга парчаланган холда бошкарди. Рус хукумати генерал-губернатор лавозимига улут миллатчилик рухи билан сугорилган ва каттиккулли кимсаларни тайинлайди. Улар ўдкада мустамлакачилик снёсати ва миллий зулмни изчиллик билан амалга ошириб бойликларни талашда мухим ўрин эгалладилар. Шу боис, уларни исмшарфларини келтириш ва билиб күйиш фойдадан холи булмайли.

К.П.Кауфман (1867-1882); Н.А.Тевянов (1904-1905); М.Г.Черняев (1882-1884); Д.И.Субботич (1905-1906); Н.О.Розенбах (1884-1888); Н.И.Гордеков (1907-1908); А.Б.Вревский (1889-1898); П.И.Мишенко (1909); С.М.Духовский (1898-1901); А.И.Самсонов (1909-1913); Н.А.Иванов (1901-1904); А.Н.Куропаткин (1916-1917).

CHANGE OF THE PROPERTY OF THE PROPERTY OF THE PARTY OF TH

Улардан ташкари, 1914-1916 йиллар орасида Флуг, Мартсон ва Ерофеев деган кишилар вактинчалик губернатор булиб турганлар. Генерал-губернаторлар узларининг ёрдамчилари ва махсус кенгаш аъзолари билан иш юриттанлар. Генерал-губернаторлик кошида ижроий орган - Идора (канцеляри) булиб, уч булимни уз ичига олган. Биринчиси, бошкарув ва маъмурий шахелар, иккинчиси, ер, соликлар, курилиш, алока, укув ва санитария, учинчиси, молия ва ер-соликларга доир масалалар билан шугулланган.

Шунингдек, бу бўлим вакф мулклари, статистика ва хорижий фукароларни назорат килиб турган. Идора кошида Бухоро ва Хива хонликлари билан алокани таъминловчи дипломатия бўлими хам фаолият кўрсатган. Улканинг олий ва ўрта бошкарув лавозимларита рус генераллари ва офицерлари тайинланди. Генерал-губернаторлик таркибига Сирдарё, Фарғона, Самарканд, Еттисув ва Каспий орти вилоятлари киритилиб, Тошкент шахри унинг марказига айлантирилди. Вилоят ва унга карашли уезд бошликларита хам харбий кишилар кўйилди.

Вилоят харбий губернаторлари ўз кўл остидаги шахар, кишлок ва овулларнинг устидан каттик назорат ўрнатиб, мустамлакачилик сиёсатини амалга оширганлар. Бу ишда вилоят бошкармаси ижроий орган сифатида мухим ўрин эгаллали.

Вилоят хисобидаги уездларга катта-кичик шахарлар, кишлок ва овуллардан ташкил топган волостлар кирган.

Улкадаги куйи бошкарувга, хусусан, волост, кишлок ва овул оксоколлик лавозимларига махаллий ахолининг вакиллари «сайлов» йўли билан тайинланган. Улар рус маъмуриятининг кўрсатмаларини сўзсиз бажарадиган ва ўта итоаткор кищилар хисобланган.

Шу тарика, махаллий юкори табака вакиллари олий ва ўрта бошкарув лавозимларидан махрум этилиб, сиёсий майдондан суриб ташланди. «Махаллий халкнинг орасида, - деб ёзганди Фаргона вилояти губернатори, - хоннинг амалдорлари ва айникса, рухонийлар сингари душманларимиз кўп. Биз бу ўлкага келганимиздан кейин улар факат собик мавкеларини эмас, балки яхши хаётни таъминловчи имкониятлардан хам айрилдилар. Уша тоифадаги кишилар ўз жамиятининг рухи ва заиф томонларини яхши билганликлари учун аввалги тартибларни тиклаш максадида, халкни русларга карши отлантиришта кодирдирлар».

Дархакикат, хонлик даврида ўз ватани учун хизмат килган кишилар оз эмас эди. Улар факат даромадлардан айрилганликлари учун эмас, балки она юртни мустакиллигини тиклаш учун курашта тайёр эдилар. Хатто улардаги мустакиллик учун кураш харакати XX аср бошларига, яъни кейинги авлодга мерос сифатида ўтиб борди. Бу хусусида,

архив манбаларида шундай дейилган: - «Рус давлатига буйсундирилганига қадар Фаргона мустақил давлат хисобланиб, ўзининг тарихи, хукмрон синфи ва бошкарув тизимига эга эди. Уларни йўколганига хали чорак аср бўлгани йўк. Шунингдек, янги шароитга мослашиш учун бир кишининг умри ўттани йўк. Илгари хукмронлик килган нуфузли табакаларнинг оддий кишиларга айланиш жараёни жуда кийин ва аламли кечмокда. Шунинг учун тасодифий ходисаларни булишини назарда туттан ходда, махаллий ахолини каттик назорат остида саклаб турині зарур. Чунки улар ўз холича ташлаб куйилганлиги учун доимий равишда назорат килишни имкони йўк. Янги тартиб ва конунлар оркасида уларнинг факат жамиятдаги мавкеита эмас, балки вакф ерларидан одинадиган даромадларнинг кискартирилиши туфайли иктисодий манфаатларига хам зиён етказилли»¹.

Рус хукумати биринчи навбатда, дин пенволарини энг хавфли душман хисоблаб, уларни имкони борича «бурчакка кисиб» кўйишга харакат килди.

Маълумки, рус хукумати козилик судини саклаган бўлса-да, лекин козилар каттик назорат остида ушлаб турилди. Улар ва куйи маъмурият вакиллари биргаликда «гах деса кўлга кўнадиган» тарзда ишлатилган. Хатто арзимаган бахоналар топиб вахимада ва кўркувда ушлаб турилган. Масалан, Кўконда 25 нафар козилар эски кабристонларни бузмасликни сўраб ёзганларида, улардан бир нечтаси лавозимларидан четлатилди. Шундан кейин, бир гурух нуфузли кишилар норозилик хатини ёздилар. «Хонлар вакгида, - дейилган унда, - козилар шариат конунларини билганликлари учун мукофотланганлар. Аммо халойик козиларнинг бекордан бекорга лавозимларидан бўшатилганини билмайди. Чунки улар хеч качон шариатта зид ишларни килмаганлар»<sup>2</sup>.

Рус маъмуриятининг қозиларга нисбатан қўллаган адолатсизлиги жамоа ахлини норозилиги ва нафратини янада

Центральный Государственный архив России в Петербурге. Ф. 1282, оп. 3.
 Д.412, д.27.

<sup>2</sup> Уэбекистон Марказий давлят архиви. Ф.Ц.-19, рўйхати-1, иш-332, 43 б.

кучайтирди. Шунинг учун вилоят харбий губернатори А.А.Абрамов қузголон кутарилишилан қурқиб, агар тартибсизликлар руй берса, у вактда козиларни Сибирга сургун килинишини маълум килди. Айни пайтда Кукон уездининг бошлиги, агар дин пешволари тартибсизликларда катнашсалар, мадрасаларнинг ёпилишини ва вакф ерлари тамомила давлат ихтиёрига ўтказилишини билдирди. Шикоятга имзо чеккан козилардан 10 киши хибста олинган эди. Шунингдек, уларга хайрихохлик билдирган элликбошилардан 8 таси камалди. Бу холат оғир хаёт гирдобида хаёт кечираётган халкнинг норозилигини кучайтириб, оломон туплана бошлади. Натижада хавфли вазият юзага келиб, кўзголон кўтарилиши аён бўлиб колди. Бундан чучиб кеттан харбий губернатор кози ва элликбошиларни камокдан озод этишга мажбур булди. Қози Мулла Ашур шикоятнинг ташаббусчиси сифатида Сибирга сургун килиниши керак эди, лекин вазиятнинг кескинланиши туфайли бекор килинди.3

Рус давлати улкада узига мустахкам таянч хосил килиш ва ерларни ўзлаштириш максадида, рус шахарлари ва носёлкаларини бунёд этди. Бу жойларга минглаб руслар жойлаштирилди. XIX асрнинг охирига келиб ўлкадаги русларнинг сони 197.420 кишига стди. 1909 йилда эса, улар 619.320 кишини ташкил этди. Бунинг оркасида ўлкадаги ўтрок ва кўчманчи ахоли унумдор ерлар ва яйловларнинг талай кисмидан махрум бўлиб, отир ахволга тушиб колди. Ўлкада русларнинг тобора кўпайиб бориши сиёсий жихатдан хам туб ахолига ўта хавфли эди. Зеро, улар рус давлатининг мустамлакачилик ва улуг миллатчилик сиёсатини мустахкамловчи омиллардан бири бўлган.

Шундай килиб курдикки, XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Туркистон заминида мустамлакачилик ва улут миллатчиликка асосланган сиёсий-маъмурий тизим хукм сурди. Рус хукумати ўзбек ва бошка туб ахолига сиёсий ва инсоний хукукларни беришни хаёлига хам келтир-

Уша жойда, 22 б.

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> Уша жойда, 27 б

<sup>3</sup> Узбекистон Марказий давлат архиви Ф.Ц-19, руйхаг 1, ин 332, 53-54 б

мади. Рус матбуотида ва илмий асарларда Туркистон ўлкаси очикдан-очик «Россия мустамлакаси» номи билан изохланди. Иш шу даражага бориб етдики, «Русский Туркистан» («Рус Туркистони») атамасини ишлатиш одат тусига айланди. Шунингдек, туб халк ўзбек ва қозок сингари асл номлари билан эмас балки «инородец» («бегона зот»), «туземец» («ерли ахоли») деб юритилди. Қозоқлар эса «киргизы» («киргизлар») номи билан аталди. Мустакилликнинг йўкотилиши, сиёсий хаксизлик ва адолатсизлик бутун жамият ахлини рус давлатига қарши кучли мухолифатга айлантирди. Уларнинг орасида махаллий юкори табақаларнинг илғор вакиллари хам булиб, озодлик ғоялари борган сари куч-кувватта тулиб борди. Бу гоялар жадидлар сиёсий фаолиятининг асосини ташкил этди. Шунинг учун жадидлар мазлум халкни озодлик курашига даъват этдилар. Зеро, Абдурауф Фитрат шундай ёзган: «Эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси. Сенга на бўлди. Дунёни «Урхавалари» билан титратган йўлбарс болаларинг кани. Нечун товушлари чикмайдир?... Нечун чекиндилар? Нечун кетдилар? Кураш майдонларин ўзгаларга нечун куйдилар» 1.

Россиянинг Ўрта Осиёда ўтказилган мустамлака сиёсати, айникса, иктисодга катта таъсир кўрсатди. Рус хукумати ва капиталистлар биринчи навбатда, пахтачиликни ривожлангириш ва тўкимачилик саноатини арзон хом ашё билан

гаъминлашта каттик киришдилар.

Маълумки, махаллий пахта навлари сифати ва толасининг узунлиги жихатидан хунармандчилик саноатита мослаштан эди. Шу боис, у рус тўкимачилик саноати эхтиёжини тўла кондира олмади. Мустамлакачилар буни хисобга олиб, ўлкада Америка пахта навларини иклимлаштиришта каратилган чораларни изчиллик билан кўрдилар. Чунончи, Америкадан уруғлик пахта чигитлари келтирилиб, махсус тажриба станция ва плантацияларда экилди. Хатто, чигитлар дехконларга бепул улашилди. Нихоят, XIX асрнинг 80-йилларига келиб, Америка пахтасини иклимлаштиришда катта муваффакиятларга эринилди. Бу пахтанинг толаси анча узун, хосилдорлиги ва сифати баланд бўлиб, тўкима-

<sup>· «</sup>Узбекистон адабиети ва санъати», 1992, 5 июнь

чилик саноатининг талабларига тўла жавоб берди. Унинг энг мухим афзалликларидан бири, яна шундан иборат эдики, унинг чаноги очилар эди. Махаллий пахта чаногининг очилмаслиги оркасида узиб олинар ва кўл билан пахтаси ажратилар эди.

Улкада Америка пахта навларини экиш йил сайин кенг кулоч ёйиб бораверди. Натижада пахтачилик тобора ривожланиб, «пахта васвасаси» («хлопковая лихорадка») бугун ўлкани чулғаб олди. Хатто мўмай даромад илинжида рус харбий хизматчилари, саноат вакиллари, кўйингчи кимни маблағи бўлса, ўша узини пахтага урди. Рус пахта плантациялари пайдо бўлди. Аммо уларнинг деярли хаммаси пахтачиликни уддалай олмай, банкротга учрадилар.

Гарчанд, Америка пахта навларини иклимлаштириш ташаббусчилари мустамлака вакиллари бўлсалар-да, лекин уни амалга оширишда ўзбек дехконлари хал килувчи ўринни эгалладилар.

1886 йилда етиштирилган пахтанинг хажми 3 млн., 1910 йилда 10,8 млн. ва 1915 йилда 18,5 млн. пудни ташкил этди. Бу пахтанинг деярли хаммаси Россияга олиб кетилиб, ўлка унинг хом ашё манбасига айлантирилди. Масаланинг худди мана шу томони халкнинг, шу жумладан, махаллий юкори табака вакилларининг, зиёлиларининг норозилиги ва нафратини уйготиши турган гап эди. Бирок шуни хисобга олиш керакки, шароит такозасига кўра, ўзбек савдосаноати вакиллари, яъни миллий буржуазия Россия билан алокаларда воситачилик килишга мажбур булдилар.

Пахтачиликни ривожланиши билан бир каторда, пахта тозалаш, ёг ва совун заводлари юзага келди. Мустамлака даврида пахта тозалаш заводларининг сони 208 тага етиб, уларда пахта тозаланди ва тайёрланди. Уларнинг талай кисми махаллий бойларга тегишии эди. Масалан, Фаргона вилоятидаги 157 та пахта тозалаш заводининг 107 таси миллий буржуазиянинг кулида эди. Аммо, авваломбор заводлар унчалик катта булмай, техникавий жихатдан анча паст эди. Иккинчи томондан, уларнинг эгалари рус капиталистлари ва фирмаларига карам булиб, улар билан ракобат килишга кодир эмас эдилар. Бундан айрим бойлар мустаснодир, албатта. Бугун ўлканинг иктисодий хаёти 1912

йилги маълумотта кура, 7 та давлат ва 40 та турли фирмаларнинг банклари кулида булиб, бекиёс катта даромадларга эга эдилар.

Шунга карамай, анча заиф булса-да, мустамлака даврида миллий буржуазия шаклланиб, жамият хаётида салмокли ўринни эгаллаб борди. ХХ аср бошларида унинг вакиллари куйилагилардан иборат булган: Миркомил Мўминбаев, Хужаев, Фузаилов, Хакимбаев, ака-ука Вальяивлар, Ариф Ходжинов, Рахимбаев, Абидов, Алимбаев, Мухамелов. Каримбаев ва бошкалар бор эди.

Рус капиталистлари уларнинг миллий буржуазия сифатида ривожланишларига ва куч-кудратга тўлишига йўл бермади. Буларга Туркистон ўлкаси билан алокада кўпрок воситачилар сифатида муносабатда булдилар. Натижада, миллий буржуазия «Москов савдо-саноат ширкати», «Акаука Шлосберг ширкати», «Вл.Алексеев ширкати», «Бр.Крафт ширкати», «Нева мануфактура ширкати», «Треугольник ширкати», «Данилов мануфактураси ширкати», «Морозов савло уйи». «Прохоров мануфактураси» ва бошка катор фирмаларнинг исканжасида фаолият курсатди. Курсатилган фирмаларнинг деярди хаммаси, пахта ва бошка хом ашё махсулотларини узлуксиз Россията олиб кетавердилар Улар пахтани арзон нархда олишдангина эмас, балки ундан тайёрланган турли газламаларни сотишдан хам катта даромад олдилар. Бундан ташкари, юкорида курсатилган фирмаларнинг пахта тозалаш заводлари хам бор эди. Масалан, 1912 йилги маълумотта кура, фирмалар Фарғона вилоягининг ўзида 50 та пахта тозалаш заводларига эга булганлар.

Туркистон замини Россиядан келтирилган тайёр саноат моллари билан тулдирилиб, рус хукумати ва фирмалари ундан хам мумай даромалларни кулга киригдилар. Умуман айтганда, рус давлати ярим асрлик вакт ичида махаллий халкларнинг бойликларини имкони борича узлаштгиришта хеч нарсадан тоймади.

•Эллик йилдан бери, - деб ёзган эди Фитрат, - эзилдик, тахкир этилдик. Кўлимиз богланди. Тилимиз кесилди. Оғзимиз қопланди. Еримиз босилди, молимиз таланди. Шарафимиз емирилди, номусимиз гасб килинди. Инсонийлигимиз оёк ости килинди Тузимли турдик, сабр этдик. Кучга таянган хар бир буйрукка бўйсундик. Бутун борлигимизни бердик»<sup>1</sup>.

Хуллас, Туркистонни Россиянинг хом ашё манбаига ва тайёр махсулотлар бозорига айлантирилиши, аёвсиз таланиши ва кашшокланиши жадидларнинг хам, миллий буржуазиянинг хам нафратини уйготди. Бу холат, уларда она юртнинг иктисодий мустакиллигини тиклаш гояси ва

курашини шактлантирди.

Мустамлакачилик сиёсаги улканинг маънавий хаётита хам зарба берди. Чунончи, у миллий тилни ривожланишига йўл бермай, рус тилига давлат макомини берди. ХХ аср бошларида бир нечта газеталарни чикаришта рухсат берилди, лекин улар кўп умр кўрмай беркитилиб юборилди. Саводсизликни хукм суриши оркасида газеталар маълум бир тор доиранинг эхтиёжини кондирди, холос. Рус хукумати халк маорифини ривожлантиришни хаёлига хам келтирмай, мактаб ва мадрасаларни маблаг билан таъминламади. Айрим маълумотларга караганда, Туркистон генерал-губернаторлиги бюджетининг факат бир фоизигина маорифга ажратилган. Унинг 74 фоизи рус мактабларини, 26 фоизи рус-тузем мактабларини таъминлашта сарфланди.

Яхипиямки, миллий буржуазия ва жадидлар бор экан, улар биргаликда мактаб ва мадрасаларни таъминлаб турдилар. Шунингдек, ота-оналарнинг кўрсаттан моддий ёрдами мухим ахамиятга эга бўлди. Рус хукумати мактаб ва мадрасаларни ўрта аср колоклигида саклашга харакат килиб, уларни каттик назорат остида ушлаб турди.

Буни сабаби шундан иборат эдики, рус хукумати туб ахолининг саводини, билимини ва миллий хис-туйғуларини ўсишидан жуда чўчиган. У иложи борича, ўлка халкини аста-секин руслаштиришта қаратилган сиёсатни хаётга татбик этишта харакат қилди. 1870 йилдаёқ Россия халк маорифи вазирлиги «маорифиниг мақсади пировардида барча махаллий ахолини руслаштиришдан иборат» бўлиши хакида карор қабул қилган. Шунга ўхшаш фикрни Н.О.Остроумов хам айттан: «Рус хукумати махаллий ахо-

¹ «Шарк юлдузи», 1992 йил, 10-сон, 173 б. □

лини рус халқи билан аралаштиришга харакат қилиши керак. Шу йўналишда махаллий ахолининг маорифини маълум даражада ривожлантириш лозим».

Рус давлатининг ярим асрдан ортик хукмронлиги даврида хукумат томонидан махаллий ахоли учун бирорта замонавий миллий мактаб, урга ва олий укув юрти очилмади. Натижада, ўзбек ва бошка туб ахоли вакиллари коронғуликда ва қолокликда, умуман маънавий қашшоқликда хаёт кечирди. Бунда, юкоридаги Н.Остроумовнинг «хизмати» катта бўлди. Шу боис хам жадид Мирмухсин Шермухамедов шундай ёзган эди: «Табиийки, Туркистонга маориф инспектори килиб белгилангач, карт миссионер Остроумовнинг таъсири ила бизда... мунтазам мактаб мадраса очира одмас эди. Карт миссионер бунга пичрок (ифлос) бир касд ила карши келадир эди. Зеро, тажрибали бир мактаб ва мадрасада ўкиб чиккан шогирдларда диний, миллий хис-туйгу булар эди. Улар миссионернинг пичрок маслагига хизмат этмасдилар Энди революциядан сўнг миссионерларнинг уясига таёк тикилиб тўздирилгач, карт миссионер Остроумов Туркистондан йўколди Туркистон 27 йиллик шум маъулиндан кугилганидан кейингина сулу олди».

Хақисатан хам, Остроумов куп йиллар мобайнида улуғ миллатчилик сиёсатининг илхомчиларидан ва ижрочиларидан бири эди.

Рус маъмурияти ва зиёлилари орасида агар мактаб ва мадрасаларни фаолиятига имкон яратилса, «гафлатда ёттан мусулмонларни уйгониши» ва «нонимиз яримта» бўлиши мумкин, деган хавотирланиш йук эмас эди.

Кўрилаёттан даврда маънавий хаётнинг негизи бўлмиш дин дахлсизлиги сакланган бўлса-да, лекин дин пешволарининг жамиятдаги мавкенга каттик зарба берилиб, каттик таъкиб остига олинди. Вакф ерларининг кискартирилиши ва уларнинг рус маъмурияти назоратига олиниши хам динни иктисодий заминини анча заифлаштирди. Дин пешволарининг хар бир «ножўя» харакати панисломизм ва пантуркизм сифатида кораланди. Мустамлакачилар халкнинг маънавий хаётини тарихий ёдгорликларни харобага айлантириш билан хам кашшоклангирди.

Боскинчилар ўзбекларни жахон тараккиётидан четда колдириб, фан ва маданиятининг ўсишига катта тўскинлик килди. Бундай, миллатнинг бу кунинигина эмас, балки келажагини хам барбод этувчи миллий зулм жадидларнинг маънавий курашининг асосини шакллантирди.

Улар биринчи навбатда, халкнинг саводини чикариш ва жахон андозаси даражасида билимини оширишга кирипдилар. Улар ёшларни ўкитиш учун Германия, Франция, Туркия, Миср ва бошка мамлакатларга юборишни талаб этдилар. Масалан, бундай таклифлар М.Бехбудийнинг «Эхтиёж миллат» (1909), Хамзанинг «Муаллиф афандиларга улут рижомиз» (1914) ва Чўлпоннинг «Дўхтир Мухаммадёр» (1915) сингари маколаларида баён этилди.

Жадидлар матбуотни ривожлантирині билан хам халкнинг кўзини очишга харакат килдилар. Чунончи, улар 1905 йилнинг охирида «Урта Осиёнинг умр гулзорлиги» номли газета чикаришиб, мактаб ислохотларига ва бошка хаётий масалаларга оид маколаларни чоп этдилар. Аммо газета икки ойдан кейин фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди.

1906 йилда жадидларнинг «Тарақхий» деган газетаси чикарилди. Унда маорифда ислохотларни ўгказицца даъват этувчи фикр-мулохазалар, ўлка сиёсий-маъмурий тизимини танкид килиш ва мусулмонларнинг бирлигини таъминлашни ўз ичига олган маколалар чоп этилди. Шунинг учун хам газета кўп ўтмай хукумаг томонидан тўхтатилиб куйилди. 1906 йил сентябрида «Хуршид» («Куёш») газетаси чика бошлаб, унда эхтистлик билан сиёсий-ижтимоий бошкарув тизими танкид килинди хамда халкнинг сиёсий онгини уйготувчи маколалар чикарилди. Бирок бу газета хам ўша йилнинг охирги ойларидан маъмуриятнинг кўрсатмасига биноан тўхгатилди. 1908 йилда «Шухрат» номли жалил газетаси чикли. Унда босилган М Бехбудийнинг маколаларидан бирида, туб ахоли вакилларидан инженерлар, конуншунослар, врачлар, иктисодчилар тайёрлаш учун ёшларни хорижий мамлакатларга юбориш дозимлиги курсатилди. Шунингдек, у сиёсий хаётта доир маколаларни хам эълон килди. Бу газета хам одатдагидек хукумат томонидан ёпилди.

Демак, рус маъмурияти газеталарни бирин-кетин ёпиб,

жадидларнинг маърифтпарварлик фаолиятига тўскинлик килиб турган. Аммо, жадидлар бўш келмай, 1913-1915 йиллар орасида «Самарканд», «Садои Туркистон», «Садои Фаргона», «Жонли тил», «Бухорои шариф» ва «Турон» газеталарини хамда «Ал-ислох» ва «Ойна» журналларини чикардилар. Уларда ислохотлар ва бошка долзарб масалалар буйича фикр-мулохазалар ўз аксини топди.

Жадидларнинг сиёсий курациарини тасаввур этищда, 1913 пилда «Туркистон овози» на «Голос Туркестана» газеталарида кугарилган куйидаги уч масала хам диккатни жалб этади:

1. Сибирь темир йўлидан то Афгонистон ва Эронгача бўлган жойда яшаёттан бутун ерли халклар билан руслар орасида хукук ва соликлар сохасида тенгликни вужудга келтириш;

2. Кўчманчи хаёт кечирувчи мусулмонларга кишлок ва шахарлардан жойлар бўлиб берилганига кадар кўчиб келаётган русларга ер бермаслик;

3. Замонавий маърифатни таркатиш.

Ушбу масалаларнинг йуналиши рус давлатининг улуг миллатчилик сиёсатига карши каратилган эди, албатта.

Жадидларнинг машхур вакилларидан бири Чўлпон ўтмиш замонларда маърифатни ривожланганлигини, бирок мустамлакачилик даврида уни инкирозга учраганлигини таъкидлаган. «Чор хукумати вактида, - деб ёзганди у, - ички Россия мусулмонларини чўкинтирмок ишида Рустами Зол (Рустам Зол) бўлғон, бизнинг маълум Остроумов тўрамизнинг устози саналган машхур Илминский чўкинтириш сиёсатининг бири бўлгон машхур Поледонаевга ёзган хатида: «Ерлик халк орасидан бизнинг учун фойдалик ва хеч бўлмаганда зарарсиз кишилар, у рус тилини тутилиб, уялиб гапиртургон, ўрисча ёзганда бир мунча хато билан ёзатургон, бизнинг губернаторимиздан эмас, хатто устол бошлиги (Мирзо) миздан хам қўркатургон кишилардир» - деган эди.

«Бунга қарши - деб сўзини давом эттиради Чўлпон, - биз рус тили билан эмас, хатто Оврупо маданияти миллатларининг тили ва билими билан жавоб берсак, одам катори яшамокка албатта хак козонармиз. Энди бу эзгу харакатта тарихимизда кўраолмогинимизга бир нарса кўшилса,

яъни ўзбекнинг эркин йигитлари эмас, туткун кизлари хам Илминский васиятига карши исён бошласа, ўзи учун энг тотли бўлгон элидан, ота-онасидан кечиб, минглаб чакирим ерга кетсалар, одам катори хаккини, туртки емасдан, урилмасдан сўкилмасдан, ўз хукукини ортиги билан козона оламиз. Эски турмуш ўлим тўшагида, йигитларимизнинг чин билимига караб, бу интилишлари эски турмушни бироз аввал ерга кўмгусидир».

Гарчанд, ушбу ажойиб ва жушкин фикрлар 1922 йилда «Кизил байрок» газетасида ёзилган бўлса-да, лекин ундаги гоялар, шоирнинг ва умуман жадидларнинг фаолияти чор

хукумати вактида намоён бўлган.

Олдинги сахифаларда кайд килинган Миркомил Мирмуминбоев Андижонда шифохона ва мадраса очиш учун куп харакат килди, лекин рус маъмурияти унинг мавкеини янада ошиб кетишидан ва халкнинг «уйтониши» дан куркиб, режасини амалга ошишига йул бермади. Бу хусусда куйидаги хужжат далолат беради:

"Фаргона вилоят бошкармасига

Миркомил Мирмўминбоев Андижон шахрида курмокчи бўлган мадраса масаласи бўйича шуни маълум киламанки, Фаргона вилоят бошкармасидан мавжуд мадрасаларни кенгайтириш ва янгиларини куришга иложи борича рухсат этмасликни ва факаттина эски мадрасаларни

таъмирлацита рухсат берилищини сурайман.

Охирги пайтларда баъзи бир шахарларда Андижон, Кукон ва Уратепа мусулмонларининг баъзи бир мачит ва мадрасаларига укувчиларнинг мисли курилмаган даражадаги катта окими кела бошлади. Бу давлат манфаатларига зид холдир. Масалан, шундай мадрасаларнинг бирида муллаваччалар сони 160 кишидан бирданига 600 кишита купайтан. Андижон шахрида шундок хам мусулмон мактаблари керагидан ортикрогдир»

Туркистон ўлкаси халк билим юртларининг инспектори имзо чеккан мазкур хужжат рус хукумати хохиш-

иродасининг ифодасидир, албатта.

Демак, рус давлатининг маориф ва маданий сохадаги сиёсати ўзбек ва бошка туб ахолини саводсизликда ва колокликда саклашта, умумжахон тараккиётидан махрум

этишга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам ҳалқ оммаси маънавий жиҳатдан қашшоқлашди. Мана шундай реакцион сиёсатта қарши ўларок жадилларнинг маърифий ва маънавий чиқишлари юзага келди.

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларидаги шароит жадидларнинг сиёсий, иктисодий ва маънавий карашларини белгилаган эди. Бу тарихий ахамиятта молик гоялар миллий буржуазия, рухоний ва умуман махаллий юкори табаканинг илгор вакилларини хам камраб одди. Чунки Россия хукмронлиги ўлкани хом ашё манбаси ва тайёр махсулотлар бозорига айлантирди, мустамлакачилик ва улут миллатчилик сиёсатини авжига миндирди.

Ватанга содиклик ва унинг мустакиллигини тиклаш хис-туйгулари хам жадидлар етакчилигида жамиятдаги барча табакаларни озодлик курашига чорлади. Жадидлар шароит такозосига кўра, биринчи навбатда, халкнинг саводини чикариш, билимини ошириш, миллий хис-туйгуларини ва сиёсий онгини ўстириш учун курашдилар. Бошкачарок айтганда, улар фаолиятининг дастлабки боскичида маърифатпарварлик салмокли ўринни эгаллади. Аммо, бу уларда сиёсий гоялар ва максадлар йўк эди дейиш эмас, албатта. Аксинча, олдинги сахифаларда курсатилганидек, сиёсий карашлар мавжуд эди, лекин уни дархол амалга ошириш учун хали шароит етилмаган эди. 1917 йилда Россияда Романовлар сулоласи агдарилиб, сиёсий курашта имкон туғилиши биланок жадидлар, миллий буржуазня ва рухоний вакиллари биргаликда Туркистон мустакиллиги учун сиёсий кураш бошладилар.

#### Н. Каримов

#### XX аср бошларидаги тарихий вазият ва жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши

Туркистонда жадидчилик харакатининг вужудга келиш ва шаклланиш тарихи ўрганила бошлаганига кўп вакт бўлганича йўк. Аммо шунга карамай, хозирнинг ўзидаёк бу масала юзасидан талайгина ишлар амалга оширилди. Жадидчилик харакатига бўлган кизикишнинг тобора кенг канот ёзаёттанлиги ва бу мавзу билан Германия, Франция, АКШ, Япония ва Туркия сингари мамлакатлардаги олимларнинг хам шутулланаёттанлиги сабабли, Туркистон халклари тарихининг бу мураккаб даври кенг кўламда ўрганилмокда. Бирок, худди шу хол туфайли айрим масалалар юзасидан бир-бирига зид карашлар хам пайдо бўлмокда.

Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг бошланиши масаласида якин вақтларга кадар тарихчи ва адабиётшунос олимлар даврасида якдиллик бўлган. Улар жадилчиликнинг XX аср бошларида Россия, Туркия ва Эронда рўй берган инкилобий ҳаракатлар таъсирида майдонга келгани ҳакида ягона фикрда бўлганлар. Аммо кейинги йилларда худди шу масалада ўзгача фикрлар ҳам ўртага ташланмокда.

Ўзбек халки тарихининг хорижий тадкикотчиларидан бири Боймирза Хайитнинг фикрига кўра, жадидчилик XIX асрнинг охирларида бошланган. У Туркистондаги бу маърифатпарварлик харакатининг кўзга кўринган намояндаларини санаганда, Бехбудий, Фитрат, Чўлпон сингари том маънодаги жадидлар билан бирга Комил Хоразмий, Мукимий, Фуркат, Абай, Мулла Нафас, Зинхорий сингари маърифатпарвар шоирларнинг хам номларини тилга олган. Сўнгги йилларда ўзбек олимлари орасида хам жадидчилик харакатининг вужудга келиш вактини бир оз олдинга суриш, шунингдек, жадиллар сафини юкоридаги сингари кенгайтиришга уриниш тамойили йўк эмас.

Жадидчиликнинг качон бошланганлиги принципиал ахамиятта молик. Агар биз, бу харакатнинг XIX асрнинг охирларида бошланганлиги тугрисидаги фикрга қушилсак, у холда унинг кайси омиллар таъсирида пайдо булганлиги ва мохияти масаласига хам ойдинлик киритиш лозим булади. Колаверса, Комил Хоразмий, Мукимий ва Фуркат билан Бехбудий, Фитрат ва Чулпон уртасидаги жадидона якинликни хам асослаб бериш зарур.

Ушбу масалага ойдинлик киритиш учун, аввало, «жадид» сўзининг качон ва кимларга нисбатан кўлланил-

ганини яна бир бор эслашимиз лозим.

7\_Туркистондаги жадидчилик харакатининг таникли намояндаларидан бири Абдулла Авлоний ўзининг таржиман холида 1900 йилла уйлангани ва оила бошлиги булиб қолганлигини эслаб, бундай ёзган: «Бу вақтда бутун оилани бокмок учун киш кунларида ишламокға тўғри келганлигидан куввати мухофазам урта даража булгон холда мадрасани ташлаб чикиб кетувга тўгри келди. Шул чокларда ўзим мехнат ичида яшаганлигимдан бойларга ва муллаларга қарши шеърлар ёза бошладим. Мадрасадан чикиб кетсам хам маориф ишларидан чикиб кетмадим. Турли газеталар ўкишга тутиндим. Шул замонларда Русиянинг турли шахарларида чиккан матбуот-газета ва журналлар билан танишиб, укиб мазлумотимни орттира бордим. «Таржумон» газетасини ўкиб, замондан хабардор булдим. Шул замонда ерли халклар орасида эскилик-янгилик жанжали бошланди. Газет Укувчиларни муллалар «жалилчи» номи билан атар элилар. (Таъкид бизники - Н.К.) Мен хам шу жадидчилар қаторига кирдим. 1904 йилдан жадидчилар тўдасида ишлай бошладим. «Жадид мактаби» очиб, ўкитувчилик кила бошлалим».

худди шу даврда бошланган.

А. Авлонийдан ўн бир ёш кичик бўлган Хамзанинг

«Таржумон» сингари лаврнинг тараккийпарвар газеталари билан танишуви эса 1907-1908 йилларда боцланган. Унинг таржиман холила бу хакла куйилаги сўзларни ўкиймиз: 1907 йили, отам хажга кетиши муносабати илан, бирга Кашнаргача узатиш муносабатила саёхатта бориб, биринчи маптаба «Вакт», «Бокчасарой» (тўгрироги -«Таржумон»-Н К ) газеталарини ўкишга шундан урганиб кайтдим. Шунлан бошлаб кунлан-кун эски хурофотларни, мадраса Фкицијарини, халк тирикчилигидағи Фзгарициларни. маданият, иктисол деган масалаларни текширишга кира бошпалим». Хамза «Йигитлар товуни» леган маколасила яна шу масалага кайтиб, бундай ёзган: «Куп узок эмас, 1908 йилларда хам мадрасада ўкуб юрган вактимизда газетжурналларни бировлар номига ёздуруб олуб, култугимизга ёшуруб, шул мадрасанинг козон куялиган коронгу хужпаларинда эшикни ичилан беклаб, Ушанда хам куркубкўркуб ўкур эдик».

А. Авлоний ва Хамзаларнинг бу сўзларини келтиришдан максад, ўзбек жадидларининг «Таржумон» сингари газеталар таъсирида XX асрнинг бошларида пайдо

булганларини тасликлашлир.

Тугри, Туркистонда бошланган жадидчилик харакатини биргина «Таржумон» газетаси билан боглаш тўгри эмас. Шу йилларда шакллана бошлаган махаллий зиёлилар «Вакт» ва «Таржумон» газеталари билан бирга Тагаристон, Озарбайжон, Хиндистон ва Мисрда нашр этилган газета ва журналларга хам муштарий бўлиб, уларни мунтазам равищда ўкиб турганлар Садриддин Айнийнинг «Кискача гаржимаи холим» деган хасби холида ёзишича, ёшликдаги уртокларидан бири Хиндистонда форс тилида чиккан «Хабл ул-матин», Мисрда форс тилида босилган «Чехранамо» газетасини хам «каерлардандир топиб келган».

Шу тарзда XX аср бошларида Туркистонга етиб келган тараққийпарвар газеталар Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, А.Авлоний, Хамза, Фитрат, Чўлпон сингари ёшларни дунёнинг бошка мамлакатларида яшовчи халклар хаёти билан, янги тутилган асрнинг маърифатпарварлик гоялари билан таништира бошлади. Худди шу йилларда Россия, Туркия ва Эронда содир бўлган инкилоблар хаки-

даги хабар хам шу нашрлар оркали Туркистонга етиб келди.

Модомики, юкорида номлари тилга олинган газеталар ёш авлоднинг кўзини очиб, унга XX асрнинг - ижтимоий силсилалар ва илмий-техник кашфиётлар асрининг кириб келганлиги хакидаги хакикат билан ошно этган ва унинг дунёкарашида кескин ўзгариш ясаган бўлса, демак, мустамлака шароитида яшаёттан Туркистоннинг ўзида бундай газеталар йўк эди. Шу биргина фактнинг ўзиёк Туркистонда ўша даврда хукм сурган ижтимоий, маданий ва маърифий мухит хакида озми-кўпми тасаввур беради.

Кичик бир маколада XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларидаги тарихий вазиятнинг мукаммал манзарасини курсатиш мумкин эмас. Бир замонлар ер куррасида энг қудратли бўлган Темур салтанати XIX асрнинг ўрталарига келиб, ўзининг харбий, сиёсий, ижгимонй ва иктисодий салохиятини мутлако йўкотган, уч кичик хонликка ажралган ва азбаройи холсизланганлигидан рус кушиндари томонилан осон-гаров босиб олинган эди. Туркистон халклари, бир томондан, мустамлакачи чор хокимияти, иккинчи томондан, махаллий бойлар ва амалдорларнинг каттик сикуви остида яшарди. Ана шу икки томонлама зулм ва икки томонлама сикув Туркистон халкларининг нафакат иктисодий, балки ижтимоий, маданий, маърифий ва маънавий хаётига мислеиз даражада катта салбий таъсир ўтказди. Нафакат чор хокимияти, балки махаллий давлат идораси хам халкнинг ижтимоий онгининг ошиши, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиши, бошка халклар ва мамлакатлар хаёти хакида тасаввурга эга булишидан манфаатдор эмас эди. Шунинг учун хам, бир томондан, чор хокимияти, иккинчи томондан, махаллий давлат тузуми халкнинг күзини очиши, ижтимоий ва маланий хаётини нурлантириши мумкин бўлган хар кандай тадбирларга карши тиш-тирноги билан куранили.

Россиянинг Шаркдаги сиёсатига муайян даражада таъсир ўтказган кишилардан бири Н.И.Ильминский маслакдоши Победоносцевга ёзган мактубларининг бирида бундай фикрни олға сурган: «Олимлардан ва ўта билимли укитувчилардан эхтиёт бўлинглар. Ута одобли ва муккаси билан динга берилган оддий одамларга қараганда уларни жуда қаттиқ кузатув остига олинглар». Ильминскийнинг ана шундай «доно» маслахатига амал килган Россия Ички ишлар полицияси департаменти Туркистондаги хар бир маърифатли кишини каттик назорат остига олибгина колмай, масжид ва мадрасалар, китоб бозорлари ва омборларда тинтув ўтказиб, сиёсий адабиётнинг, яъни Бокчасарой, Уфа ва бошка шахарларда чоп этилган газета ва журналларнинг бор-йўклиги билан қизикди, бундай тараккий парвар нашрларнинг Туркистонга кириб келмаслиги учун барча чораларни курди; бу билангина кифояланмай, махаллий зиёлиларни икки канотга ажратиб юбориб. удамодарни жадидларга, жадидларни эса удамодарга карши күйди: дин арбобларининг ута мутаассиблашишига шарт-шароитлар тугдириб, улар ихтиёридаги масжид ва малрасаларнинг купайиши ва шу оркали таъсир доираларининг кенгайишига имконият яратди. Ана шу тарзда «олимлар ва ўта билимли укитувчилар» сиёсий назорат остига олиниб, «ўта одобли ва муккаси билан динга берилган оддий одамлар»нинг Туркистоннинг ижгимоий ва маънавий хастилаги мавкен ощиб борди. Айни пайтда чор хокимияти махаллий маъмуриятнинг ижозати ва уламоларнинг локайдлиги (ёхуд фаолсизлиги) туфайли Туркистонда фохишахоналар ва ичкилик сотувчи дуконларни очли. Бу хар иккала разолат ўчоклари аждахо сингари махаллий халкни секин-аста ўз домига торта бошлади.

Хўш, Қўқон ёхуд Хива хонлиги, ё бўлмаса, Бухоро амирлигидаги давлат арбоблари ўртасида мамлакат ва халкнинг разолат боткогига ботаётганини кўрган ва бунга карши бош кўтарган кишилар бўлганми?..

Замондошларнинг шаходат беришларига кўра, масалан, Бухоро амирининг маишатдан бошка дарди бўлмаган. Кушбегининг собих котибларидан бири Мирзо Хикматуллонинг гувохлик беришига кўра, амир халк ишига бутунлай аралашмай яшаган, хатто йиллик келим ва кетимни хам билмаган. Хива хони эса кари бир одам бўлиб, умрининг кўп вактини кушлар ва гуллар билан уйнаб утказган. Улар атрофида хам халк ва мамлакат такдири билан яшаган бирорта амалдор бўлмаган.

Ана шундай тарихий шароитда Марказий Осиёни босиб одган чор хокимияти Туркистоннинг хакикий хужайинларига айланган Дарвоке, «Новое время» журналининг 1908 йил сонларининг бирида босилган макола худди шундай - «Туркистоннинг хужайинлари» деб номланган. Унда, жумладан, бундай дейилган: «Бизнинг сўнгти икки генералимиз Черняев билан Скобелев иссик иклимда, жанубий тогларнинг этакларида рус қабиласининг хукмдорлигини мустахкамлаш учун Урта Осиёда арслондек курашди. Улар дахоси ва жасорати билан, қадимги даврларда айтишганидек, «рус тожининг қимматбахо дурдоналаридан бири» - Туркистон ишғол этилди».

Туркистонни рус тожининг кимматбахо дурдоналаридан бири деб атаган кимсалар учун биринчи навбатда, олгин керак эди. Улар Туркистонни олгин конларидан иборат ўлка, деб ўйлагандар. Туркистоннинг факат ер ости бойликларига эмас, балки ер усти бойликларига хам эга эканлигини билганларидан кейин улар минглаб мужикларни Ички Россиядан кучириб келтирганлар. «Келажак мухожир рус кишлокилари ерли халк кишиларидан кура бойрок бўлиши керак», деган шиор шу даврда рус мустамлакачилик сиёсатининг тамал тошини белгилаб берди. Шу шиорга амал қилган мустамлакачилар махаллий халққа тегинили унумли ерларни тортиб олиб, уларни келгинди мужикларга бўлиб бердилар. Ана шу тарзда, 1906-1913 йилларда Туркистонда 116 та рус кишлоги вужудга келди. Бу кишлокларни ташкил этган мужикларнинг 36,7 фоизи хеч кандай мол-мулксиз, 60,9 фоизи эса, хатто, сарик чакасиз келган эди. Чор хокимияти ана шу мужикларнинг бошларини силаб, уларнинг махаллий халкни эзиш ва феодал колоклик шароитила ушлаб туринда хукуматнинг ишончли суянчиги бўлишлари учун барча имкониятларни яратди. Натижада, махаллий халкнинг иктисодий, ижтимоий ва маданий ахволи чидаб бўлмас даражада огирлашли.

Туркистон халкларининг шу даврдаги хаёти, савияси, менталитетига хос салбий хислатлари, иллатлари тўгрисида тасаввур хосил килиш учун Бехбудийнинг «Падаркуш» пьесаси, Фигратнинг «Мунозара», Чўлпоннинг «Курбони жахолат», «Дўхтир Мухаммадёр» хикоялари ва бошка

ўнлаб жадид адабиёти намуналарини ўкишнинг ўзи кифоядир. Чунончи, европаликлар билан ўзбек халки ўртасидаги фаркни тасвирлашта бағишланган бир шеърида Тавалло бундай ёзган:

Ёврупо ахли, сиз кулок солингиз, Биз хунарлар ёзиб тонуштирамиз. Келтуринг занбурак, курол неча хил, Бизни сопкон ила отуштирамиз. Афтомобил, аробангиз кайла, Хўканд арба билан чопуштирамиз. Биз билурмиз, сиз тўгри сўзни кули, Лек биз ялгонлар котуштирамиз. Дўстни душман эдуб, солиб игво, Гап тошуб ўртага чокуштирамиз Кўлда бидъат маромномаси бор, Ким якин келса, биз ёпуштирамиз...

Ана шундай сатрларни ўкир экансиз, аср бошларидаги Туркистон халклари хаёти кўз олдингизда гавдаланади. Чулпон «Духтур Мухаммалёр» хикоясида шу аянчли хаётнинг манзараларини янада аник ва хакконий буёклар билан тасвирлаб: «Эрта билан соат 8 да истансага чикуб, поездни кутуб турди. Нихоят, ХХ аср маданияти аждар каби пишиллаб, хар тарафга сув чочуб... Мухаммадёрни ватанилан айирмокчи эди. Истансада бир гариб манзара элики. Мухаммалёрнинг кўнглини бузмокка бошлади: бир мусулмон хуржун йўкотган! Бири бора турғон истансасин номин билмай, бошка истансаға билет олуб қуйғон... ва шунга ухшаш дахшатли манзаралар олдида Мухаммадёр котуб колди. Нихоят, иккинчи зуванок урилганда, чикуб, учинчи классдан жой топуб угурди. Халиги қурқунч манзаралар бунда андин хам зиёда хукм сурмокда эди: бир мусулмон бириси билан урушуб бурни конагон, бир мусулмонни поезд маъмурлари тугуб олуб урадурлар... Мухаммалёр чидаёлмади. Поезднинг ташкарисига чикуб, тикка туруб, истансани томоща кила бошлади. Бир армани Кофкознинг коронғу гушалариндан келуб, истансада дўкон очуб, бой бўлуб, икки ўглини хукумат мактабларида тарбия килмакда... Ва ерли мусулмонлар эса топган пулларни туйга, жанозага сарф килуб, факирликда, хорликда қолмоқда эдилар... э дея ёзади.

Аср бошларидаги турмушнинг бундай манзараларини курган зиёлилар «Таржумон», «Вакт» сингари газеталарни укиганларидан кейин уларни бартараф этиш йулларини кидирдилар. Исмоил Гаспрали уз газетаси оркали Туркистонга янги давр гояларининг келишига имкон тутдирибгина колмай, 1893 йили узи хам Самарканд ва Бухорога келиб, Бехбудий, Шакурий сингари миллатнинг олди кишилари билан танишди, хатто Бухорода «усули жадид» мактабини очди. Секин-аста Самарканд, Кукон, Тошкент, Андижон сингари шахарларда хам жадид мактаблари ташкил этила бошланди. Санокли булса-да, дастлабки жадидлар пайдо булди. Лекин бу мактаблар ва уларни ташкил эттан жадидларнинг миллий уйгониш харакати намояндалари сифатида шаклланиши осон кечмади.

7 Чор Россиясининг хуфяларидан бири, Эрон ва Туркиядаги миллий озодлик харакатлари хамда 1905 йил рус инкилобидан кейинги Бухоро ахли тўгрисида бундай маълумотни берган: «Бухорода мадрасалар кўн бўлса-да, халк ортик нодон, сиёсий фикр деган гаплар хеч хам йўк. Русия инкилоби хакида хеч нарса англамайдурлар. Маълумоти бўлгонлари хам Русия инкилобини инкилоб деб билмайдурлар. Нима бўлса хам Бухорода ўзгариш эхтимоли жуда узокдур». Шу хуфя Бухоро ахлининг сиёсий савияси тугрисида мулохаза юритиб, яна бундай ёзган: «Бухоро бозорларида учраша тургон кишлокилардан дуруст маълумот ололмади. Сабаби эса, улар, биринчидан, шахарга иш билангина келганларидан сўзлашиб ўлтиришга вактлари йўкдур. Иккинчидан, сиёсатдан гапиришга амирнинг хуфяларидан қўркадурлар, чунки, амирнинг хуфялари нихоятда куп булиб, сиёсий бир гап эшитсалар, ушлаб. дарров зиндонга соладирлар»./

Сўнги йилларда айрим тарихчилар ва айникса журналистлар, XX аср бошларидаги тарихий вазиятнинг ана шундай нохуш манзарага эга бўлишида амир ва хонликларнинг хам айби катта эканлигини эътибордан сокит килиб, улар фаолиятига ижобий бахо бериш ва уларни халк дарди билан яшаган кишилар килиб тасвирлашга уринмокдалар. Бу, муглако нотўтри карашдир. Ўзларига тегишли тасарруфда мустабид тузумни ўрнаттан бу давлат арбоблари халкни мустамлакачилар билан бирга эзиб, хур фикрли кишиларни дахшатли равишда махв этиб келганлар Ана шундай шароитда жадидларнинг укув тизимини ислох этиш, янги типдаги мактабларни очиш, халкни маърифатлаштиришга каратилган дастур билан чикишлари, жадид мактаби, жадид матбуоти, жадид адабиёти ва жадид теагрига пойдевор куйишлари уларнинг улкан фукаролик жасоратларилир.

С Ана шу тарэда жадидлар XIX асрнинг охирларида эмас, балки XX аср бошларида майдонга чикдилар. Лекин уларнинг тарих сахнасида пайдо бўлишларида бояги икки омил тарихий-ижтимоий шароит ва даврнинг янги гояларини, олга сурган газеталари билан бирга, учинчи омил - Мукимий ва Фуркатлар бошлаб берган ўзбек маърифатпарварлик адабиёти хам мухим роль ўйнади. Аммо бу сўз уларнинг хам жадид бўлганликларини муглако англатмайди.

Жадидлар пайдо бўлган илк кунлардан бошлабок, улар хам чор хокимияти, хам махаллий хукмдорларнинг каршиликларига дуч келдилар. Бинобарин, улар халкни шу икки зулм учогидан, шу икки колоклик боткогидан халос этмокчи бўлган эдилар. Абдулла Бадрий «Ёш бухороликлар кимлар?» деган рисоласида жадидларни кўзда тутиб, бундай ёзган эди:

«... онларнинг фикру хаёллари ва муддаолари биз, бечора ва кашшокларни гурбатдан, яъни амирлар, беклар ва бойларнинг зулмларилан озод килмок (таъкид бизники - Н.К.) ва бизларнинг рохатимиз ва тинчлигимиз учун харакат ва тараддуд килмокдир».

Стихияли тарзда пайдо бўлган ва дастлаб, асосан, маърифий вазифаларни амалга оппириш максади билангина майдонга келган жадидларнинг бирлашпиши ва кенг қанот ёзипиида, ўзбек жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчиси Махмудхўжа Бехбудийнинг хизматлари бекиёсдир. У келажакда миллий босмахона ва наприётни ташкил этиш, кўппни халклар ҳаёти, жумладан, мактаб ва маорифи билан танишиш, бу мамлакатлардаги тараккийпарвар кучларнинг тажрибаларини ўрганиш ва ўзбек жадидларининг халкаро алокаларини изга солиш учун Россиянинг бир канча саноат

марказларига ва Якин Шарк мамлакатларига борди. Бухорода ташкил этилган «Тарбиян атфол» жамиятининг саъйхаракати билан Фитрат Туркияга тахсил кургани борди. Чор хуфяларининг махфий хатларига қараганда, у Туркияда булганида, «Итгиход ва тараккий» ташкилотига аьзо булиб кирди ва хатто, Бухорога кайтиб келганидан кейин хам бу ташкилот билан алокасини узмай, унинг тажрибасидан фойдаланди. Фигратнинг Бухоро амирлигидаги сиёсий, ижтимоий ва маданий мухитни узгартириш зарурлигини англаш кобилияти унинг ўзбек жалидчилик харакатининг дастури булиб хизмат қилган «Мунозара», «Хинд сайёхи баёноти» сингари асарларини ёзишига имконият яратди. Туркияда чоп этилиб, Бухорода ящирин равищда таркатилган бу асарлар бухоролик ёшларнинг дунёкарашила инкилобий ўзгаришларни юзага келтирди. Ана ціу гарзда жадидлар тажриба орттириб сафларини тобора кенгайтира бордилар.

ДНундай килиб, жадидчилик XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистонда хукм сурган фавкулодда колок иктисодий, ижтимонй ва маданий шароитда яшаётган халкларни маърифатланпириш, жамият хаётида ижтимоий ва маданий ислохотлар ўтказиш, пировардида, миллий мустакиллик гояларини хаётга тадбик этиш максадини ўз олдига қўйган харакат сифатида, тарихий вазият такозоси билан вужудга келди. Бу харакат ўзининг шаклланиш йўлини босиб ўтар экан, аср бошларидан 1917 йил февраль инкилобига кадар бўлган биринчи боскичида, миллий озодлик харакати сифатида узил-кесил расмийлашди. Февраль инкилобининг руй бериши ва чор хокимиятининг фалажланиши билан у ўзининг пировард сиёсий максади - мустакил давлатни барпо этиш гоясини амалга оширишга киришди. Лекин бу харакатнинг кучли ва бирлациан партия ё ташкилотга эга бўлмаганлиги хамда халк оммасини хали уйгота олмаганлиги сабабли, унинг мустакил ўзбек давлатини барпо этиш режаси рўёбга чикмади. Хали оёкка туриб улгурмаган ёш Туркистон мухторият хукуматини шуролар давлати гудаклик пайтидаёк мажаклаб ташлади. V

Жини жадидчилик харакати ва унинг намояндаларини

ёкгирмаган большевиклар бу харакатни факат маърифий харакат деб бахолаган ва уларни сиёсий калгабинликда айблаб келган эдилар. Жадидчилик харакатининг улкан арбоблари ва ташкилотчиларидан бири Мунавваркори Абдурашидхонов 1927 йилда ёзган маколасида большевиклар куйган бу айбга: «Чор хукуматини йукотиш жадидларнинг тилагида бор эди. Сиёсий вазифамиз ва максадимиз хам шундан иборат булиши яширин эмас. Наинки, биз жадид мактаби очиш билан савдо хизматчилари, бошкача таъбир билан айтганда, дуконда ўлгириб насия ёзадургон ходимлар етказсак. Бу ишга аклли одам шу бахони беришда у ёк, бу ёкни мулохаза килсун» дея жавоб ёзган эди.

Мунавваркори Абдурашидхоновнинг бу сўзларига таяниб айтиш мумкинки, жадид мактабини тузишдан максад, большевиклар айтганидек, савдо ходимларинигина тайёрлаш эмас, балки халкнинг умумий савиясини кутариш, замонавий фанларни эгаллаган инженер, врач, журналист, юристдан тортиб, давлат арбобигача бўлган кишиларни тарбиялаш ва улар ёрдамида давлат идораларини ерлилаштириш, шу тарзда мустамлакачиларни Туркистон тасарруфидан сикиб чикариш эди. Жадидлар ана шу максадни амалга оппириш учун «усули жадид» мактабларини ташкил этибгина колмай, айни пайтда миллий матбуот, адабиёт ва театрни яратишга хам катта эътибор бердилар ва жадидчилик харакатининг бу жаб-халари оркали Туркистон халклари хаётини тубдан ўзгартириб, мустакил ўзбек давлатини курмокчи бўлдилар.

Туркистонда сиёсий партиялар фаолиятини яхши ўрганган француз разведкачиси майор Лякоста, 1906 йилда ўз мамлакатига йўллаган хуфяномасида бундай ёзган эди: «Туркистон ўлкасидаги энг эътиборли ва келажаги порлок сиёсий куч социал демократлар (большевик ва меньшевиклар) ёки социал инкилобчилар (эсерлар), ё кадет ва либераллар эмас, балки ўзбек жадидларидир».

Ўз олдиларига Туркистон халкларининг такдири учун мухим ахамиятга молик вазифани куйган жадидлар, 1906 йил январида Петербургда булиб утган Умумрусия мусулмонлари курултойига ўз вакилларини яширинча юбориб,

33

Россия тасарруфида яшаган бошка мусулмон халклар ва уларнинг пешкадам арбоблари билан алока ўрнатмокчи бўлганлар. Бу вактда ўзбек жадидлари, Қозон татарлари каби, ўз миллий дастурларига эга бўлганлар ва келажакда рус истибдодига жиддий зарба бериш учун тайёргарлик кўрганлар. Аммо уларнинг бу ниятларидан хабардор бўлган большевиклар Осипов кузголонидан кейин кўплаб жадидларни кириб ташлаганлар. Ўз мустабид давлатининг душмани деб билган Бухоро амири хам жадидларни кирипіда большевиклардан заррача оркада колмаган.

Жадидчилик харакатининг пайдо бўлиці ва якунланиш тарихи, шубхасиз, факат шу нукталардангина иборат эмас. Ўзбекистоннинг яратилажак янги тарихида халкимиз хаётининг бу мухим даврини тўтри ва хар томонлама мукаммал еритипі учун нафакат, республикамизнинг очик ва ёпик архивлари, балки, биринчи навбатда, Москвада собик КГБ ва бошка архивларда сакланаёттан хужжатларни пухта ўрганишимиз, уларда мавжуд бўлган факт ва маълумотлардан тўтри хулосаларга келишимиз лозим.

#### Д.А.Алимова

## Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти ва жадидлар тафаккури

Узбекистоннинг миллий давлат сифатида ривожланиш йулига ўтиши тарихий хотирани тиклашга, миллий ўзликни англашга мезон яратди. Шу боис, ўзбек халкининг узок муллатли озодлик ва мустакиллик кураши, миллий-озодлик харакати мафкурасининг шаклланиш тарихи жуда кучли ижтимонй кизикиш уйготмокда. Маълумки, 70 йиллик шторолар истибдоди даврида ўзбек халкининг ва, умуман, Марказий Осиё халкларининг озодлик кураши сахифалари коммунистик мафкура тазйики остида онгли равищда сохталаштирилди. Энди тарихий хакикатни тиклаш вакти келмокда. XIX-XX асрлардаги шароигда миллий озодлик харакатининг, шу жумладан, унинг алохида ижтимоийсиёсий окимларининг гарихий жараёндаги ўрни ва ролини холисона урганиці, долзарб масала сифатида илмий доирага чикди. Тарихий тажрибанинг курсатицича, миллий узликни англашнині ўсишига мухим туртки бўлган ва миллий озодлик гоясини шакллантириб, ўз фаолияти билан уни амалга оширишга уринган кучли прогрессив харакат жадидчилик бўлган. У жахондаги умуминсоний ва миллий кадриятларга асосланиб, жамиятнинг пишиб етилган ривожланиш талаблари ва ўлка туб ерли ахолисининг зарур манфаатларига жавоб берарди.

Жадидчилик, маърифатпарварликдан кудратли сиёсий ҳаракагга қадар бўлган мураккаб ривожланиш йулини босиб ўтди. Туркистондаги мустамлака, унинг турли ганаззулга юз тугганлиги, халкнинг огир иктисодий ахволи, жахоннинг тараккий этган мамлакатларидан иктисодий жиҳатдан оргда колиши, маданий колоклик, ижгимоий онгдаги тургунлик - жадидларни жаҳон тараккиёти тажрибасидан фойдаланиб, тезликда бу ҳолатдан чикиш йўлларини излаб топишга чорлади. Етилиб колган муаммоларни ҳал этишдаги дасглабки йўл сифатида маърифатпарварлик

харакати юзага келди.

Нима учун масала айнан шундай күйилди? Сабаби. жалилларнинг ўзлари талаба ёшлар эди. Улар хам Шарк, хам Ғарб маданияти ютукларини эгаллашга интилдилар, ўкидилар ва ўзгаларни хам шунга даъват этдилар. Жадидлар хорижта чикиб, турли мамлакатлардаги маданият ва таълим тараккиёти даражасини кура олдилар, уларни солиштирдилар ва бу зехнли ёшларда жахон тараккиёти ютукларини Туркистонга келтирищ истаги пайдо булди. Натижада, жадидларнинг диккат марказига биринчи боскичда таълимни ислох этиш вазифаси куйилди. Улар бундай ислохотларни ўгказиш заруратини нафакат, назарий жихатдан исботлаб бердилар, балки янги усулдаги мактаблар, кутубхоналар, ўкув заллари очиб, дарсликлар ёзиб, ўз гояларини амалга оширишта катта куч сарфладилар. Сўнгти маълумотларга караганда, дастлабки жадид мактаблари 1898 йилла Куконда Салохиддин домла, 1899 йилла Тошкентда Маннон Кори ва шу йили Анлижонда Шамсилдин домлалар томонилан очилган. ХХ аср бошларида бу харакат тезлик билан ривожданиб кетди. Миллий зиёлиларнинг ўзагини тацікил этувчи жадидчиликнинг кўзга кўринган вакиллари - Мунавваркори Абдурацидхон ўгли, Убайдулла Асадуллахужа ўтли, Абдулла Авлоний, Тошпўлат Норбўтаев (Тошкент), Махмудхўжа Бехбудий, Хожи Муин Шукрудло, Абдулкодир Шакурий (Самарканд), Садриддин Айний, Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Убайдулла Хўжаев (Бухоро), Ангурали Зохирий, Пулат Солиев, Обиджон Махмудов (Қуқон), Носирхонтура Комолхонтураев, Исхокхон Ибрат (Наманган) кабилар харакатнинг стакчилари ЭЛИТАО.

Туркистон жадилларини бирлаштиришда «жадилларнинг рахбари» деб тан олинган Махмудхўжа Бехбудийнинг хизмати бекиёс бўлди. Жадидлар таркибини ёш жихатдан тахлил килиш натижасида, жадидларнинг Туркистоннинг бўльуси давлат курилиши дастурларида, хакикатдан хам, ёшлар дунёкараши ўз аксини топганлигига ишонч хосил киламиз. 1910 йилда жадидлар сафини асосан 13 ёшдан 36 ёшгача бўлганлар ташкил эттан. Жадидчиликнинг рахбари Бехбудий ўша пайтда 36 ёшда бўлган бўлса, кейинчалик ёшларнинг севимли шоирига айланган Чўлпон, эндигина 13 ёшда эди. Уларнинг хеч бирлари, сиёсий таъкиблар туфайли кексалик ёшигача етиб яшамаганлар.

Жалидлар мафкурасида хозирги кунда жамиятни гашвишга солаёттан - диннинг инсон маънавий камолотидаги фрнини тукри тушуниш, бозорни шакллантириш жараёнларини фаоллаштириш, тараккийпарвар демократик институтларни вужудга келтириш, ўлкада ўзига хос миллий ривожланишни шакллантириш каби тарихий вазифалар жамланган эди. Бу вазифаларни амалга ошириш үчүн мухим шартлар бўлиб, ислом тушунчасини янгилаш, уни мутаассибликдан тозалаш, фан ютуклари ва илгор технологияни эгаллаш муаммоларини хал этиш лозим эди. Бирок бу гоялар, жадидлар исломнинг бугун таълимотини кайта ёзишта интилганлар, деган хулосага олиб келмаслиги керак. Сабаби улар ўз фаолиятларида Курьонни хам. ва умуман, бутун ислом таълимотини хам тўтри изохлаб беришга интилганлар. Улар ўз асарларида (А. Фигратнинг «Хинд сайёхи киссаси», М.Бехбудийнинг «Мутасари тарихи ислом» («Исломнинг кискача тарихи») кабилар) айрим рухонийларнинг ўз манфаатлари йўлида ислом мохиятини бузиб кўрсатгандикларини танкид киладилар ва диндан фойдаланилган сиёсий тадбирлар канчалар огир окибатларга олиб келишгини курсатиб берадилар. Жадидлар исломнинг тараккийпарвар ролини тушунтириш билан таълим, иктисод, маданият ва умуман, жамият хаётининг барча сохаларини ислох этиш заруратини тушунтиришга интилганлар. Куръон ва унинг тафсирини жуда яхши билган Махмудхўжа Бехбудий ўз маколаларидан бирида Курьон оятлари ва хадислардан намуналар келтириш билан ислом халк таълими ва барча фанларга, шу жумладан, тарих фанита кай даражада катта ахамият берганлигини исботлаб берган. У ислом тарихини билмаслиги окибагида, аксарият холларда, ўнгайсиз вазиятта тушиб коладиган дин пешволарини танкид килали.

Жадидлар нафакат Ватанга ва миллий кадриятларга муносабати билан, айни пайтда, умуминсоний тараккиёт ютукларини тушунинда хам тарихий намуна бўлишлари

<sup>1</sup> Бехбудий М. Тарих ва жўзрофия // Ойна. - 1914. - №27. -Б.502-505.

мумкин. Улар хеч качон миллий доирада чекланиб колмаганлар ва уларнинг Ғарб цивилизацияси томон интилишларини туплуниш мумкин. Уща пайтда Ғарб, технология ва ишлаб чикариш даражаси жихатидан Шаркка нисбатан анча илгарилаб кеттан эди. Жадидлар ўзларининг келажакдаги давлат тузумини барча миллатларнинг бирлиги асосида тасаввур этардилар. Бу хакда Бехбудий шундай деганди: «Биз жорий эттан конунлар яхудийларнинг хам. насронийларнинг хам, мусулмонларнинг хам ва умуман, барчанинг манфаатларини химоя килиши керак. Агар биз, Туркистон мусулмонлари, биргаликда ислохотлар ўтказишни истасак, бизнинг зиёлилар, маърифатпарварлар, бойлар, рухонийлар ва олимлар миллат ва Ватан фаровонлигига хизмат килишлари керак... Агар бизни мустамлакачилик конунлари билан бошкараётган эканлар, бунинг сабабчиси, аввало, ўзимизнинг ноиттифоклигимизлир!»1

Жадидларнинг халкаро алокалари жуда кенг камровли булган. Улар Россия, Туркия, Миср ва бошка мамлакатлардаги жадидчилик окимлари дастурларидан хабардор булганлар, узаро сафарлар, мулокотлар оркали тажриба алмаштанлар. 1905-1906 йилги Россиядаги инкилобий харакатлар Туркистонга хам ўз таъсирини кўрсатди. Прогрессив кучлар жипслаша бошладилар ва жадидлар маърифатчилик фаолиятини жадаллаштирдилар. Бу факаттина мактабларда эмас, балки жонли матбуотчилик фаолияти, жумладан, рўзномаларнинг кўплаб вужудга келишида хам кўринди. Чунончи, 1906 йилда Исмоил Обидовнинг мухаррирлигида «Тараккий», шу йили Мунавваркори мухаррирлигида «Хуршид», 1907-1908 йилларда Абдулла Авлоний мухаррирлигида «Осиё» рўзномалари чоп этилди.

Лекин тез орада чор маъмурияти ўзининг эксперти Н.П.Остроумов билдиришномасига асосланиб, бу рўзномаларни ман этди. Маърифатчиликнинг янги тўлкинида

Бежбудий М. Басин хакикат // Улут Туркистон. - 1917. - 12 июнь.

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Худий кулов А.М. Просветительская деятельность диадидов Туркестана (конец XIX - начало XX вв): Дисе. на соиск... канд. ист. наук. - Танкент, 1995. - С.109.

1913-1915 йилларда «Самарканд», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона», «Эл байроги», «Кенгаш», «Улуг Туркистон», «Турон» рўзномалари, «Ойина» ойномаси, 1917 йилда эса «Хуррият», «Фаргона сахифаси» каби оммавий ахборот

воситалари хам пайдо бўлди.

Жалиллар Россиядаги сиёсий жараёнларни диккат билан кузагиб бордилар, вужудга келаётган рус сиёсий партинлари дастурларини ўргандилар. Лекин миллий менталитетнинг ўзига хос хусусияти бўлган ўзбек халкининг тинчликсеварликка, босикликка мойиллигидан келиб чикиб. улар тинчлик йўли билан, жамоатчиликнинг мурожаатлари, Давлат Думасидаги оммавий бахслар ва бошка пегал воситалар билан подшо хокимиятидан ўз максадларини амалга ошириш йўлида ён беришта эришишта интилдилар. Аммо чоризм маъмурияти Давлат Думасида туркистонлик вакиллар булишини ман этган. Бу, бир томондан, ўлка халкининг хукуклари ва кадр-кимматини поймол килиш бўлса, иккинчи томондан, уларнинг сиёсий онгининг ўсиши Россия империяси давлатчилигига хавф тугдирар эди. Ушандаёк жадидлар, Махмудхўжа Бехбудийнинг 1906 йил 11 октябрда «Хуршид» рўзномасида чоп этилган маколасида ўз аксини топган хулосага, яъни бирлашиб ягона мусулмон партияси тузиш ва Бутунроссия мусулмонлари иттифоки таркибига кириш зарурлиги хакилаги фикрга келдилар. 1 Шу билан улар Россиядаги барча туркий халклар орасидаги прогрессив кучларга таяниннга интилдилар. Унибу маколасида Бехбудий социал-демократлар партиясита нисбатан ўзининт салбий муносабатини билдиради. У бу партиянинг дастурини мусулмонлар хаёти нормаларига мувофик келмайдиган хаёлий(утопия) дир, деб хисоблаган.

Жалидчилик Столинин реакциясидан сўнг яширин тусга ўтди. Чунончи, Тошкент полицияси департаментига етказилишича, мана шундай гурухлардан бирини ўкитувчи Ахмаджонов бошкарган ва у, асосан, миллий зиёлилар хамда ўкувчи ёшлар вакилларидан таркиб тошан. Кўкондаги махфий гурух 50 кинидан иборат бўлган. Андижон-

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Бехбудий М. Хайр ул-умури авсатухо // Хуринид. - 1906. - 11 окт.

даги жадилларнинг яширин ташкилоти «Тараккийпарвар» деб аталиб, махфий ишлар бўйича полиция бўлимининг маълумотларига караганда, унинг рахбарларидан бири Убайдулла Хўжаев бўлган. Шунингдек, подшо айгокчилари 1909-1916 йиллар давомида мударрис ва мактаб ўкитувчиларининг ўлкани бошкаришда ислохотлар ўтказиш кераклиги хакида таргиботлар олиб бораётганликларини бир неча маротаба хукуматта етказганлар.

Марказий Осиё жадидчилигига Туркия ва 1905-1911 йиллардаги Эрон инкилоблари сезиларли таъсир кўрсатди. Бу мамлакатлардаги миллий зиёлилар вакиллари монарх хокимиятининг конституцион доирада чекланишига, миллий буржуазиянинг иктисодий кудратини мустажкамлаш учун шарт-шароитларни кўлга киритишга эришишни ўз олдиларига максад килиб кўйганлар. Бирок уларнинг тажрибалари Туркистон жадиллари томонидан механик тарзда кўчириб олинмади. Улар Шарк ва Европа мамлакатларининг мустамлакачиликка карши кураш хамда демократик харакат амалиётидан ўлка шароитларига мувофик келувчиларини танлаб олдилар, шароитга тўгри келмайдиганларидан воз кечдилар ёки бир оз ўзгартириб қабул килдилар.

Россия Февраль демократик инкилоби арафасила, Туркистон жадидчилиги етук сиёсий харакатга айланди. Агар Биринчи Жахон урушидан кейин жадидлар парламентар монархия учун курашган бүлсалар, Февраль инкилобилан кейин Туркистон жадидларининг «тараккийпарварлар» окимини ташкил килган радикал кисми анча кенг камровли, бир катор сиёсий талабларни илгари сурди. Улар каторига махаллий ахоли хукукларини кенгайтириш томон улкани бошкариш юзасидан асосли ислохотлар ўгказиш, ўлкага Давлат Думасидан ахоли сонига қараб ўрин бериш, асосий демократик эркинликлар, аввало, миллий матбуот эркинлигини таъминлаш, чоризмни конституцион тузум билан алмаштириш кабилар кирарди. Россиядаги Февраль демократик инкилоби Россияда янги давлат тузуми урнатилгандан сўнг федератив давлат шаклида мухторият олишта умид боғлаган жадидларни рухлантириб юборди. Айни пайтда, миллий сиёсий партиялар ва ташкилотлар.

жумладан, жадидлар томонидан «Шўрои Исломия». «Иттифок каби бир катор ташкилотлар тузилди. Бу пайтта келганда жадидлар туб ерли ахоли ижтимоий таркибининг турли қатламларини ўз ортларидан эргангтира олдилар. улар онгида мусулмонлар бирлигини мустахкамлаш, жипсланггирині хиссини уйготдилар. Аммо улар тез кунларда тушундиларки, Россиядаги Муваккат хукумат хам, унинг Туркистондаги Муваккат Құмитаси хам ўлкада аввалгилек мустамлакачилик сиёсатни давом эттириш йўлини тутмокла. Чунончи, бу сиёсат Таъсис мажлисини чакиринша тайёргарликда яккол намосн бўлди. Шу вактдан жадидлар учун мустакиллик ва мухторият ё хаёт, ё мамот муаммосита айланди ва жадал сиёсий жанглар бошланди. Улар хукуматнинг мустамлакачилик сиёсатини каттих танкил остига оллилар ва Туркистоннинг Россия Демократик Федератив Республикаси таркибида миллий-худудий мухторият олиш учун астойдил харакат килишга киришдилар. Жадидларнинг дастурий хужжатларида диккат-эътибор миллийхулудий мухториятнинг асосий тамойилларини амалга ошириш механизмлари - Туркистон Федератив Республикаси имкониятларига тааллукли булган масалалар буйича, конунлар чикаришни амалга ошириш учун чакирилган мустакил ваколатли ўлка хокимиятининг олий органлари, бошкаруви ва суди механизмларини инплаб чикиш, ўз давлат тузилишини барпо этишга қаратилди. Бошқарувнинг пойдевори сифатида республика шакли танлаб олинди. Демократик хукук ва эркинликлар берилган ва конституцион жихатдан кафолатланиши лозим бўлган демократик жамиятни шакилантириш - устувор максад килиб белгиланди. Туркистон жадидлари давлат мустакиллиги хакидаги ўз гояларини хаётта татбик этишни мамлакатдаги турли ижтимоий кучлар ўртасида тинчлик ва келишувчилик, демократик асосда шакллантирилган Россия Таъсис мажлисини чакириш билан боглаганликлари хам диккатта сазовор. Уша пайтда, жадидларнинг тараккийпарвар намоёнлалари «Шурон Исломия», консерватив кисми «Шўрон Уламо» ташкилотларига ажралиб кеттан эдилар. Аммо Таъсис мажлисида ўрин олиш масаласининг мухимлигини англаш, бу икки жадидчилик окимининг кушилишига ва «Турк Одами марказияти» номи билан аталувчи ягона Туркистон Федералистлари партиясининг ташкил этилишига олиб келди.

Бирок, Туркистондаги октябрь вокеалари ва большевикларнинг хокимиятни эгаллаши уларга ўз максадларини охиригача амалга оширишларига имкон бермади Шунга карамай, улар янги большевиклар хокимиятининг «Миллатларнинг ўз такдирини ўзи белгилаши тўгрисида»ги декларациясида кўрсатилган хукукларидан фойдаланиб, маркази Кўконда бўлган, «Туркистон мухторияти» деб аталган мустакил мухтор республика эълон килдилар. Уч ойгина яшаган бу мухтор республика тарихи, унинг окибатида жадидларнинг таькибга учраши ва амалда, 1937-38 йилларда бутунлай кириб ташланиши, тарихнинг конли сахифаларидир

Жадидчиликнинг кискача тарихи ана шундай.

Иккинчи жихатдан, жадидчиликнинг феномени шундаки, кейинги уч аср ичида бу оким биринчи бўлиб миллий давлатчилик куришга уринди, ягона мустакил Туркистон учун куранци ва у миллий мустакиллик гоясига асос солди, уйкудаги Шаркни уйгонишга ва харакатланишга, озодлик, миллий гурур, ўз буюк аждодлари, бой маданияти ва, умуман, мустамлака тузумнинг тазйики остида унугилган барча қадриятларини хотирлашга ундади. Жадидлар таълимоти - ўз замонасининг хакикий таълимоти эди. Чунки у нафакат тараккийпарвар шахслар, балки фикрловчи ёшларни, шунингдек, барча тараккийпарвар зиёлиларни ўз кетидан эргаштира олди. Уларнинг фаолияти ва дастури келажак учун намуна бўлди. Жадидлар томонилан жамиятда пишиб етилган ижтимоий вазифаларни эволюцион-ислохотчилик тамойиллари асосида хал этиш ишлаб чикилганлиги, уларнинг формацион-институционал ўзгартирициарни, мустамлака тузумни тубдан йўкотишнинг максимал даражада самарали йўлларини танлай билганликлари, шубхасиз, уларнинг тарихий хизматларидир. Жадидларнинг концептуал гоялари хозирги ўзгаришлар амапиётининг маънавий даракчиси, бугунги кундаги стратегия ва кенг камровли ислохотлар курсининг генетик асоси бўлиб хизмат килди.

Тарихдан яхши маълумки, деб ёзади Бехбудий, «Хак олинур, берилмайдур. Хар миллат ва мамлакат халки ўзининг хукуки, дини ва сиёсатини харакат ва иттифок ила бошкалардан олади... Биз мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонлари, истаймизки, хеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм тахдид килмасун ва бизни хам бошкаларга тахдид килмокка асло фикр ва ниятимиз йук» 1.

Жалидчилик ўзидаги қайси белгилари билан фавкулодда ходиса эди? Унинг феномени нимада? Уларнинг жамиятдаги инкироз на мугаассибликни шу даражада аник куришларига, диний, хукукий ва ахлокий нормаларга амалий ёндашишига нима ёрдам берди? Биринчидан, унинг ноёблиги (феномени), аввало, унда гоятда юкори даражалаги акл-идрокли, хам Шарк, хам Европа маданиятига хос билимларга эга бўлган зиёлилар жамланганлиги билан белгиланади. Утмишга назар солиб, уни ўрганиб, ўз даврини тахлил килган жадидлар ўз Ватанининг келажаги лойихасини туза билдилар, унинг ривожланиш йўлларини режалаштирдилар. Уларнинг деярли барчаси олий диний таълим олганлари, Жомий, Навоий, Фузулий шеърияти. калимги Шарк мутафаккирларининг фалсафий асарлари рухила тарбияланганлари холда, ўз билимларини чет эл маданияти, жумладан, хам Шарк, хам Ғарб маданияти ютуклари билан бойитдилар<sup>2</sup>.

Уша йиллари анъанавий осиёча фикрлаш доирасидан чикиб кетувчи Махмудхўжа Бехбудийнинг «Конуни Оврупо» («Европа конунлари») маколасини ёки Абдурауф Фитратнинг «Рахбари нажот» («Озодлик йўрикномаси») рисоласини ёзишга нима сабаблар чорлади ва шунга йўл очиб берди? Албатта, бу нарса уларнинг бошка давлатларнинг турмуш тарзи конуниятларини ўрганишга интилишлари, уларнинг энг яхши зиё урутларини ўзларининг сермахсул ва кадимий маданият тупрогида кўллаш учун ўрганиш ва

<sup>1</sup> Бехбудий М Басин хакикат // Улуг Туркистон - 1917. - 12 пюнь

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> Жадилдарнынг аксарвяти ўз билимларини чет запарда давом этгирдилар Масалан, Исхокхон Ибрят Жидда, Истанбул, София, Афина, Римда шпабўкиган. Хиндистонда кам узок вакт япаган. У француз, инглиз, урду, форс, иврит, араб ва боціка яна бир катор тилларини ўрганган.

тушуништа уринишлари эди. Жадидлар онгида маданиятнинг юкори даражадаги ютуклари сараланиши ва уйгунлашуви юз бердики, унинг асосида Туркистондаги тараккиётнинг махсус шакллари мулохаза этилиши ва ишлаб чикилиши рўй берди. Бу ходиса Абдурауф Фигратнинг «Озодлик йўрикномаси» асарида Туркистондаги анъанавий фалсафа хакида фикр юриттанида, француз тарихчиси Шарль Сеньобоснинг уч жилдлик «Сиёсий тарих» ига таянганлиги мисолида яккол кузга ташланади.

Биз куйида Туркистон жадилларининг ўтмиш, хозирги замон, шунингдек, келажакни ўз ичига камраб олган тарихий дунёкарашини аникрок кўрсатиш максадида уларнинг бир катор асарларини тарихийлик нуктаи назаридан тахлил этишга уриниб кўрамиз. Келажакни башорат килиш ўтмиш ва хозирги замон тажрибасига таянади, деган фалсафий хакикятни жадидлар жуда яхши англаштан ва ўз асарларида унга асослаништан. «Мозий - истикболнинг тарозусидир» - деб ёзган эди М.Бехбудий.

Факат тарихий асарларнинг ўзини бу ракурсда кўриб чикиш, назаримизда, старли бўлмайди. Жадидларнинг карашларини аниклаш учун, Туркистон ижтимоий-сиёсий хаётининг турли долзарб йўналишларига багишланган бир катор йиллардаги ишларни комплекс ўрганиб чикиш зарур. Аммо Туркистон тарихига чукур киришиш, унинг тараққиётининг гуллаб-яшнаган даврларини хам, инкирозга учраган боскичларини хам ўрганиб чикиш жадидларнинг амалий, маърифатпарварлик фаолиятининг мухим кумакчиси бүлган. Уларнинг тарихий асарларини махсус ва синчиклаб урганишни талаб этувчи куп сонли публикациялар ташкил этади. Жадидларнинг ўз Ватани тарихига кизикишлари кенг ва куп киррали эканлигини тушуниш учун эса, Фитратнинг «Тарақкий ва танкид», «Истанбул», «Тарихи Мухаммадий», «Исломнинг мухтасар тарихи», Мирзо Корининг «Уз холларимиз». Ибратнинг «Тарихи Фаргона», «Тарихи маданият», «Мезон ул-замон», Бехбудийнинг «Мирзо Улугбек», «Бухоро», «Тарих ва жўгрофия», «Хайрул умури Авсатухо», «Сарт сўзи мажхулдир», Айнийнинг «Бухоро инкилоби тарихи учун материаллар», М. Мухаммаджоновнинг «Турмуш урунишлари»

(кейингилари жадидчилик тарихига багишлангаи) каби асарларини санаб ўтишнинг ўзи кифоя. Бунда, ушбу ишлар маълум бир услубиётта асосланганлигига эътиборни каратиш зарур бўлади. Шу муносабат билан, Абдурауф Фигратнинг «Озодлик йўрикномаси» алохида эътиборга сазовор. Айни шу маънода, тадкикотчи Б.Х.Эргашевнинг «бу китоб ХХ аср бошларидаги Марказий Осиё халклари ижтимоийфалсафий онгининг йирик ёдгорлигидир», - деган фикри жуда тўгри. Фиграт унда барча фанларнинг, шу жумладан, тарих фанининг тахлилини берар экан, тарихни сабок берувчи ва ўкитувчи фан, деб атайди. У тарихни икки кисмга бўлади: мукаддас тарих ва жамият тарихи. Биринчиси, дин, пайгамбарлар ва авлиёлар тарихи бўлиб, уларнинг

хатти-харакатлари ва фаолиятини тушунтиради.

Жамият тарихини Фитрат уч кисмга булади: фан ва алабиёт тарихи (кўриниб турибдики, бу содага у инсоният тараккиёти учун мухим ахамиятли омил, деб караган, табиийки, муаллифнинг ўзи хам бу муаммони ўрганган ва билган), табиий тарих, сиёсий тарих. Фитратнинг умумий тарих дунёнинг пайдо бўлиши, миллат ва давлатнинг шаклланиши, ривожланиши, халкларнинг ижтимоий тузилинги, уларнинг сиёсий хак-хукукларини ўрганади, деган фикри хам мантикан тўгри. Бир давлатнинг тарихи. бу - хусусий тарих, яъни умумий тарихнинг бир кисми. Энли, таснифнинг биринчи кисмига кайтамиз. Ғарб тарихчилари уни тан олишларига қарамай, якин ўтмишда хам биз «мукаддас тарих» таснифини инкор этардик. Таникли француз тарихчиси Марк Блок, насронийлик мероси бу - тарихий мерос, «замонда, яъни тарихда кент таркалган гунохлар ва уларни ювишнинг буюк драмаси, бу черковлар, кинилар ва мукалдасликлар тарихидир»<sup>1</sup>, деб айттанди. Шубхасиз, Фитрат томонидан мукаддас тарихни алохида ажратилиб кўрсатилини, бу - унинг нафакат диндорликни хурматлаши балки, вактнинг маълум бўлагида булиб уттан конкрет вокса-ходисаларнинг тарихи, ислом тарихини яхши билишилан далодат беради. Шу ўринда, XX асрнинг буюк мутафаккирларидан бири Махмудхўжа

<sup>1</sup> Марк Блок. Апология истории или ремесло историка. - М.: Наука, 1986. - с.б.

Бехбудийнинг тарихий дунёкараши хакида айтиб ўтмаслик хам мумкин эмас.

Бехбудий ижтимоий онг, унинг ривожланици ва тараккиётида тарихга кандай роль ажраттан? Унинг бу муносабати бир катор муаммоли асарлари жумласига кирувчи «Тарих ва жугрофия»<sup>1</sup> номли маколасида аник ифодаланган. Унда айтилишича, тарих ва жугрофия фанлари ўша пайттача бидъат, гунохдан иборат, деб хисоблаб келинган. Бехбудий эса, бу фанларни ўз замонаси учун зарурлитини исботлайди, айни пайтда, уларни исломнинг муътабар фанлари сохасига кушиб, бу фанлар жадид мактабларининг ихтироси эмас, балки жамият хаётила калимлан мавжуд бўлиб келганлигини таъкидлайди. Табиий ва ижтимоий фанларни Бехбудий «Аклли илмлар» тушунчаси остида бирлаштиради. Халк тарихи, мамлакат тарихи, ислом тарихини билмай туриб оддий мусулмон, давлат арбоби, рухоний, олимнинг хам булиши мумкин эмас, дейди Бехбудий. Унинг фикрича, тарих хамма нарсани давлатнинг гуллаб-яшнаши ва инкирозининг сабабларини, одамлар эътикодининг холатини, мусулмончиликнинг таназзулини, ислом илохий пойдеворининг бузилишини тушунтиради. Комил ва адолатли инсон булиш учун, албатта, тарихни билиш керак, бирорта билим тарих илмисиз комил бўлмайди.

Демак, биз қатъий ишонч билан айтишимиз мумкинки, фанларни, айникса, тарихни услубий билиш жалидларга Ўрта Осиё халклари тарихий тажрабасидан келиб чикиб, ўз замонасининг холатини ўрганиб, жамиятнинг келажакдаги курилиши лойихасини ишлаб чикишлари учун имконият яратди. Жадидларнинг тарих сохасидаги ишлари масаланинг тарихшунослигида мухим ўрин эгаллайди. Аммо уларнинг ўз замонасига багишланган публицистик маколаларидан Туркистондаги сиёсий, ижтимоий вазиятни тўлик тасаввур этиш мумкин.

Жадидлар Туркистоннинг сиёсий холатини кандай бахолаганлар? Масалан, Бехбудий ўз халкининг тараккиётини нафакат маърифат билан, балки сиёсий ўзгариш-

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Бехбудий М. Тарих ва жугрофия // Ойна - 1914 - №27. Б.502-505.

лар, мустакилликка эришиш билан боғлаган. Ўзининг аксарият мақолаларида рус чоризмининг мустамлакачилик сиёсатини очиб ташлайди, гўёки булар махаллий ахоли фойдаси учун қабул қилингандай, аслида унинг ахволини оғирлаштиришга йўналтирилган қонунларни танқид килади<sup>1</sup>.

Аммо Бехбудийнинг мустакилликка курашсиз эришиб булмаслигига имони комил. У ўзининт «Баёни хакикат» номли маколасида «Хак олинур, берилмас». - деб таъкиллайди<sup>1</sup>. У «Хуррият берилмас, олинур»<sup>3</sup> деб аталувчи Фхимаш номли маколанинг муаллифи Мунавваркорининг карашлари билан хамфикрдир. Бирок Бехбудий бошка куплаб жадидлар каби мустамлакачиликка карши кон тукишларсиз кураш тарафдори булиб, хар кандай куринишлаги инкилобларга карши эди. У Дума ишини мунтазам равишда диккат билан кузатиб борган ва парламент кураши оркали куп нарсаларга эришиш мумкин деб хисоблаган. У Россия федератив тузумини ва унда Туркистоннинг ўрнини қандай тасаввур қилган? Унинг фикрича. хар бир шахар ва уезддан бир нечгадан вакил сайлаш керак ва Тошкентда Туркистон учун ярокли амалий натижа берадиган солик конунлари ва фармонлар чикара оладиган катта марказ ва мажлис (менинг фикримча, парламент кўзда тугилаяпти. - Д.А.) ташкил этиш керак. Бу мажлис Россия хукумати ва мусулмонлар ўртасида воситачи бўлади. Бу Туркистоннинг фаровонлигига хизмат килувчи Туркистон учун сайланган маъмурларни мустахкамлайди.

Бирок хакка эришиш учун кайси миллатга мансублигига қарамай, барча ахоли ижтимоий курашга фаол киришиши керак ва рус ахолиси билан бирлашиб, хар бир уезддан вакил сайланган «Туркистон мусулмонлари шўроси»ни ташкил этиш лозим. Унинг фикрича, мухторият ва мустакилликка бориш йўлидаги биринчи шартлар ана шулардан иборат. Бехбудийнинг фикрича, Россия

Бехбудий М. Бизга ислохот керак // Нажот. - 1917, 7 ноябрь.

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> Бехбудий М. Хак олинур, берилмас // Хуррият. - 1917. - 13 июль; Уна муаллиф: Баёни хакикат // Улут Туркистон - 1917. - 12 июнь.

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Мунавваркори Хуррвят бервлыас, одинур // Нажот. - 1917. - 26 март. 
<sup>4</sup> Бехбудий М. Хак одинур, бервлыас // Хуррвят. - 1917. - 13 вюдь.

демократик давлати доирасида мухторият сифатида шаклланиш - ички қарма-қаршлиликлар ва келишмовчиликларни бартараф этишнинг бош шартилир.

Кўриниб турибдики, Бехбудий мишлий озодлик харакатидаги таркоклик кайтадан мустамлака бошкарувига олиб келишини жуда яхши тушунган. Агар «бутун Туркистон халки иттифок этса, кон тукилмас. Ер ва амлок хам таксим бўлмай колур. Они хам раво топур. Минг карра доду бедодки, ихтилоф этмок учун иттифок этканимиз ва ихтилофимиз сабаби шіа бадбахтликға дучор бўлурмиз. Бугун Туркистон иттифок этса, 15 миллионлик бир кувватли имлога келурки, мунга ер титрайдур!» Бу сўзлар «Туркистон мухторияти» эълон килингандан сунг айтилган эли.

Бехбудийнинг фикрича, мустакиллик йўлидаги мухим шартлардан бири бу, ёш ва кекса авлоднинг бирлашувидир. Ёшлар кизикконлик ва бесабрликни ташлашлари, масалага илмий ёндашишлари керак. -Афсуски, - деб тан олади муаллиф, - унинг ўзи хам тезкор харакатлар тарафдори, аммо хамма нарса режали булиши ва кекса авлод ешларни миллатта хизмат килиш имкониятидан махрум этмаслиги лозим<sup>2</sup>.

Жадидларнинг Туркистондаги давлат курилиши тўгрисидаги хулосаларга келишида, улканинг иктисодий ривожланишини кузатишлари мухим ахамият касб этган. Убайдулла Хўжаевнинг маколаларидан бири (1915), ўлка зиёлиларининг иктисодий ахволи ва характери тўгрисида тўла тасаввур беради. Бу хакда объектив тасаввур хосил килиш максадини ўз олдига куйган муаллиф Кўкон, Андижон ва Наманганга бориб, вазиятни ўз кузи билан кўрган. Иктисодий сохада ишнинг холатини ўрганиш уни бугун Туркистонда мусулмонлар хаддан ташкари огир иктисодий шароитларда яшаёттанлиги хакидаги кайгули хулосага олиб келди. Айникса, Кўкон ахолиси колоклиги билан алохида ажралиб туради. Заводлар, пахта тозалаш саноати Европа миллатлари вакилларининг кўл остида. Нима учун мусул-

<sup>1</sup> Улут Туркистон. - 1917. - 12 июнь

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Бехбудий М. Туркистон мухторияти // 1917. - 22 декабрь.

монлар шу ўринда суст, ташаббуссиз ва заиф? - деб хитоб килади муаллиф<sup>1</sup>. Унинг тасаввурича, бунинг сабаби, улар томонидан тирищкоклик, фаоллик ва мехнаттина холатни озгартириши мумкин эканлигини тушунмасликдадир. Анлижон мусулмонларининг ахволи анча яхши. Гарчи, Наманган, мақола муаллифининг сўзларига қараганда, илмий тафаккур ва умуман, маданият тараккиётининг даражаси жихатидан анча ортда қолаёттан булса хам, бу ерда савдо, тадбиркорлик, бизнес, ишлаб чикариш туб ерли ахоли кул остига жамланган ва муваффакиятли ривожланмокда. Бирок барча шахарларда маданий хаётнинг пешсахнасига ўз «миллий ва маданий камчиликлари»ни англаётган ва уларни аста-секин ислох этишга уринаётган ёшлар чикмокла эдилар. Убайдулла Хўжаев, бу шахарларнинг ёшларига Тошкентнинг, унинг зиёлиларининг салмокли таъсири булаётганлигини кўрсатиб ўтади. Убайдулла Хужаевнинг маданий ва илмий жихатдан колоклик уларни илм эгаллашга интилиш, маърифатпарварлик фаолияти билан шуғулланиш сари бошламоқда, деган фикри билан келишмаслик мумкин эмас. Муаллифнинг бугун Туркистон маьрифат билан ёнаётганлигига ва унинг алангалари ўчмаслигига имони комил булган. Агар Туркистоннинг уша давр хукукий холатига назар ташламокчи булсак, яна Махмудхўжа Бехбудийнинг ишларига мурожаат килишимизга тутри келали.

Бехбудий ўзининг «Конуни Оврупо», «Хак олинур, берилмас!», «Лойиха», «Қози ва бийлар хакида лойиха» маколаларида Туркистонда вужудга келган хукук сохасидаги оғир вазият хакида ёзади. Шунингдек, хукукий масалаларни ҳал қилишни элликбоши ва қозиларнинг ихтиёрига бугунлай топшириб қўйилганлиги окибатида, улар нафакат диний, балки маиший масалаларни ҳам порахўрлик асосида ҳал килаётганликлари учун рус хукуматини танкид қилади. Бехбудийнинг шариатда Россия сиёсати ва рус маданиятига мувофик келмайдиган, лекин мусулмонлар талабларига жавоб берадиган қонун-қоидалар бор эканлигига имони комил. Ислом қонунчилигига оид чукур

<sup>&#</sup>x27;Ходжаев У. Турли ўринлар // Садон Туркистон. - 1915. - 2 февраль.

билимларга эга бўлиш, унга конунбузарликларни, козилар томонидан шахсий манфаатлари йўлида шариат нормаларини сохталаштириб талкин этишларини аён кўриб туришта имкон берган.

Бу сохада ишнинг холатини синчиклаб тахлил этиш Бехбудийни козилик судлари тизимини бекор килиш зарурлиги, уларнинг ўрнига Туркистондаги 5 та вилоятнинг хар бирида аппеляция комиссияси ташкил этилган давлат судларини тузиш, округ судларини назорат килиш учун раис, ўринбосар ва учта суд аъзосидан иборат Олий суд палатаси очиш кераклиги хакидаги хулосага олиб келди<sup>1</sup>. Волост сайловларида, муаллифнинг фикрича, 20 ёшга еттан хар бир туркистонлик қатнашиши лозим.

Жадидларнинг диккат марказида яна, маданий мерос ва халкнинг ўз-ўзини англаши тўгрисидаги мухим масалалар хам турган. Мухидлин Дарсаодат китобхонларга халк кай даражада улкан маданий ва илмий меросга эга эканлигини эслатиб ўттан эди. Унга кўра, Фаробий, Ибн Сино, Улугбеклар хакикатдан хам Урта Осиёдаги ижтимоий ва илмий ислохотларнинг асосчиларидир. Унинг адолатли фикрича, бу мугафаккирларнинг асарларини ўрганиш ўлка тараккиётини ижобий томонга илгари суради, халкнинг миллий ўзлигини англашини юкори погонага кутаради. Шу орада, Петербургда утказилган Бутун Россия мусулмонлари съездида (1914), унинг маълумотларига қараганда, Туркистондан атиги иккита вакил иштирок эттан. Бу салбий факт, - дейди макола муаллифи, ва халкни ижтимоий онгдаги тургунликни енгиб, фаол харакат килишга чакирали.<sup>2</sup>

Жадидларнинг фикрича, Туркистонда тараккиетта эришишнинг бош асоси иктисодиётни зарур окимда ривожлантиришдадир. Шунингдек, улар мухим омиллардан бири деб миллий матбуот ва халк таълимини ривожлантиришни хам хисоблаганлар. Тож. Ризобалди «Миллий матбуотсиз миллатнинг ўзи йўк»<sup>3</sup>, - деб ёзганида, анча илгарига назар

¹ Идорага мактублар // Садон Туркистон. - 1915, №64. Б.4.

<sup>1</sup> Бехбудий М. Қози ва бийлар хакида лойиха // Ойна. - №5. - Б.106-107.

<sup>1</sup> Дарсаодат М. Жахолат меваси // Садон Туркистон. 1914, № 30, 1-6.

Ф. Хўжаевнинг Бухорода жадидчиликнинг юзага келишига хонликнинг иктисодий негизи, жамият гараккиётига тўсик бўлиб турган «гайри табинй ва дахшатли тартибсизликлар» сабаб бўлган, деган фикрини инкор этиш кийин. Айни пайтда, муаллиф Бухоро Урта Осиёнинг кок ўртаси, кадимий савдо йулларининг марказида жойлашганини, ахолининг асосий кисми саводсиз булса-да юксак араб-форс маданиягининг излари хар қадамда учраб турганини яхши тушуниб еттан. Ана шу шароит ва кадимдан зулм асосида хукм суриб келган, сиёсий максадларни кузлаб рус найзалари билан қўрикланган Бухоро амирлиги - жадидчилик Ватани булди. Хар канча ажабланарли булмасин, Ф. Хужаев фикрича, айнан шу сабаблар билан «Урта Осиёни банклар, дехконлардан хом ащё сотиб олувчи савдо идоралари билан коплаб олган ва Урта Осиёга ўз мануфактураси, бошка фабрикантларни келтираёттан рус капитализми «тобора кучайиб, жамиятнинг илгор кисмини уйлантириб кўйди, жадидчиликка сабаб бўлди». Бухородаги мавжуд бошкарув тизими ва иктисодда јоз берган ўзгаришлар жамиятнинг тадбиркор савдогар кисмини огир ахволга солиб кўйди. Шу туфайли, «жадидчилик савдогарлар синфининг илгор кисми манфаатини ифода эттан». Кишлок «кулоклари», яъни кичик ер эгалари (феодаллар) ислохот таъсирига берилмадилар, чунки улар энг серхосил бўлган «мулк», «мулкхўр», «танхо» ерларга эга бўлиб, иктисодий жихатдан мустакил ва эркин эди. Уларнинг купчилиги моддий жихатдан урта ва кам таъминланган зиёлилар хамда майда буржуа вакиллари, диний мактаб талабалари, майда амалдорлар, майда дукондорлар эди, йирик савдогарлар хам уларнинг орасида бор эди. Улар камчиликни ташкил этса хам, ташкилотда ўзлари фаолият кўрсатмаган бўлсалар-да, моддий жихатдан уни гаъминлаганлар. Масалан, Мулла Икром (ўша даврда Бухоро ахволини танкид остига олган рисоласи билан яхши таниш). Бирок партия асосан шахар ўрта холлари партияси эли», 1 -деб ёзган эди Ф. Хўжаев. Фикримизча, Ф.Хўжаевнинг жадидчиликда тугган роли хакидаги хулосалари нихоятда тўгри. Савдогарлар савдо капиталини ривожлантириш учун Бухоро тараққиётини европалаштириш ва у ердан оддий хукукий нормаларни карор топтириш зарурдигини тушгунар эди. Уша давр Бухоро амирлигидаги ахвол бунга имкон берди. Шунинг учун савдогарлар мухолифиятига мойил бўлиб, жадидлар харакатига кушилди ва уни моддий жихатдан куллаб-кувватлади. Улар Колесов вокеаларилан сунг юз берган катагонлардан чучиб, амирга карши ошкора курашмадилар, чунки Ф. Хужаев ибораси билан айтганда, улар бу кураціда бирор нарсага эришишдан кўра, купрок йўкотиши мумкин эди. «Улар оммавий харакатдан чучирди, бирок бусиз революция муваффакият козона олмас эди. Капитал манфаатларига зарар етказадиган умумхалк кўзголони улар режаларига киролмасди. Уларга кисман ислохотлар етарли бўлиб, инкилоб керак эмас эди. Уларнині жадидчиликдан кетиши гашкилотни анчагина гаянчлан махрум килиб, харакатни сусайтирди»<sup>1</sup>.

Ф.Хўжаевнинг фикрича, жадидчилик Туркистонга караганда Бухорода кечрок юзага келган бўлса-да, жамоат хаётидаги огир мухит унинг тараккиётини тезлаштирди ва бу харакат 1915 йилдан бошлаб маданиятдан сиёсатта караб йўл тугди. Бухоро жадидлари, хусусан, А.Фитрат (масалан, биз айтиб ўттан «Баёни сайёхи хинди») асарларида нафакат маънавий хаёт, балки конунчилик, савдо ва бошкарув усуллари хам танкид остига олинди.

Хужаев Ф Бухоро иницилоби гарионта допр. Тонкент, УзГИЗ. 1926—126-бет

Тарихнинг курсатишича, жадидчилик харакатида оркага йўл йўк эди: у маърифатчилик ва тор доирадаги маданийлаштиришлан иш бошлаб, снёсий харакатта айланди, ўз олдига жамият ва уни бошкаришни кайта куришдек вазифаларни куйди. Масалан, жадидчилик Татаристонда «Мусулмон иттифоки», Туркистонда «Шўрои Исломия» ва бошка партиялар, Бухорода «Ёш бухороликлар» - инкилобчилар партиясини юзага келтирди. Бирок сиёсий талаблар, шу партиялар пайдо бўлгачгина куйила бошланди, деб хисоблаш хато булур эди. Бундай талаблар аввал бошданок юзага келган эди. 1910 йиллан кейин жадидчилик ташкилий тус олгач, «жадидларнинг энг илгор кисмининг программа максимумида асосий ўрин тутган гоя, Бухорода гарб намунасидаги капитализм ва демократияни ривожлантириш эди. Ф.Хўжаевнинг ўзи хам бу гояларга хайрихох эди. Унинг 1926 йилла чоп этилган асарида келтирган фикрларида демократия ва капитализмни биргаликда гасаввур этишига уща йиллар вазияти ва илдиз отган большевикча тушунчалар халал бера олмаганли.

Жадид ташкилотларининг максадлари кенгайиб, сиёсий тус олганлигининг сабаби иккита эди: биринчидан, 1914-1915 йилларда жадидчилик бошидан кечирган инкироз - газеталар ва янги усул мактабларининг беркигилиш холлари, хокимият жадидларнинг билимсизлик ва гафлатга қарши кураш фаолиятини кенгайгиришга йўл бермаслиги, шунингдек, бусиз жамиятда хеч кандай ўзгаришларга эришиб бўлмаслигини курсатди. Иккинчидан, жадилчилик харакатига хорижда укиб, чет элдаги миллий тараққийпарвар харакатлар тажрибасини ўрганиб кайтган. ёш куч оқими келиб қушилди. Улар маданийлаштириш доирасила чекланиб қолмай, аниқ сиёсий вазифалар куйишни талаб килдилар. Соликларни камайтирип, амалдорлар зулмини чеклані, дехконлар хаётини ентиллаштириш - шу талаблар жумласидан эди. Жадишлар бир-бирига зид булган икки окимга - эскича фикрлайдиган ва Фитрат бошчилигидаги ёшларга ажралди. Натижала, ўзаро келишмовчиликлар мавжуд булган бирлик юзага келди. Бу холат эса келишиб олинмаган харакатларга сабаб бўлди. Нати-

жада, амир манифестини қуллаш учун утказилган тинч намойиш кувгин этилди ва жадидларга карши катагонлар бошланди. Ф. Хужаев ана шу сул ёшлар гурухига мансуб булиб, кейинчалик хам шу позицияда колади. Жадидлар кекса авлодлардан фарк килиб, очик чикишлар тактикасини хато хисобламас эдилар. С Айнийнинг фикрича, •Фитрат ва Ф.Хўжаев бошчилигидаги сўл гурух узокни кура олмаганлиги ва вазиятни нотугри тушунганлиги туфайли жадидлар гурухи тор-мор этилди». Шуни тан олиш лозимки, ёш жадидларнинг вакилларига хурмат ва хайрихохлигимиз чексиз бўлса-да, кейинги йилларнинг тарихий вокеалари шуни курсатдики, Абдул Вохид Бурхонов, Усмон Хужаев, Мухиддин Ғафаат, Муса Саиджонов, С. Айний ва бошкалар вазиятни тўгри бахолаганлар, жалилчилар ахолининг асосий кисми ўртасида таъсирга ва кучта эга эмас эди. Омма рухонийлар таъсири остида булиб, исталган вактда унинг даъвати билан жадидларга карши кутарилиши мумкин эди. Шунинг учун, улар нихоятда ўйланган, эхгиёткорона харакатлар, инкилобсиз айникса, конли тукнашувларсиз, аста-секин, боскичма-боскич ўтказиладиган ислохотлар тарафдори эди. Аслида, аввалита манифестация, кейин эса Колесов вокеларининг ташаббускорлари хам куролли кўзголондан қуркмайдитан, инкилобий кайфиятдаги сул жадидлар эди. Бирок бухорочилар кизиккон булсалар-да, ташкилотнинг ажралиб кетишига йўл кўймасликка харакат килдилар. Абдул Вохил Бурхоновни ташкилот раиси сифатида колдирдилар. Улар 1917 йил мартидаги амир қатағонидан сунг ахвол кескин ўзгарганини яхши англаб етдилар. «Жадидчиликнинг ижтимоий базаси торайди, чунки савдогар вакиллари кетиб колдилар ва уларнинг моддий ёрдами хам тухтади... Мулкдорлар курашдан четлашдилар. Сул канот марказий ўринни эгаллади. Ташкилотнинг бундан кейинги кенгайиши ахолининг мулксиз табакалари хисобига борди... Ташкилот заифлашди, унинг жамиятта маънавий таъсири хам заифлашди» - деб ёзган эди, Ф.Хўжаев<sup>1</sup>. «Мулкдор синф»нинг жадидчилик тараккиётилаги ролини

<sup>&#</sup>x27;Хўжаев Ф. Кўрскиклиян асар. 17-бет.

бундай очикчасига тан олиш, Туркестанскийнинг юкорида кайд этилган такризидаги танкиднинг асосий мавзуси бўлди.

1910-1917 йилларда олиб борилган оғир меҳнат, саботматонат, қатъийлик натижасида жадидлар Ф.Хужаев ибораси билан айтганда, «миллий инкилобни бошкаришта» кодир булган ёш бухороликларнинг сиёсий партиясига айланди. Бу пайтда Ф.Хужаев ва А.Фитрат амирни ағдариш ва инкилобни амалга оширишда партия «Совет Тошкенти» ёрдамидан фойдаланишта самимий ишонар эди. Бу масалада асосий ўринни РКП (б) туттани, Ф. Хужаев ёш бухороликлар эса Бухорони босиб олищда уларга қушимча восита булганлигини анча кеч тушунди.

У Колесов вокеаларининг фожиали мохиятини яхши тушунар эди. Маълумки, Туркистон АССР ХКС раиси Колесовнинг Бухорога 1918 йил мартда килган юриши мағлубият билан тугагач, 1500 та жадидлар ва уларга хайрихохлар кириб ташланди. 3000 та турли миллат вакиллари бўлган бегунох кишилар амир уюштирган киргин курбони бўлдилар Ф.Хўжаев рўй-ростлик билан шундай дейди: «Мен Марказий Комитет рахбарларидан бири сифатида Марказий Комитетнинг Колесов вокеаларида йўл куйган хатоларига бошкалардан кўра кўпрок жавобгарман Мен эндиликда, тушунишимда камтарона ютукларимизга берилиб кетиб, куролли кузголон муваффакиятига умид килганман» Буни тан олмасликка унинг вижлони йўл кўймади.

Орадан саккиз йил ўтгач, Ф. Хўжаев Ўрта Осиёни тўла большевиклаштиришта икки марказ халал берганини тушуниб етди. Бу икки марказ Туркистон мухторияти ва Бухоро амирлиги эди. Ф. Хўжаев РКП (б)нинг бу йўналишдаги сиёсатини иложи борича ошкора шархлашта харакат килади: «1918 йил февралида Туркистонда бўлиб ўтган вокеалардан сўнг, амир билан курашиш вазифаси Совет хокимияти учун биринчи даражали вазифага, кечиктириб бўлмайдиган зарур вазифага айланиб колди. Чунки «Совет Тошкентининг» бевосита душмани Фаргона мухтор хуку-

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Шу ерда 51-бет

мати тугатилди». Эндиликда большевикларга қарши мухолифлар тупланган амирликни тугатиш учун бир жойга жамланиш керак эди. Ф.Хужаев китобида, Колесов шахсига тегишли енгил кинояни цензура сезмаган куринади. «Кукон ғалабасидан маст булган Колесов Бухоро амирлигини ҳам шундай осонликча тугатмоқчи булди, бироқ бунинг акси булди... енгил ғалабага ишонган Колесов ички кузголонга эътибор бермади. У ёш бухороликлар ёрдамида уз кучлари билан Бухорони осонгина эгаллашта ишонган эди».

Ф. Хўжаев ўз макола ва асарларида «Урта Осиёда миллий-инкилобий харакатта бошчилик кила оладиган кадрларни тайёрлацца жадидчилик асосий негиз бўлганлигини

бир неча бор таъкидлаб ўтади».1

Хамма харакатлар хам уларнинг йўлбошчилари хохлагандек гутайвермайди. Биз уларнинг хатоларини санашдан йирокмиз, албатта. Бухоро жадидчилигининг охир-окибатидаги хатоси - жамиятни янгилашнинг ультра-инкилобий йўлини танлаш ва улар ёрдам олган большевик кучлари, бутунлай бошка, яна тобе ва ярим мустампака тузумга олиб келишини кура олмаслик эди. Шунча кучгайрат, кон ва жонлар сарфланган харакат уз максадига эриша олмаганлигига факат афсусланиш мумкин, лекин жадидчилик гоясининг ўзи мампакатни тулаконли ривожлантиришнинг фалсафий концепцияси сифатида ноёб эди.

<sup>1</sup> Ф.Хўжасв. Кўрсяткиган асар. 45-бет.

## XX аср бошида жадид адабиёти ва тарихий ходисалар

ХХ аср Туркистонда хам Русияда булгани каби йирик сиёсий ходисалар билан бошланди. 1900 йиллардан иктисодий бухронга кирган Русияда Япония билан урущдаги (1904-1905) муваффакиятсизликдан сўнг таназзул янада чукурлашди Натижада мустамлака халкларини эзиш авж олди. Шу жумладан, Туркистоннинг ахволи огирлашди, Янги курилиб битказилган Красноводск (1898) ва Оренбург (1905) темир йўли ўлкани хар икки томонидан махкам сикиб олиб, ўнгу сўлга кайтарилишига имкон бермас, Туркистоннинг ададсиз табиий бойликлари ортилган кети узилмас вагонлар факаттина Русиянинг марказига окарди. Хусусан, пахтага зўр берилди. Қоракўл, ипак, курук мева хам четда колмади. Русия Туркистонни асосий хом ашё манбаига айлантирди.

Русиядан миллионлаб мужикларни кучириб келтириб, серхосил ерларга жойлаштириш ва махаллий халкни эса кувиб чикариш авж олди. Улкани мустамлакачилик гартиблари билан идора эта бошладилар. Маориф ва ижтимоий сохаларда эса исломни бузиш, ерли халкни руслаштириш - чор хукуматининг бош йули килиб белгиланди. Ушбу максадни кузда тутувчи давлат карамогидаги рустузем мактаблари купайиб борди. Бу мактаблар туб жой бола-ларга дастлабки таълимни беришни, гудаклигиданок аклу фикрини жиловлаб олишни кузда тутарди. Урта мактабларга улар укишга куйилмас эдилар. Рус-тузем мактабларига муносабат ерли зиёлиларда икки хил эди:

1 Хамкорлик қилувчилар (Саидғани Саидазимбой ўғли, Сатторхон Абдуғаффоров, Саидрасул Саидазизов).

2. Рад эгувчилар (И.Гаспринский, З.Валидий, М. Чукаев). Махаллий мактаблар эса, хусусий булиб, уларга куплаб тусиклар куйиларди. Айникса, Исмоилбек Гаспринский бошлаб берган замонавий усули жадид мактабларига мустамлака хукумати каттик турди. Шуларга карамай, махал-

лий зиёлиларнинг жасоратлари туфайли янги мактаблар очилаверди. Маълумотларга караганда, 1903 йилда Туркистонда 102 та бошлангич, иккита ўрта «Усули жадид» мактаблар

таби булган.

Чор хукумати тил сиёсатига, Рус тили ва маданиятининг нуфузи тобора ортиб, мустахкамланиб боришига махаллий халкнинг тилдан фойдаланиш доираси узлуксиз ва режали кискартирилиб боришига алохида эъгибор берди. Руслар Туркистоннинг бойликларини ўзлаштириш, халкини кул килиш билан чекланмадилар. Тарихчи Заки Валидий кайд этганидек, унинг кундалик турмушига, маданий-маиший хаётига хам аралашдилар. Бир сўз билан айтганда, уни хар жихатдан бузиш, эзиш, сўнг эса ўз таркибига сингдириб юборишдек мудхишона бир максад

билан ишга киришдилар.

ўз навбатица, зўрлик зўрликни тугдирди. Табиатан куллик билан куникиб кета олмаган Туркистон халки ўз норозилигини дастлаб секин-аста, сүнг эса баралла биллира бошлади. Айни пайтда. 1904-1907 йилларда Самарканд випояти кинплокларини, умуман, мустабидликка карши кураш бошлаган Намоз Пиримкул уғли бош бүлган озоллик харакаглари камраб олди. Сиесий ташкилотлар юзага кела бошлади. Абдулла Авлоний (1878-1934) ўз «таржимай холи» да 1904 йилдан Тошкентда яширин «жадидлар туласи» или болилаганини маълум килали. 1909 йилнинг 12 майида Тошхожи Туёкбоев, Низомкори Мулла Хусанов. Мулла Абдулла Авлонов, Мунавваркори Абдурашидхонов. Башрулла Асатиллахужаев муассислигида 41 моддалик низомга эга бүлган «Жамияти хайрия» ташкил топади. 1910 йилнинг 2 декабрида Бухорода мударрис Хожи Рафиъ, Мирзо Аблулвохил, Хамилхужа Мехрий, Ахмалжон Махдум, Усмон Хужа кабилар «Тарбиян атфол» жамиятини туздилар. Тошкентдаги «Жамияти хайрия», айникса, Бухородаги «Тарбиян атфол» ёщларни ривожланган чет мамлакатларга ўкишга юборищда катта ташаббус кўрсатди. 1913 йилда «Тўрон» (Тошкент муассислари: Убайдулла Хужаев. Тошпулатбек Норбугабеков, Мунавваркори Абдурашидхонов, Комилбек Норбеков, Мулла Абдулла Авлонов, Мухаммалхон Подшохўжаев, Каттахўжа Бобохужаев, Башруллахон Асадиллахужаев, Низомиддин Асомилдинхужаев, Каримбек Норбеков) жамияти, 1914 йилда «Нашриёт» (Тошкент, муассислари: Абдурахмонов, Саримсоков, Абдурашидхонов, Авлонов, Азизхужаев, Подшохужаев, Умархужаев, Хужамёров, Саидкаримбоев) ширкати карор топиб, ишта киришди.

Шунингдек, «Умид» (Тошкент), «Зарафшон» (Самар-канд), «Гайрат» / Кукон/ ширкатлари, «Бехбудия» / Самар-канд/ кутубхонаси, «Исокия» / Наманган/ матбааси иш бошлади. Туркистонликлар Кавказ, Волгабуйи, усмонли турклар хаётидаги ўзгаришларни диккат билан кузатиб бордилар. Русиядаги мусулмонларнинг юкоридаги каби ташкилотларини бир-бири билан боглаш, ўзаро мувофиклаштириш, кучларни бирлаштириш эхтиёжи пайдо булди. Шу максадда, 1905 йилнинг августида Нижний Новгоролда, 1906 йилнинг январида Петербургда Русия мусулмонларининг 1 ва 2 - курултойлари булиб утди. Хусусан, 2 - курултой расман, «Русия мусулмонларининг итгифоки»ни тузди. Сиёсий карашлари нуктаи назаридан, Русиядаги конституцион демократик партияни - кадетларни узларига якин билдилар.

1908 йилда подшо фармойиши билан сенатор граф. К. К. Полен бошчилигидаги хайъат Туркистон генерал губернагорлигини ўлкада мустамлакачилик сиёсатини янада кучайтириш, моддий бойликларни жадалрок узлаштириш нуктаи назаридан тафтиш килади. «Руслар эгалик килувчи ер» майдонини «гинч иктисодий кураш йўли билан» кенгайтиришнинг пухта режаси тузилади. Айни пайтда, 1910 йилдан бир катор районларда дехкончиликдан бехабар «кўчманчи» никоби остида махаллий тубжой халкнинг серхосил ерларини кучириб келтирилаёттан русларга тортиб олиб бериш конунлаштирилди ва бу билан «Туркистонда рус халкининг сиёсий устунлиги унинг хўжалик сохасидаги куввати билан хам мустахкамланади» ган бўлди.

Янги қарашдаги маҳаллий зиёлилар - жадидлар мана шундай шароитда иш кўрдилар. Ва сиёсий мустакилликни кулга олишни ўзлари учун бош мақсад билдилар. 1913 йилдаги «Турон», 1917 йилда тузилган «Шўрои-Исломия», «Шўрои-Уламо» жамиятлари партия даражасига ўсиб чик-

маган бўлса-да, сиёсий фаол эди.

ўзбекистон миллий хавфсизлик хизмати архивининг 554335 (Мунавваркори) ва 4269 (Фитрат) ракамлик «иш»ларидаги тергов материалларида 10-йиллардан Тошкент ва Бухорода «Ёш турклар инкилоби» таъсирида пайдо булган «Иттиход ва тараккий», инкилобдан кейин эса «Миллий иттиход», «Миллий истиклол» каби яширин ташкилотлар хакида маълумотлар келтирилади. 1917 йил ноябрда Туркистон мухториятининг ташкил топини, 1920 йилдаги Бухоро ва Хоразм халк жумхуриятлари жадидларнинг, фаолияти самараси сифатида майдонга келган эди.

Улар, биринчи навбатда, очик фикрли янги авлодни тарбиялашта диккатни каратдилар. Бунинг учун «усули жалид» мактабларига зур бердилар. Иккинчидан, махаллий миллий матбуотни майдонга келтирдилар. Тошкентда 1970 йилдан чика бошлаган «Туркистон вилоятининг газетаси», Туркистонда махаллий гилда чиккан биринчи матбуот намунаси эди. Газетада Ш. Иброхимов (1872), Х. Чанишев (1881) каби ерли татарлар, И. Худоёрхонов (1885) сингари узбеклар маълум муддат мухаррирлик килган булсаларла, унинг асл эгаси, йўригчиси Н. Остроумов эди. Шунга кура, унинг миллий газета бўлиши имкондан ташкарида эди.

Чор хукумати 1905 йил 17 октябрда Русияда юз берган инкилобий вокеалар муносабати билан Манифест эълон килиб, халкка маълум конституцион-демократик эркинликлар беришга мажбур булган эди. Шу жумладан, матбуот эркинлиги, сиёсий ташкилотлар тузишга хам рухсат этилди. Туркистон жадидлари бу имкондан фойдаландилар. Бир катор маданий уюшмалар туздилар. Газета-журналлар чикардилар. Шулардан бири, 1906 йилнинг 27 июнида дунё курган «Тараккий» газетаси эди.

«Бу газета тез фурсатда шундай шухрат козондиким, - деб ёзади Абдулла Авлоний. - Хатто газета мухаррири бўлган Исмоил Обидийга «Тараккий» исми берилди. Хозиргача халк Исмоил Обидийнинг исмини «Тараккий»

Бу газета ташкил топтан кун хозир Узбекистонда «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» сифитида нишонланади:

деб юритадур».1

Газета махаллий ёшларга ўз сахифасидан кенг ўрин берди. Унинг якин хамкорларидан бири Мунавваркори эди. 1906 йилнинг сентябрида Мунавваркори мухаррирлигида Тошкент жадидларининг иккинчи мухим газетаси «Хуршид» пайдо бўлди. 1907 йилнинг биринчи декабридан Абдулла Авлоний ўз уйида «Хуршид» газетасини чикара бошлади. Бу уч газета, шу давр Туркистонининг энг эътиборли нашрлари бўлиб, уларда машхур Бехбудийдан хаваскор шоир Мулла Кўшок Мискингача бўлган кенг зиёлилар қатлами фаол иштирок этдилар.

Шунингдек, Тошкентда «Тужжор» (1907 йил, мухаррири Саидкарим Саидазимбой ўтли), «Осиё» (1908 йил, мухаррири Ахмаджон Бектемиров) каби газеталар хам чика бошлади. Бу газеталарнинг хеч бири узок яшай олмади, айримлари иктисодий, баъзилари эса, сиёсий сабаблар

билан беркитилди.

Самаркандда Махмудхўжа Бехбудий «Самарканд» (1913) газетасини ва «Ойна» (1913-15) журналини чикарди.

Тошкентда 10-йилларда «Садои Туркистон» (1914 й. мухаррири Убайдуллахўжаев), Фаргонада «Садои Фаргона» (1914 й. мухаррири Обиджон Махмудов), «Тирик сўз» (1915 й. мухаррири Обиджон Махмудов), Бухорода «Турон» (1913) каби газеталар, «Ал ислох» (Тошкент 1915-1918 йиллар, мухаррири Абдурахмон Сайёх) журнали чикиб турди.

Адабий кучлар кўпрок мана шу газета-журналлар атрофида ующдилар. Чунончи, Самаркандда «Ойна» Махмудхўжа Бехбудий (1875-1919), Саидахмад Васлий (1869-1925), Сиддикий-Ажзий (1864-1927), Саидризо Ализода (1887-1945) каби истеъдодларни тўплади. Бухорода Фитрат (1886-1938), Тошкентдан Камий (1865-1922) фаол катнашиб турдилар.

Тошкентда «Садон Туркистон» газетасида Мунавваркори (1878-1931), Абдулла Авлоний (1878-1934), Тавалло (1882-1939), Хислат (1880-1945), Мирмулла (1886-1923).

Карант, Миллий уйтониш ва ўзбек филологияся масалалари, Т.
 «Университет», 1993, 116 бет.

абдулла Қодирий (1894-1938) фаол иштирок этдилар. Қукондан Иброхим Даврон (1874-1922), Хамза (1889-1929), Андижондан Абдулхамид Сулаймон Чулпон (1897-1938)

нинг шеър ва маколалари тез-тез босилиб турди.

10-йилларнинг бошида Туркистонда янги адабиёт шаклланди. Бу борада, 1901 йилдан чоп этила бошлаган Мунавваркорининг «Адиби аввал», «Адиби соний», Саидрасул Азизий (1866-1933) ни «Устози аввал» (1902), Алиаскар Калининнинг «Муаллим соний» (1903), сўнгрок Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», Рустамбек Юсуфбеков (1880-1950) нинг «Таълими аввал», «Таълими соний» каби дарслик ва дарслик-мажмуалари. хусусан, улардаги ихчам дидактик шеър ва хикоялар янги адабиётнинг шаклланишида илк тажрибалар вазифасини **∀тали**.

Аблулла Авлонийнинг «Адабиёт ёхуд миллий щеърлар» (1909). Сандахмад Васлийнинг «Миллий шеърлар» (1912). Сидкий Хондайликийнинг «Тухфаи Шавкат» (1913), «Савготи Шавкат» (1914) «Базми ишрат» (1914), Хожи Муиннинг «Гулдастан адабиёт» (1914) китоблари янги ўзбек

шеъриятининг дастлабки намуналари эди.

Махмудхўжа Бехбудийнинг 1911 йилда ёзилиб, 1913 йилда чоп этилган «Падаркуш» драмаси ўзбек драмачилигини бошлаб берди. «Фалокатзада» (1911 й, муаллифи Абдулрауф Шахидий), «Бефарзанд Очилдибой» (1914 й, муаллифи Мирмухсин Шермухаммедов) каби илк реалистик проза намуналари майдонга келди.

Матбуотнинг майдонга келиши публицистика тараккиётига йўл очди. Бу борада Бехбудий, Фитрат, Мунаввар-

қориларнинг хизмати катта бўлди.

1914 йилла бошланган Биринчи жахон уруши ва Русиянинг унга қушилиши Туркистоннинг ўз мустакиллигини кулга олишига маълум умид ва имкон туғдирди. Бирок чор хукумати каттик турди. Улкада «тартиб сакланиши» га алохида ахамият берди. 1914 йил 24 июлда подшонинг шахсий фармони билан. Туркистон ўлкасида «фавкулодда Курикланадиган» холат эълон килинди. Губернатор ва

<sup>1.</sup> Каранг, Узбекистон ССР тарихи, 4 томлик, 2-том, «ФАН», Т.1971, 534.

уезд бошликларига ахолининг ўй-фикрини кузатиб бориш, «озгина бўлса хам душманлик ниятида бош кўгарилгудек бўлса», «гоят шафкатсизлик билан дархол бостириш» хакида кўрсатма берилди. 1

Николай II туркистонликларни урушга олмади, уларга

ишонмали.

Иккинчидан. Русия хукумати удардаги наслий жанговар рухни сўнлириці, минг йиллар оща етиб келган аскарлик тарбиясини издан чикариш ниятила эди. 1916 йилнинг 25 июнила «Империялаги гайрирус ахолининг эркакларини харакатлаги армия турган районларда мудофаа иншоатларини ва харбий алока йўлларини куриш ишларига худди шунингдек, давлат мудофааси учун зарур булган бошка хар кандай ишдарга сафарбар килиш тугрисила фармон берди. Туркистондан 19 ёшлан 43 ёшгача булган 250 минг ишчи олинадиган бүлди. Бу мардикорлик эди. Унинг устига бу ишларда хар хил сунистевмолликлар. порахурликлар, зуравонликларга кенг йул очиб куйилди. Бир томондан, миллатнинг шаънини ерга урувчи фармон. иккинчи томондан, унинг ижросидаги нохакликлар халкнинг норозилигига сабаб бүлди. 1916 йилнинг июлида бутун Туркистонни «Мардикорлик вокеалари» номи билан гарихга кирган миллий-озоддик харакатлари чулгаб олади. «Мардикорлик ари уясига чўп суккандек бўлди. Туркистонла бамисли ер ларзага келди». 2 деб ёзади, 1916 йилнинг 9 августила Тошкентта келган «Вакт» мухбири Шахид Мухаммадёров. Лекин бу кўзголонлар шафкатсиз бостирилди. Масалан, эски Жиззах ахолиси катлиом килиниб, шахарга ўт кўйилли. Унлаб кишлоклар хонавайрон килиниб, халки июль-август жазирамасила Кийли чулига кувиб чикарилли.

Кў жолонлар сентябрнинг бошларида бироз пайсал топди. 18 сентябрдан эса мардикорларни жўнатиш бошланди.

1917 йил февраль инкилоби чор хукуматининг куланги билан якун топди. Мардикорлар юртларига кайтдилар. Махаллий зиёлилар мустакил Туркистон хукуматини тузиш

<sup>&#</sup>x27; Қаранг, униа срда 535- бет.

<sup>1</sup> в Вакт Т., 1916 йил 24 август



Мунавварқори Абдурашидхон ўғли



Убайдулло Хўжаев



Махмудхўжа Бехбудий



Исмоилбек Гаспринский

اساهیل بك ضبرتكي الاعتمالات الاعتمالات الاعتمالات الاعتمالات



Абдурауф Фитрат





Файзулла Хўжаев








"Улуғ Туркистон"



Абдулла Авлоний



"Шурои-Исломия" ташкилоти аъзолари



Янги усулдаги жадид мактаби

ز فدرات ایساسیکه قرولغان روسیمهورتی الله بومخارت كأست صورتيه وجؤذة بولماعيني باقن ار ستان مجلمغ سياني گياشه را دو لاركستان ولايسسوا قلاييش لا تهروقند»

Туркистон Мухторияти ташкил этилганлиги хакида Декларация



Туркистон Мухторияти муваккат хукумат аъзолари Кукон ахолиси орасида. 1918йил



Ахмад Закий Валидий тугон

учун курашни кучайтирдилар. Ўлка мусулмонларининг 1917 йил 4 (16) апрель 1-курултойи федерал мухторият шиорини илгари сурди. Шу йил 18 (30) сентябрь улка ишчи ва солдат депутатларининг II съезди Туркистонни Советлар кулига топширишни талаб килиб чикди. Советлар большевиклашиб борди ва ноябрда хокимият Советлар кулига утди. Ф И. Колесов бошчилигидаги кизил рус хукумати павлат тепасига келди.

1917 йил 26 ноябрда Қуқонда очилган Мусулмонларнинг 4-улка қурултойи эса, Туркистон мухториягини эълон килди. Мухторият 72 кун яшади. 1918 йилнинг 19-22 февралида уни большевиклар хоинона қонга ботирлилар. Шахар уч кун тупта тутилди. Ун мингта яқин киши

халок бўлди.

1920 йилла Бухоро ва Хива хам большевиклар назоратига ўтди. Бир муддат хар икки хонлик ўрнида «халк жумхурияти» номи билан кугирчок хукуматлар тузилиб ин олиб бордилар. 1924 йилда буларнинг хаммаси бархам топиб. Рус Туркистони совет империясининг узокни кўзлаган сиёсатини кўзда туттан холда, беш бўлакка бўлиб ташланди. Сўні эса уни большевик дидига мослаб «ўзлаштириш» бошланди. Асрий тартиб ва удумларни йўкка чикарувчи «Ер-сув ислохоти», «Хотин-кизлар озодлиги» никоби остида милиатнинг мукалдас тарбия учогини бузиб ташлаш, нихоят «коллективлаштириш» каби «социалистик» тажрибалар улка хаётини батамом издан чикарди. Булар етмагандай, социализм ривожлангани сари синфий кураш кучайиб боради, деган сохта сталинча назария тукиб чикарилиб, душман излаш авж олди. Шу бахонада махаллий зиёлиларни таъкиб килиш кучайди. Хусусан, жадидчиликни миллатчилик сифатида коралаш йўлга куйилди. 1925 йилда ер-сув ислохотига озгина эътироз билдирган кишилар «18лар гурухи» номи билан «фош» этилди. 1926 йилда Ўзбекистон маориф вазири Р. Иногомов ва унинг бир катор маслакдошлари эски знёлилардан фойдаланиш масаласини кўтарганларида кўлга олиниб, «Ино**гомовчилик** леб аталган компания ўтказилди. 1927 йил октябрда шоир Чулпон бадном этилиб, Узбекистон зиёлиларининг Самарканддаги курулгойидан хайдаб чикарилди. 1929 йилда Узбекистон Олий суди раиси Косимов билан боғлиқ «косимовчилик», «Мунавваркори тўдаси» «иш»ларини кўриш бошланди. Булар илк катағонлар эди. Жумладан, «Мунавваркори тўдаси» «иши» га 87 киши жалб этилди. Тергов материаллари 18 жилдни ташкил килди. Шулардан - 18 киши отишта, 21 киши 10, 13 киши 5 йилга камалди, 3 киши 3 йилга камок жазосига, 1 киши Омскка сургунга, жами 56 киши жазоланди.

Шу тарика, 1929 йил совет тарих фани қайд этганидек, советлар учун «буюк бурилиш» йили бўлди. Хар кандай эркин фикр тугатилиб, коммунистик диктатура мустахкам

карор топди.

Туркистоннинг кўзи очик зиёлилари ок империяни хам, кизил империяни хам кабул килган эмас. Шу сабабли, Октябрнинг дастлабки кунлариданок миллатнинг ватанпарвар фарзандлари истиклол йўлларини кидирдилар. Архив материаллари ва тарихий шахсларнинг гувохликлари, 1917 йилдан ўлкада шу максадни кўзда тутувчи «Иттиход ва тараккий», «Турк адам марказияти», «Иттиходи миллий», «Бирлик» (1919), «Эрк» (1919), «Темур», «Ботир гапчилар» каби яширин ташкилотлар тузилганлигини, 1921 йилда «Туркистон миллий бирлиги» ташкил гопганлигини кўрсатади. «Туркистон миллий бирлиги» 20-йилларда тарихга «босмачилик» номи билан кирган миллий озодлик харакатларини ўзаро мувофиклаштириб боришда мухим роль ўйнади.

Биринчи жахон уруши йилларида, сўнг инкилобий харакатлар даврида матбуот ва адабиёт фаоллашди. Тошкентла «Нажот» (мухаррири Мунавваркори), «Шўрон ислом» (А.Баттол), «Турон» (Авлоний), «Кенгаш» (Заки Валидий), «Улут Туркистон» (Кабир Бакир), «Турк сўзи» (Т. Худоёрхонов), «Халк дорилфунуни» (Мухтор Бакир); Самаркандда «Хуррият» (Мардонкул Шохмухаммадзода, Акобир Шохмансур, Аблурауф Фиграт), Кўконда «Эл байроги» (Пўлат Солиев), Наманганда «Фаргона нидоси» (Хусайн Макаев) каби кўплаб газеталар, «Кенгаш» (Кўкон: Хамза, Рахимокон хожи Турсунмухаммад ўтли), «Юрт» (Кўкон: Ашурали Зохирий), «Хуррияг» (Кўкон: Махмудхўжа Ризоий), «Чаён» (Тошкент: Х.Тўлаков, И.Тохирий), «Ишчилар дунёси» (Тошкент), «Из-

хорил хак» (Тошкент: Садриддинхўжа муфти ибн Шарифхўжа Эшон) каби ўншаб номдаги бир кўриниб, ёпшлган журналлар кўп бўлди. 1918 йилдан социалистик матбуот изга туша бошлади. Унинг дастлабки намунаси шу йилнинг 20 июнидан чика бошлаган «Иштирокиюн» газетаси (масъул мухаррирлари: О.Клеблеев, А.Авлоний, Н. Тўракулов, А.Донской, Х.Бурнашев, Мирмухсин) бўлди. Газета 1920 йилнинг 19 декабридан «Кизил байрок», 1922 йилнинг 13 сентябридан «Туркистон» номларида давом этади. «Маориф» (1918, Тошкент), «Болалар йўлдоши» (Самарканд, 1919), «Таёк» (Самарканд, 1920), «Тонг» (Бухоро, 1920), «Кизил тикон» (Наманган, 1920), «Кизил йўл» (Тошкент 1920), «Касабачилик харакати» (Тошкент, 1920) каби умри киска журналлар дунё юзини кўрди.

1918 йилда Тошкентда Фитрат ташаббуси билан «Читатой гурунги» адабий-маданий ующмаси майдонга келди ва Чулпон, Боту, Элбек, Ғози Юнус, Ғулом Зафарий, Маннон Уйнур, Қаюм Рамазон каби фан ва маданиятимизнинг ёркин истеъдодларини ўз атрофига тўплади. Бор-йўги бир ярим йилча фаолият кўрсатган ушбу ующма-жамият тилимло коидаларини ишлаб чикищда, адабиёт тарихини ўрганиш, системалаштирищда, театрчиликни юксалтирищда катта ишлар килди. Бирок, бундай миллий-маданий тикланиш йўллари тобора ёпила борди. Ва маданий-адабий

хаёт хам секин-аста сиёсат измига тушиб қолди.

10- йилларнинг иккинчи ярми - «Узбек жадид адабиёти» номи билан тарихга кирган янги адабиётнинг шаклланиб, дастлабки дадил кадамларини ташлаган йиллар бўлди. Миллий матбуотнинг майдонга келиши билан янги адабиётнинг мазмун ва йўналиши, тил ва услуби, жанр ва мавзулари, бадиияти билан боғлиқ масалалар кенг мухо-

кама килина борди.

Даврнинг талаб ва эхтиёжларидан келиб чиккан холда, социал-ижтимоий мавзуларга, замонавий масалаларга, маърифат ва озодликка катта эътибор берилди. Абдулла Авлоний «Ойинайи хар миллат эрур тил-адабиёт» деб ёзади. Махмудхўжа Бехбудий, Мунавваркори Абдурашидхонов театрни «ибратхона» деб атадилар. Мирмухсин Номик Камол изидан бориб, «шоирларимиз замонанинг лисони

(тили)дур», «кани замонаға муносиб миллий шеърлар майдонга чиқсун!» деган фикрни илгари суради, анъанавий муаммочиликни, такаллуфу суханпардозликни рад этади. Тўгридан-тўгри гапга, жумладан, ижтимоий сатирага хажвияга зўр бериб, «Очилсун интикод (танкид) манбалари!» шиорини ўртага ташлайди. Сиддикий-Ажзий маърифатга мухаббат эълон килади. Маъшуканинг анъанавий сифатларини маърифатга кўчиради ва хоказо.

Бирок, 10- йиллар шеърияти маърифатни максад эмас, восига деб билди. «Кучли» миллатлар - «жахон жайхунлари» хакида ёзди. «Кучсиз» ларнинг уларга лукма («туъмаи тайёр») бўлаётганларига (Авлоний) диккатни каратди. Шоир Бахрилдин Азизий очикдан-очик сиёсий ташкилот («жамият») лар тузиш, ўзаро итгифок бўлиш ва «жумхурият» учун «бир тил» бўлиб курашиш лозим деб хисоблайди. Силликий-Ажзий эса бу борада ўзига хос иктисодий назарияларни илгари суради.

Бутина эмас, шеърият янги курилажак давлат ва жамиятнинг сиёсий тузумидан ахлокий турмушигача, иктисодидан маданиятигача кизикди. Хуллас, 10- йиллардаги янги узбек шеърияти, бу биринчи навбатда, ижтимоийсиёсий шеъриятдир.

Айни пайтда, унда катор поэтик-стилистик ўзгаришлар юз берди. Авлоний ва Хамза кўпгина шеърларини кадим шеърий бармок вазнида ёздилар. Хамза сарбастда уз имкониятларини синаб кўрди («Шеъри мансур»). Сиддикий-Ажзий ва Тавалло социал сатиранинг анъанавий аруздаги энг сара намуналарини яратдилар.

Шеърият Биринчи жахон уруши йилларида, хусусан, мардикорлик вокеалари даврида гоят жонланди. Чунончи, мардикорлик вокеаларига багишланган ўнга якин шеърий тўплам чоп этилгани маълум. Булар орасида Мухиддин Иброхимов тузган «Лошмон» (Наманган, 1916й), Хамзанинг «Миллий ашувлалар учун миллий шеърлар мажмуаси»нинг 7- булими - «Сафсар гул» (Кўкон, 1917й), Акбарий Тошкандийнинг «Ватанга хизмат» (Т., 1917й), Сидкийнинг «Работчилар намойиши» (Т., 1917й), «Работчилар келиши» (Т., 1917й), шунингдек, Бахриддин Азизийнинг «Янги шугуфа ёхуд миллий адабиёт» (Т., 1917й),

Силкий Хондайликийнинг «Русия инкилоби» (Т.,1917) каби асарларида хам мардикорлик вокеалари тасвири учрайди. Бу асарлар, бир караганда, махаллий халкни мардикорликка бориб, ок подшо хизматини килиб келишга таргиб-ташвик этаётгандек бўлса-да, аслида унинг тагсатрларида халкнинг осойишта хаётини алгов-далгов килиб юборган, уруш бахонасида миллатнинг шаъни шукухини оёкости эттан хукмрон миллатга истехзо, ўз она халкини гафлатдан уйгонишга, кулликдан кутулишта даъват балкиб гурар эди.

Туркистондан ишчилар олиш 1917 йилнинг февралига кадар давом этди ва 123 мингдан купрок киши сафарбар килинди. Улар Кора денгиздан Болтик буйига кадар чузилган фронт оркасидаги огир ишларда, Петроград, Москва, Нижний Новгород, Козон, Киев, Харьков каби шахарлардаги саноат корхоналарида, Шимолий Кавказ-

даги мис заводларида ишладилар.

Мардикорларнинг у ерлардаги оғир ва машаққатли хаёти Сидқийнині «Работчилар келиши» (1917) кигобида ва Хамзанинг «Сафсаргул» (1917)идаги «Ватан ишчиларининг забун холиндан» деб номланган туркум шеърларидан «Соғиниб», «Салом айгинг», «Хой, пахлавон!»ларда акс этди. Шоирларимиз мардикорларнинг қайтиб келишларига бағишлаб хам шеърлар ёздилар (Сидқий, «Ситамлийда работчилар келиши», «Сизларга мужда»).

1917 йил февраль вокеаларини Туркистон халки зўр хурсандчилик билан кугиб олди.... Шоирларимиз унга юзлаб шеърлар багишладилар. Шукрий (Хуршид) ва Сидкий киска муддат ичида «Хуррият меваси» (1917) ва «Русия инкилоби» (1917) номли достонлар ёзиб чоп эттирдилар

Узбек адабиётида, уша кезларда Октябрь вокеасига багишлаб ёзилган бадиий асар учрамайди. Чунки у кенг умумхалк ходисаси сифатида кугиб олинмади. Аксинча, тўнтариш деб каралди. У хакида асар ёзиш 1918-19 йиллардан изга тушди. Аксинча, 1917 йилнинг 27 ноябридаги мухторият эълони кенг халк оммасидаги каби адабиёт ахлида хам шавк-завк уйготди. Бехбудий ва Фитратнинг кизгин, эхтиросли туркум маколалари, Чўлпон («Озод турк байрами», «Оллоху акбар») ва Хамзанинг («Туркис-

тон мухторияти на») ёник шеърлари дунёга келди.

Хуллас, янги поэзия 20-йилларга гоят мураккаб ва зиддиятли туйгуларни ўзида жо эттан эътироф ва эътироз билан кириб келди.

Асримизнинг дастлабки йигирма йилида шаклланган янги шеърият, анъанавий диний-тасаввуфий шеърият билан ёнма-ён яшади. Мирмахмуд Корий (1834-1904), Юсуф Сарёмий (1840-1912) Усмонхўжа Зорий (1839-1916), Хусайнкул Мухсиний (1860-1917), айникса Зиёвуддин Хазиний (1861-1921) бу йўлда самарали ижод этдилар: «Девони корий» (Т., 1912), «Девони Юсуф Сарёмий» (Т., 1332 хижр), «Баёзи Хазиний» (Т., 1911), «Девони Мухсиний» (кўлёзма, Ўз ФАШИ инв. №7392) ва хакозо.

10- йилларда яратилган наср намуналари у кадар кўп эмас. Анбар Отиннинг «Каролар фалсафаси», Саидрасул Азизийнинг 1910 йилдаги «Москва ва Петербург саёхати» хотиралари каби ижгимоий-фалсафий, саргузашт-автобиографик асарларини назардан сокит килсак, Бехбудийнинг «Ок елпогичли чинли хотун», Абдурауф Шахидийнинг «Фалокатзада» (1911) хикояларини, Мирмухсин Шермухаммедовнинг «Бефарзанд Очилдибой» (1914), Хамзанинг «Янги саодат» (1915) сингари «миллий роман» деб номланган киссаларини, нихоят 1915-1916 йилларда эълон килинган Абдулла Кодирийнинг «Жувонбоз» ва «Улокда», Чўлпоннинг «Дўхтир Мухаммадёр» асарларинигина кайд этиш лозим бўлади.

Драмачилик, 10- йилларнинг иккинчи ярмида кизгин ривож топди. Тошкент, Самарканд, Куконда театр хаваскорлар труппалари тузилиб, самарали иш олиб борди. Самаркандда Бехбудий изидан бориб, Абдулла Бадрий («Жувонмарг», «Ахмок»), Хожи Муин («Эски мактаб, янти мактаб», «Кукнори», «Мазлума хотин», «Жувонбозлик курбони», «Бой ила хизматкор», «Кози ила муаллим»), Нусратилла Кудратилла ўғли («Тўй», «Кенгаш мажлиси»), Тошкентда Абдулла Авлоний («Адвокатлик осонми?», «Пинак», «Биз ва Сиз»), Абдулла Кодирий («Бахтсиз куёв»), Ғулом Зафарий («Бахтсиз шогирд»), Фаргона водийсила Хамза («Захарли хаёт», «Илм хидояти», «Мулла Нормухаммад домланинг куфр хатоси»), Хуршид («Безори», «Ориф

ила Маъруф», «Кора хотин»), нихоят, Бухорода Абдурауф Фитрат («Бегижон», «Мавлуди шариф», «Або Муслим»)

каби адибларимиз бир катор драмалар ёздилар.

1916 йилги мардикорлик вокеаларига багишланган драмалар пайдо бўлди. «Лошмон фожиаси», «Рабочий», мухторият хакида «Автономия ёки мухторият» (Хамза) номли драма ёзилди. Фигратнинг машхур «Темур саганаси» драмаси Туркистон мухториягининг фожиона конга ботирилиши таассуротлари асосида майдонга келган эди.

Адабиётимиздаги мазкур янги жанрларнинг дунё юзини кўриш жараёни гоят огир кечган. Бехбудий уз «Падаркуш» ини 2 йил деганда зўрға нашр килишга муваффак бўлди. Сахнага кўйилиши учун яна бир йил кетди. 1911 йилда ёзилган асар, 1914 йилдагина сахна юзини кўрди. Вакгли матбуот сахифаларидаги Мирмухсиннинг «Эътизор» лари «миллий роман» («Бефарзанд Очилдибой») муносабати билан мутаассибларнинг каттик хужуми осгида колга-нидан далолат беради.

Янги замонавий адабиётшунослик ва танкид шаклланди. Замон ва ижод бадиий адабиёт тили, янги адабий жанрлар билан боглик масалалар матбуот сахифаларида кенг мухокама килинди. Бехбудий, Авлоний, Фиграт, Чўлнон, Иброхим Даврон кабиларнинг бу борада вактли матбуот сахифаларида эълон килган маколалари янги эстети-

канинг шаклланишида мухим роль уйнайди.

Хуллас, 10- йилларда Туркистон маънавий хаётида кенг томир отган ўзбек-жадид алабиёти ўзининг чинакам самараларини кийин-кистов 20-йилларда берди. Чўлпон ўз шеърияти билан янги ўзбек шеъриятининг асл пойдеворини яратди. Кодирий ўзбек романчилигига асос солди. Фиграт ўзбек драмачилигининг энг сара намуналари муаллифи ва янги ўзбек адабиётшунослигининг асосчиси бўлиб тарихга кирди.

## Жадид маърифатчилиги ва театр

XIX асрнинг охирлари ва XX аср бошларида Туркистон заминидаги энг илгор фикрли зиёлилар онгида пайдо бўлган миллий уйгониш маърифатчиликда яккол намоён бўлди. Янгича маърифатчиликнинг илк жарчилари булган жадидлар кенг микёсли амалий фаолиятлари билан ўз гояларининг жамият хаётида мустахкамланиб баркарор булиши, охир пировардида миллий озодлик, сиёсий мустакиллик курашларига ўсиб ўгиши учун замин ярата бошладилар. Бу давр Туркистонда ижтимоий-сиёсий тафаккур ривожида янги боскич эди. Ана шу боскичда ерли халкнинг маланий-маърифий хаётида шу кадар кўп ўзгаришлар юз берлики, уни хеч муболагасиз Ренесанс, яъни Уйгониш холисасигагина киёслаш мумкин.

Маданий-маърифий ислохотларнинг ибтидосида, албатта, мактаб-маориф ишлари туради Шу кезлари Тошкент, Самарканд, Бухоро ва Фаргона водийси шахарларила ўнлаб «усули жадид» мактаблари очилди. Унинг ташкилотчилари татар маърифатпарварлари билан бирга, ерли зиёлилардан Махмудхужа Бехбудий, Абдукодир Шакурий, Сиддикий Ажзий, Мунавваркори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Ашурали Зохирий, Абдурауф Фиграт, Хамза Хакимзода, Садриддин Айний, Абдувахоб Ибодий, Саилризо Ализода каби ўнлаб атокли зотлар бўлди.

Янги усул мактаблар Туркистонда жадид маърифатчилигининг илк кўриниши бўлиши билан бирга, то мазкур харакат соф сиёсий киёфа касб этгунга қадар ҳам ўз аҳа-

миятини йўкотмади.

Мактаб-маориф ишлари билан бир қаторда, жадид маърифатчилигининг яна бир ёркин ифодаси бўлиб, илк узбек миллий матбуоти, бироз ўтиб турли маърифий жамияглар пайдо бўла бошлади. Жамиятлар бевосита маърифатчиликнинг хам маънавий, хам моддий давомийлигини таъминлашни вазифа этиб белгилаган эди. Тижорат ва бошка маблаг манбаларини яратиб, жадил мактаблари

тухтаб қолмаслиги, газеталарнинг мунтазам чиқиб туриши, алохида истеъдод курсаттан махаллий болаларни хорижга тахсил учун юбориш каби эзгу ишлар жамиятларнинг асосий мақсади эди. Ана шу мақсад йулидаги яна бир восита театр булди.

Театр жадидлар наздида, аввало, «улуғлар мактаби», «ибратхона» бўлиб, худди мактаб ва матбуот каби маърифат, илм олмок гоясини таргиб этиши кўзда тутилган эди. Иккинчидан эса, маърифий ва кўнгилочар томошалар оркали маблаг топиб, маориф, матбуот эхтиёжларига сарфламок кўзланган эди. Туркистонга татар, озарбайжон, рус сайёр теагр жамоаларининг кириб келиши оврўпоча ўзбек миллий театр санъатининг тугилишига туртки берди.

Туркистоннинг аср бошлари матбуотида Оврупоча театр санъатининг тури бизда, 1913 йил расман шаклланмасидан бироз илгарирок бошланганига оид далиллар учрайли. Узбек янги театри тарихини махсус ўрганган Б О Пестовский «Инкилоб» журналининг бир неча сонларила эълон килинган катта маколасила «Коракул» шахрига якин бир кишлокка 1909 йилда «ўзбек театри ўйналди» деган, хабар борганлигини кайд эттан эди. «Туркистон вилоятининг газетаси» 1910 йил январь сонларидан бирида эса «тез фурсатда Тошкент шахрида театр, яьни «мукаллид» ўйини ўйналатургон мусулмон жамияти (труппа) очилур эмиш... Ул жамият мусулмон забонида «мукаллид» ўйнар эканлар», деган хабар босилади. Бу хабардан беш-олги кун ўтиб, яна шу газетада ерли татар хаваскорлари доимий театр труппаси тузгани хакида хам кичик ахборот берилган. Балки аввалги хабарда «мусулмон жамияги» деганда мазкур татар хаваскорлари назарда тугилгандир? Аммо бундан катьий назар, ўша жамият спектакллари бевосита махаллий зиёдилар иштирокида ўттан. Агар «Ойина» журналидаги «Дохилия хабарлари» деб номланган рукнии кўздан кечирсак, театр ё концерт томошалари хакидаги хабарларда, махаллий хаваскорлар татар театрчилари билан хамкорликда спектакллар қуйгани, аксарият, миллий пьесалардан сўнг татар пьесалари уйналгани, хар бир спектаклда татар ва ўзбек актёрларининг биргалашиб иштирок этганидан огох бўламиз.

Умуман, театр масаласига эътибор 10- йилларда жуда кучли бўлган. Чор хукуматининг Туркистон ўлкасилаги расмий нашри афкори хисобланган «Туркистон вилоятининг газети»дан тортиб, «Садойи Туркистон», «Садоий Фарғона» газеталари, «Ойина» мажаласида шундай кизикишни ифодаловчи оддий хабарлардан то спектаклларга такризу, театр танкидчилигига оид назарий маколаларгача учратиш мумкин. Масалан, «Ойина» журнали 1913 йилги 8-сонида «Оврупода театру» номли макола эълон килиб. унда Ғарбдаги йирик мамлакатлар театрлари, уларнинг микдори хакида батафсил маълумотлар беради. Маданий тараққиёти юксак бўлган Англия, Италия, Испания, Франция, Германия каби давлатларда юзлаб театр томошахоналари борлиги, булар ёнида эндиликда синематугрофнинг хам пайдо бўлиб, ривожланаёттани айтилади. Бундай маколалар махаллий зиёлиларни театрчилик харакатига даъват килса, авомни шундай маданият ўчокларидан бахраманд булишга тарғиб этар эди.

1911 йилда Махмудхужа Бехбудий «Падаркуш ёхуд ўкумаган боланинг холи» номли «З парда 4 манзарали миллий, биринчи фожиа» сини ёзади. Асарни чоп килиш хусусидаги уринишлар икки йилгача муваффакиятсиз кечади. Факат пьесани 1812 йили рус-француз мухорабасининг Бородино майдонидаги руслар галабаси билан якунданиши, 100 йиллигига багинлаб, Тифлисдаги цензорга юборилиши нашр учун имкон беради. «Матбуот ишлари Тифлис кумигаси цензори рухсати билан Кавказ ўлкаси сахналарида куйиш мумкин» деган 1913 йил 23 март 19940-сон карорига кура, асар 1913 йил Самаркандда алохида китоб

холила чоп этилали.

«Падаркуш»нинг нашрдан чикиши, том маънода, миллий театрнинг тугилишини белгилади. Шу йилнинг ўзидаёк, Самаркандда Бехбудий, Тошкентда Мунавваркори ва Абдулла Авлоний рахбарлигида асарни сахналаштириш харакатлари бошланади. «Ойина» ёзади: «Самарканднинг ўзбек ва татар ёш ва тараккийпарварлари бир бўлиб, ўзбекча «Падаркуш» ва татарча - «Олдадук хам олдандук» асарларини Самарканд кироатхонаи исломияси нафъига 1914 йил 15 январь окшоминда Самаркандда

күймокчи булдилар ва хам ушбу ғайратли ўзбек ва татарлар бирлациб, Хуканд ва Бухоро ва ўзга Туркистон шахарларинда миллий тиётрлар курсатмокчидурларки, ният ва ғайратлари шоёни шукронадур. Идораға келган мактубларга қараганда, Хуканд ва Тошкантда хам «Падаркуш» фожиасини сахнадо куймок учун машк килмокда эмишлар. Агарда ғайратли ёшлар миллий тиётрға ривож берсалар, яна бошка асарларда тартиб нашр килинур»<sup>1</sup>.

Демак, «Падаркуш» пьесасининг эълон килиниши, бу, Бехбудий ёки Самарканд шахри зиёлилари учун ахамиятли бир ходиса бўлмай, бутун Туркистонда ижтимоий-маданий хаётнинг янада жонланмоги, театр хаваскорлари негизида янги-янги маърифатчи жамоалар майдонга келиши

учун туртки бўлган.

«Падаркуш»нинг илк сахна муваффакияти Самарканд театр хаваскорларининг ижодий жипслашуви ва труппа шаклида ўз фаолиятларини янада ривожлантиришлари учун мадад берди. Труппанинг Туркистон шахарларидаги гастроллари хам уларни театрчилик билан мунтазам шугул-

ланишта даъват килмокда эди.

1913 декабрдан бошлаб «Тошкентда хам «Падаркуш»ни сахнага қуйиш учун хозирлик кетади. Бу тугрисида Тошкент жадид муаллимлари актив роль ўйнайдилар. Жумладан, профессор Авлоний, Мухаммаджон кори, Низомхужаев. Шокир Рахимий ва бошкалар жиддий киришалилар. Профессор Авлоний айтуви буйича, хозирлик кўрар вактда Тошкент хаваскорларига Мухаммадёров номли татар зиёли режиссёрлик вазифасини кура боради. Лекин хозирликнинг бориши яхши бормай, театру куйилиши судралиб кетади. 1914 февралда Алиаскар Аскаров Самарқанддан келиб. Тошкент хаваскорларига ўзини танита олади ва режиссёрлик вазифаси унга топширилади. Бунинг билан оз кунда хозирлик битиб, 1914 февралда «Падаркуш» пьесаси - озарча «Хўр-хўр» комедияси билан бирликда сахнага қуйилмоқчи булади»2. Демак, режиссуранинг ожизлиги спектаклни самаркандликлар билан

Самаркандда тистру - «Оймна» журнали, 1913, 10-сон, 234-бст.

9 - 20

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> М.Б. Солихов. Узбек театри тарихи учун материалиар. Тошкент. 1935 й. 74-бет.

бирга ёки улардан аввалрок чикариш имконини бермаган. Алиаскар Аскарнинг Самаркандда спектакль постановка-

сини якунлашини кугишга мажбур булинган.

1914 йил 27 февралда «Тошкент Янги шахаридаги «Колизей» театрининг 2000 кишилик томошахонасида кеч соат еттида «мусулмон» жамият имдодияси фойдасига» Тошкент театр хаваскорлари расман ўз спектакилари намойишини бошлайдилар. Театр кечаси, Абдулла Авлоний меъмориал музейида сакланаёттан «маромнома» (афиша)дан маълум бўлишича, уч бўлимдан ташкил топган. Биринчиси - Махмудхўжа Бехбудийнинг «Падаркуш» пьесаси асосидаги спектакль намойиции. Иккинчиси, - озарбайжон актёрларидан Алиаскар Аскаров, Гулузорхоним ва М.Шахбаловлар ижросида бир пардалик озарча «Хўр-хўр» кулгутомошаси (С. Музагайни асари). Учинчи бўлим - «Миллий укищ ва журлар» булиб, бунда саккиз номерлик концерт курсатилиши маълум булади. Концертда Мулла Туйчи хофиз, маціхур раккоса Курбонхон, мулла Ахмаджон тўра кабилар қатнашиши ва сўнгра «Туркистон фарёди» ва «Тўй» номли Абдулла Авлоний қаламига мансуб манзумалар журликда айтилишидан огох этилади. Маромнома сунгида бугун кеча учун мудири масъул Абдулла Хўжа ўгли, режиссёр Алиаскар Аскаров экани қайд қилинади

Илк парда очилишилан аввал сахнага Мунавваркори Абдурациидхонов чикиб, театрининг «ибратхона» экани, унга енгил-елпи карамаслик, актёрлар эса «бир табиби хозик мисоли» эканликларидан кискача ваъз сўйлаб, бугун жамоани буюк маданий ходиса билан табрик этади.

Спектакль хамма жихатдан баланд савияда ўттан. Бу фикрни шу вокеа муносабати билан «Садойи Туркистон» газетасининг 1914 йил 16-сонли ва, айникса, «Ойина» журналининг 22-сонида босилган «Тошкентда миллий театр» номли батафсил ахборот-такризларидан хам сезиш мумкин. Хусусан, Тузил Жонбоев имзоси билан «Ойина» да босилган ахборот-такризда спектаклнинг хар бир пардаси алохида бахоланиб, биринчи пардада Бой ролини Абдулла Авлоний, Домла ролини Зиёбоев, Зиёлини Асомидлин Хўжаев, Хайруллани Хоний жаноблари; иккинчи пардада - майхона манзараси, Давлагзўр ролини Хоний,

Нор ролини Пошшохўжаев, Тангрикул ролини Шохиноятов, Бойваччани - Бадриддин Аъламов; учинчи пардада Бой хотинини А.Зиёбоев, Домла ролини Хусайний жаноблари, Пристав ролини Мирзахоновлар яхши ижро этганлар ва уларнинг сўзлари томошабинларга жуда таъсир кўрсатиб, халк ўртасида овоза бўлаёттани айтилади.

Тошкентлик ҳаваскорларнинг катта муваффакиятлари, уларнинг шу йўналишдаги фаолиятларининг янада кенгайиши ва ривожланмоги учун мухим туртки бўлди.

1914-1915 йилларда «Турон» га татар режиссёри Заки Боязидский ва Мустафо Мансуров ижодий жихатдан бошчилик килиб турадилар. 1914 йил сўнгларида труппа Хожи Муьин ва Нусратулла Кудратулланинг «Тўй» драмасини сахналаштиради. Спектакль, худди, аввалги «Падаркуш» каби муваффакият козониб, «Садоий Туркистон» газетаси унга «Миллий театр» сарлавхали махсус макола бағишлайди. Маколада пьеса мазмуни хикоя килиниб, сўнг спектаклнинг сахналаштирилиши, актёрлар ижроси хакинила А.Зиёбоев, Б.Аъламов, Ш.Шохиноятов, М. Миразимов, К. Исматуллаевларнинг яхши ғайрат ва махорат курсаттанлари айтилиб, Абдулла Авлоний талкин этган Олимбой роли алохида диккатта сазовор булгани кайд этилган.

«Турон» труппаси 1915 йилдан бошлаб таржима асарлари катори миллий драматургиямизнинг янги-янги намуналарини мунтазам сахналаштириб боради. 1915-1916 йиллар давомида Абдулла Кодирийнинг «Бахтсиз куёв», Абдулла Авлонийнинг «Адвокатлик осонми?», «Пинак», Хожи Муъиннинг «Мазлума хотун» пьсалари труппа репертуаридан жой олади. Шу йиллари ўз миллий режиссёрларимиз хам етиша бошлайди. Низомиддин Хўжаев, Абдулла Авлоний, Бадриддий Аъламов кабилар бу соханинг

илк қалдироғочлари бўлди.

«Турон» труппаси шу йилларда театр санъатининг яна бир жанри - мусикали драма (айрим манбаларда «опера» деб хам юритилади) театрининг хам пойдеворини кура бошлайли. Тошкентта Озарбайжоннинг машхур трагик актёри, режиссёр, хонанда Сидкий Рухилло бошчилигидаги озар мусикали театр труппаси гастролларга келади.

Бу труппа озарбайжон мусикий драмасининг асосчидаридан бүлгүн Узейирбек Хожибеков билан хамкорликда «Лайли ва Мажнун» (Фузулий достони асосида), «Асли ва Карам» (озар халк миллий достони бўйича), «У ўлмасун, бу ўлсун» каби катор мусикий спектакллар яратиб, шухрат қозонган эди. Ана шу спектакллар билан улар Туркистоннинг йирик шахарларида томошалар, мусикий кечалар ўтказадилар. Айникса, Тошкентдаги гастроллари катта ахамият касб этади. Ерли театр намояндаларидан Абдулла Авлоний Сидкий Рухилло билан ижодий хамкорликка киришади. Бу хамкорлик натижаси ўларок, 1916 йилнинг 30 декабрида «Колизей» театрида озар ва ўзбек актёрлари иштироки билан «Лайли ва Мажнун» мусикий драма (ёки опера)си намойиш этилади. Либреттони Авлоний озар туркчасидан ўзбек туркчасига табдил килади. Спектаклни эса С.Рухилло сахналаштиради. Асосий ролларни Сидкий Рухилло (Мажнун), Дурриятхоним (Лайли), А.Авлоний (Малуь), А.Мухаррамов (Навфал), Н.Хўжасв, Фарид Тохирий, Юсуф Алиев кабилар ижро этадилар.

Юкоридаги далиллар шуни кўрсатадики, «Турон» трупнаси мунтазам инпловчи жамоа сифатида ижодий ўсин, янгиликлар излашга харакат килади. Халкнинг маданиймаърифий савиясини кўтариш йўлида янги шакллар топишга уринди, дадил ташаббускорларга журъат кила

олди.

Миший театр гояси 10- йилларнинг урталарига келиб, бугун Туркистон шахарларидаги зиёли ёшларнинг фикри- ёдини камраб олди. Миллатнинг нажотини маърифатда курган жадид тараккийпарварлари уз карашларининг кенг микёс касб этишила, халк ўртасида оммалашиб, уларнинг «басират кузлари» очилишила театрнинг беназир ахамиятини тобора чукуррок хис этмокда эдилар. Айникса, «Паларкуш» спектаклининг Самарканд ва Тошкентда фавкулодда муваффакият козониши турли шахарлардаги ёшларни гайрат «от»ига миндирди. Уз театр труппалари, уз миллий пьесалари хакидаги орзу-ўйларни калбларига жо килди. Колаверса, спектакль намойишларидан тушадиган маблаг, жойларда моддий кийинчиликдан кийналиб ва ёпилиб колаёттан «усули жадид» мактабларини керакли

ткув анжомлари билан таъминлаш учун хам зарур эди.

Агар хронологик тартибда оладиган булсак, Тошкент, Самарканд, Кукондан сунг Каттакургон, Бухоро, Андижон, Наманган шахарларида труппалар ташкил топиб, театрчилик харакатининг кейинги гараккиётига замин хо-

зирлаб борилди.

Туркистон худудида театр ва драматургия ривожи янада жадалрок одим отиши хам мумкин эди. Афсуски, бу жараёнга жуда қатгиқ қаршилик қилган қучлар пайдо булди. Сахна санъатимизнинг, жадид зиёлилари орзулаганидек. бир неча минг ахоли сонига тугри келадиган катор театрибратхоналари вужудга келишида энг катта тусикнинг бири мустамлака истибдоди булса, иккинчиси диний жахолат ва мутаассиблик эди. Рус маъмурлари Туркистондаги театрчилик харакатига, миллий драматургия тараккиёти ва таргиботига хам ташкилий-маънавий, хам моддий тўскинлик килишта уриндилар. «Падаркуш» пьесаси ёзилганидан сўнг, икки йилгача нашрга рухсат берилмагани ва Туркистон генерал-губернатордигининг ўз цензорлари бўлгани холда, Тифлисдаги матбуот кумитаси цензорига мурожаат этилгани бунга яккол намуна. Бехбудий рус-француз мухорабасининг юз йиллигига махсус бағишлов сузларини қулёзманинг илк сахифасига қайд килиши расмий идораларга таъсир курсатиш учун куллаган чора - «хийла» экани сир эмас. Чунки, у асарни тулалигича рус тилига ўгириб, сўнгра цензорга юбормоги шарт эди. Нафакат «Падаркуш», айни чоғда ҳар бир янги миллий пьесани расмий хукумат тасдигидан ўтказиш учун рус тилига ўтириш мажбурий эди.

Пьесаларни сахналаштиришдаги мураккабликлардан яна бири шунда эдики, цензура рухсатидан ўттан асар, кайта намойиш этилганда ёки бошқа шахар труппалари сахналаштирганда, яна такроран махаллий хокимиятдан рухсат олиши зарур хисобланган. Шунинғдек, хар бир миллий спектакль афишаси «Хокимларнинг рухсати билан» деган ёзувдан бошланарди. Хатто француз хаётидан олиб ёзилган «Котили Карима» мелодрамасининг «Турон» труппаси спектакли афишасидаги биринчи жумла хам, «Хокимларнинг ижозати ила» деган сўзлар билан бош-

ланарди. Шу труппанинг ташкилотчиларидан Абдулла Авлоний «Садои Туркистон» газетасининг 1914 йил 2-сонида «Театр ўйновчи кишилар жаноб губернатордан изожат олуб, бош хокимларнинг фармойишлари ила сўзлайдурган сўзларини эълоннома ёзуб чикаруб, хар кимга маълум ошкор килиб сўзламишлар», деб ёзган эдики, бу хам тараккийчи ёшларнинг накадар каттик маънавий исканжада иш тутганларидан гувохликдир.

Хулоса қиладиган бўлсак, айтиш жоизки, 10- йиллардан бошлаб Туркистонда миллий драматургия - театр вужудга келди ва маълум маънода ўзбек миллий драмаси бўлган Махмудхўжа Бехбудийнинг «Падаркуш» асари бунда белгиловчи роль ўйнади. «Падаркуш»ни, ўлка ижгимоий-маданий вокелигида туттан ўрни ва ахамиятига кўра, 10- йиллар Туркистон тарихининг буюк ижтимоий-сиёсий

ходисаларидан бири, деб бахоламок лозим.

«Падаркуш» таъсирида театр труппалари ташкил топганидек, Ходи Муьин, Абдулла Бадрий, Нусратулла Кудратулла, Абдулла Авлоний. Абдулла Кодирий, Хамза Хакимзода, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Мирмухсин Шермухамедов, Хуршид, Ғулом Зафарий каби ўнлаб миллий драматургия намояндалари хам бирин-кетин етиша бошладилар. Улар, аксарият, адабий-бадиий ижод жараёнини амалий театрчилик фаолияти билан биргаликда олиб бордилар. Асарларида замонанинг маиший-маърифий муаммоларидан то ижтимоий-сиёсий масалаларигача камраб олдилар.

Жадидлар театрни ибрат мактаби, ибратхона, драматургияни эса «таъзири адабий», деб тушундилар ва факат шу тушунчага катъий амал килдилар. Шу максадда, сахна асарларида бачкана, нораво киликлар, бепарда иборалар, тубан манзаралар бўлмаслити учун курашдилар. Дархакикат, «ибратхона» да беадаб хатти-харакат ё сўзлар бўлиши хеч бир мантикка тўтри келмас эди. Буни илк театр арбобларимиз эстетик принцип даражасига кўтарган эдилар. Балки шунинг учун хам халк театрни мукаддас даргох, деб билди. Бу масканга бориш ва ибратли томоша кўриш эса хаяжонли бир вокеадек кабул килинди. Шу тахлит, илк миллий сахна асари янгича миллий театрнинг тути-

типини белгилаганидек, ўз навбатида, театр хам драматургиямизнинг шаклланиб равнак топишида гоят мухим

бир манба вазифасини ўтади.

Шундай килиб, кўхна Туркистонда янгича театр санъати майдонга келди, драматургия шаклланди. Театр, драматургия жадидчилик харакатининг ва жадид адабиётининг багоят мухим жабхаларидан бўлгани учун харакатнинг маърифий, ижтимоий хамда сиёсий маслаклари томон иўналтирилди, шу билан мутаносиб ривожланди.

## Д. Рашидова

## Жадидларнинг меросида мусика (А.Фитратнинг ижодига оид маълумотлар)

Абдурауф Фитратнинг «Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи» номли рисоласи мусикага оид энг йирик тадкикоти бўлиб, дастлаб Бухорода ёзилган, сўнгра 1927 йилда Тошкентда 3053 нусхада чоп этилган эди. Ўн йил ўтгач, китоб муаллифини ўз халкига душманликда айблаб, хибсга олдилар.

Мазкур рисоланинг такдири хам муаллифи такдирига ўхшаш бўлди. Бир томондан, табинйки, рисола ўз ижолкори айбларини бахам кўрди, «халк душмани» га айланди. Шу билан бирга, китоб умрига яна бир аянчли вокелик салбий таъсир курсатди - араб алифбосида битилган «Узбек классик мусикаси ва унинг тарихи» чоп этилгандан кейин араб ёзуви амадиётдан четлаштирилди. Унинг ўрнига лотин алифбоси давлат микёсида жорий этила бошланди. Бу жараёнга хали икки йил тўлар-тўлмас ёзувимиз кирилл алифбосига ўтказилди, натижада, араб ёзувига муносабат янала кескин салбий тус олди. Шу пайтдан бошлаб, араб алифбосила ёзилган ёки чоп этилган барча манбалар йигирманчи ва ундан кейинги йилларда тугилган авлодга ёт бўла бошлади. Араб ёзувини ўкий биладиганларни халкка нисбатан душманликла, «миллатчилик», «исломпарастлик» да айблаш холатлари амалга ошиб, ёзув эса феодал эскилик, амир, хонлар ёхуд буржуа колдиги, демакки, Шўро даврига мутлако бегона мазмун хокимият мафкурасини белгилади, катағон бахоналаридан бири булди.

Лекин маданий-маънавий хаётнинг ўз конун-коидалари бор экан. Китоб хам, унинг муаллифи хам чин зиёли инсонлар хотирасида, калбида пинхона яшаб келди. Буюк мугасаввуф шоир Жалолиддин Румий бундан карийб етти юз йил мукаддам айттан фалсафий мисралари XX аср давомида яна бир бор ўз тасдигини топди:

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Фитрат. Узбек классик м усикаси ва унинт тарихи // Самарканд-Тошкент, 1927. (араб езувида)

Баъд аз вафот турбати мо дар замин мажўй, Дар синахои мардуми ориф мазори мост.

Яъни: Вафотимдан сўнг кабримни ер юзида кидирма

Ориф мардлар кукрагидадир менинг мозорим.

Дархакикат, зиёлилар гарчанд ўз хаётлари учун хавфли бўлса-да, Фитратнинг хотирасига мехр ила караб, уни меросини турли усуллар билан саклашга харакат килдилар. Шунингдек, рисола давлат кутубхоналарининг махфий бўлимларида хам «жон» саклаб колди.

Эндиликда, ушбу китоб макомлар борасидаги илмий талкикот сифатида маълум ахамиятга эга. Унинг ахамияти нафакат илм тарихи бобида, балки хозирги умуммаданий муаммолар ечими жараёнида хам ижодкорлар учун

кимматлидир.

Рисоланинг ахамиятини муайян этиш учун, унга икки нуктаи назардан караш максадга мувофик: бири - профессор А.Фитрат меросида китобнинг ўрни, иккинчиси, китобнинг мусика фанида, жумладан, шарк мусикашунослигида тутган илмий ахамиятидир. Ва кенг маънода - жадидларнинг хаёти хамда маънавият сохасидаги ишларида мусиканинг урнини билмокдир.

А. Фитратнинг серкирра ижгимоий ва илмий фаолиятида мусикий масалалар салмоги хусусида сўз юритар эканмиз, жадидлар харакатига оид умуммаданий дастур мазмунини ёдда тугиш лозим. Чунки А. Фитрат санъат хаётида фаол катнашган. Одамзод тараккиётида маънавият ахамияти ва шунга ўхшаш муаммолар инкилобга кадар унинг бутун хаёлини камраб олган эди. Бунга унинг «Оила» монографияси далил бўла олади. 1

Садриддин Айний Фитратнинг ёшлигини эслар экан, чу охирги йилларда кўп шахар-кишлокларни айланиб, турмушни ўрганди, кўп нарсалардан хабардор бўлди»<sup>2</sup> - дейди. Бу маълумотни С.Айний 1920-21-йилларда ёзган. Ўшанда Фитрат кадимий шарк кўлёзмаларини йиға бошлаган бўлса керак. Чунки инкилоб содир бўлиши биланок бир талай эски кадимий - адабий, тарихий, тиббий ва бошка

<sup>1</sup> Фитрат. Онла//Боку. 1914 й. (араб служида тожик тилида)

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> Садриллин Айний Таврихи инжилоби Букоро // Думанбе: «Ашб», 1987 Б. 101-103.

сохадаги қулёзмаларни, жумладан, Абдурахмон Жомий, Нажмиддин Кавкабий Бухорий, Дарвиш Али Чангийнинг мусикавий рисолаларини шахсий кугубхоналардан тониб, давлат кугубхона хазинасини йиға бошлаган эди. Ва, айнан, мусикага оид қулёзмалар унинг диккатини тортди. Фитрат уз кигобида айттанидек, мусикани жуда яхши курар эди. Шунинг учун бу рисолаларни тавсиф этиб ўрганар экан, илмий иш жараёнининг ўзи унинг учун лаззатли булган. Китобхон шуни сезади.

Уща пайтда инкилобга хос туполон, тартибсизликни кўзда тугсак, шу билан бирга, ажнабий ишбилармонлар катор маънавий бойликларимизни арзон-гаровга олиб кетганларини инобатта олсак, А.Фитратнинг бу сохада хам миллатпарвар, йирокни кўра олган олим эканлигини яккол кўрамиз. Ўзи мероснинг кадрини била туриб ўзгаларда хам шу иштиёкни уйготар эди.

Замона хам, давр хам гарчи шароит оғир булса-да, кадимий китоб, мусикавий созлар, амалий санъат асарларини кадрлайдиган булган.

Бунга ўша давр тараққийпарварлари - жадидлар сабабчи эдилар. Улар хар бир шахарда яшаган илмга, санъатга, хунарга керакли шахсларнинг такдиридан бохабар бўлишган. Хар холда, Ғулом Зафарий, Кори Ёкуб, Абдулхамил Чўлпон, Ғози Юнус, Хамза, Абдулла Авлонийларнинг айтилган сохадаги кизгин хизмати 20-йилларга тўтри келаяпти. А. Фитратнинг бу фаолияти тўтрисидаги китобида айтилганидан ташкари, кўшимча маълумотларни Ўзбекистон Давлат Архивида сакланаёттан хужжатлардан ва кекса авлод чолгучиларимиз, ашулачиларимиз, маданият арбоблари билан бўлган сухбатларда топдик<sup>1</sup>.

1963 йилда машхур бастакор, макомшунос Хожи Аблулазиз Расуловнинг шогирди Кори Сирож исмли самаркандлик музикачи билан учрашган эдик<sup>2</sup>. Ушанда: «Дар-

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Фотимахон Бурхонова, Мутаваккил Бурхонов, Андрей Бертельс, А.Н.Болдырев, Вадуд Махмуд, Ф Кароматов, Ш Сохибов, Ф.Шахобов, К.Абдукодирова, Ғ.Изомий, Кори Сирож, С.Кароматуллахўжаева, Ўлмас Расулов, С.Умаров, О Матекубов билан бўлган сухбатлардан фойдаланди (Муаллифнинг шахсий архиви.)

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Рациидова Д Қори Сирож билан суқбат - Самаркандта булған сафар материаллари, 1961г.- қулёзма. Хамза номли санъатшунослик институтининг кутубхонасида сақланмокла.

веш Алийнинг «Тухфатус-сурур» номли китобини ( XVI аср мусика рисоласининг кўлезмаси назарда тугилмокда - Д.Р.) домла Фитрат жуда юксак бахолаган эдилар. Бу китобни мукаммал нусхасини топган одамга беш минг тилла бераман деб ваъда килган эдилар» - деб эслаганлар.

«Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи»ни нашрга тавсия эттан Илмий кумига Фитратнинг мусикада мутахассис эмаслигини таъкидлайди ва шу билан бирга, миллий мусикангунослар етишиб чикишини кутиб, хеч нарса килмай угиришни хам нодуруст леб билади. Муаллифнинг ўзи хам камтаринлик билан бир неча бор мусикашунос эмаслигини такрорлайди. Аммо Фитратнинг замондоши бүлган машхур чолгучи Абдукодир найчининг кизи раккоса ва драматик актриса Кумрихон опа (ўша кезларда ўн ёшда бўлган) Фитрат домланинг дустлар мажлисида навозанлалик килганлиги тугрисида бизга кимматли маълумот берди. «Шердор мадрасасига келиб, дадам, Домла Халим. яна уша институтда (Самарканддаги ракс ва мусика институтида - Д.Р.) ишлайдиган музикантчиларни богларига олиб кетар эдилар, ўшанда Фитратнинг танбур чертганлари эсимда».

Фитратни камокка олишган куни уйидан олиб кетилган нарсалар руйхатида «иккита ўзбек мусикавий соз» борлиги кайд этилган. Шу маълумотни ва китобда ёзилган «мен соранг деган созни Хиндистондан олиб келтирдим» деган сузларни назарда тутсак, А.Фитратнинг умуман мусикий созларни йигишга иштиёки хам маълум булади.

Фигратнинг мусикавий-ижтимоий фаолиятида яна бир мухим масалани алохида айтиш керак. Инкилобдан сўнг рўй берган мураккаб шароитда у ашулачи, созанда, маком-

чиларни йигиб, уларга иш топиб берди.

Китобда жуда кўп мусикий техникумлар очилганлиги гўгрисида айтилган, хатго «хеч бўлмаганда хар мактабда кружок очдик» дейилган. Аммо бу маълумотнинг хаётий мазмуни санъаткорларни саклаб колиш, уларга маиший шароит мухайё этиш эди. Бу тарихий маънога эга савоб иш эди.

А. Фитрапнинг камокхоналаги «Дело» силын олинди

А Фитратнинг маданий-ижтимоий фаолиятида, умуман, хамма санъатларнинг ривожи кўзда тутилган дейиш мумкин. Бу мусика, театр, кино санъати, хам мусикавий фольклор, этнография, халк амалий санъатларига тегишли бўлиб, асосан, ёш, кобилиятли йигит-кизларни топиб, уларни ўкишга, етук санъаткорларни эса ўкитувчиликка жалб этиш эди.

Бу гапларни хозир айтиш осон, у пайтларда эса хаётий мураккаб муаммолар кўп эди. Улардан бири: санъат сохасида хизмат килиш шарафли иш деб хисобланма-ганлигида. Бундай муносабатни жамият психологиясида кескин ўзгартириш керак эди.

Куплаб ташкил этилган экспедицияларда ашула, уйин. зарбулмасаллар, кулёзма, амалий санъат асарларини йигиб саклаб колиш - асосий вазифа килиб белгиланган эди. Ва шу хакда матбуот оркали анжуманга билдирилган. Жумладан. 1921 йилда Мулла Бекжон Рахмон ўгли ва Мухаммад Юсуф Девон углининг «Хоразм мусика тарихчаси» нашр этилган. 1922 йилга назар таниласак, «Наука и просвещение» («Илм ва маърифат») журналида ёритилган Е.А. Чернявскийнинг маълумотидан, Гулом Зафарийнинг экспедицияларда халқ ашулалари, достон, лапар, қадимий китоблар йиттанлигини биламиз1. Рус мусикашунос олимлари В.А.Успенский «Узбекларнинг классик мусикаси» (1927й.) «Фарход ва Ширин мусикасини ишлаганим» (1937й.), В.М.Беляевнинг «Узбеклар мусикаси» (1930й.), «Миллий мусикани урганици масаласига доир» (1933й.) деб номланган изланишлари маълум<sup>2</sup>. Йигирманчи йилларда миллий санъатларга кизикиш авж олган эди. Рус Жўгрофия Жамоати (Русское Географическое Общество) кошила этнография булими ташкил этилади. Шу бўлимда халк мусикасини ўрганиш Комиссияси (Комиссия по изучению народной музыки) 1925-26 йилнинг хисоботида куйидаги илмий маърузалар акс эттирилган: 10 май - С.Е. Малов ва

Чернявский Е. История возникновения, структура и деятельность Государственного Ученого Совета. - «Наука и просвещение», 1922, №2.

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Хамза номли Санъатшунослик институтининг кутубхонасида сакланмокда.

Е.Э.Бертельс: «Уйгур ва Хитой сартларининг мусика ва шулалари»; 22 июнь - С.Д.Бергельсон: «Шарк мусика маданиятининг тарихий боскичлари»; 5 июль - Е.Э.Бертельс «Турк дарвишларининг ашула ва мусикалари»; 27 ноябрь - Е.Э.Бертельс: «Х аср араб алломаларининг муси-

кавий назариялари»<sup>1</sup>.

Помла Фитратнинг мусика ва санъатларга бағишланган ёзувларидан «Озод Бухоро» газетасида (1926 й.), «Маориф ва ўкитувчи» журналида, «Саньат маншаи» (1927 й.), «Аланга» журналидаги, «Узбек мусикаси тугрисида» (1928й.) маколалари монографиянинг ёзилиши ва нашр этилиши жараёнида жамоага манзур бўлган эди. Хатто, Бокуда нашр этилган энг биринчи йирик «Оила» номли асарининг «Ибо» бобида мусиканинг халол ва покиза соха эканини исботлайли ва бунинг учун, «Сахихи Бухорий» хадисларидан Биби Ойша сўзлаган хикояни танлаб олган. Бу хадисда Мухаммад пайтамбар ашула айтаёттан канизакларни Абу Бакр ғазабидан химоя этади. Фитрат танлаған хадисларнинг яна бир нечтасида найгамбаримиз оилалари билан бирга ракс томоша килганлари, мусика тинглаганлари хакида хикоя эгилган. Айнан биринчи хадисни XVI асрнинг II ярмида ижод этган мусикашунос, охангсоз ва шоир Дарвеш Али Чангий хам ўз касбини оклаш учун кўллаган эди. Оралари тўрт юз йил бўлган икки муаллиф бир манбага мурожаат этишибди. Шу давр мобайнида, мусикага, ахли санъатта муносабат ўзгармаганлиги диккатни жалб этаянти: хамон мусиканинг ислом шахси хаётида кераклиги таъкицланали.

Шу каторда, «Шашмақом»ни ноталар воситасида ёзиб олишни ташкил этилиши хам, Фитратнинг мусика сохасида бажарган улуғ иши бўлди. Китобда муаллиф бу ишларда ўзининг иштироки хакида кампарлик курсатиб, айтмай уптан. Аммо шу ишни бажарган В.А.Успенский, дўсти В.М.Беляевга ёзган бир мактубида: «Шашмақомни нотага езиб олиш гояси ўзбек ёзувчиси ва мусика мухлиси Фитратта мансуб», - деган. Шу икки рус олимларининг ўша яйлларга доир хатларининг сахифаларида Фитратнинг ис-

Бу маълумот т.ф.н. В.А.Германовдан олинган.

ми бир неча бор тилга олинади. Жумладан, 1924 йили В.М.Беляевнинг В.А.Успенскийга «Музикага оид кўлёзмаларни кидиргин, гопгин, бу нихоятда зарур манбалары деган сўзларига жавобан, В.А.Успенский «Бу кўлёзмаларни кадрловчиси ва билимдони Фигратдир» - деб ёзади 1.

«Шашмақом» Европа ноталари тарзида ёзиб олинганда, матнлар ёзилмаган эди. Бу холат, хозир баъзи олимлар томонидан катта камчилик деб таъкидланмокда ва факат Фитратнинг айби сифатида кўрсатилмокда. Аммо илмий танкидда сиёсий ишоралар эшитилмокда. Шунинг учун шу масалада тўхтаб ўтмокчимиз. Макомларни ёзиб олганда, табиийки, чапдан ўнгга томон ноталар саф тортган. Араб ёзуви эса ўнгдан чапга харакат килади. Шунинг учун хозир хам, араб ёзуви кабул этилган мамлакатларда оханг ноталари шеърий матндан айри нашр этилади.

Иккинчи бахона, рус мусикашуноси бўлган В.А.Успенскийнинг ўзига хам боглик бўлиши, эхтимол. Нима учун шундай фикр пайдо бўлади? В. М. Беляев 1936 йилла рус музика фольклорчиси, кўчманчи туркларнинг мусика меросини ўрганган йирик олим А.В.Затаевичнинг вафотига таъзиянома эълон килиб, шундай сузларни ёзган эди: «Афсуски баъзи материаллар... илмий тадкикот учун етарли даражада эмас. Халк ашулалари матнеиз ёзиб олинган. Оханг ва мусикавий шакл намоён бўлган холда, матн мазмуни назардан ташкарила колиб кетган. Бу ... умуман мусика этнографларининг кекса авлодига мансуб бир томонлама ёндошиш. Ва хали ёш олимларимиз бу камчиликни бартараф килгани йук»<sup>2</sup>. Яъни В.А.Успенскийнинг макомчилар билан ишлаганидан 12 йил ўтгач, В.М.Беляев хамон ўша илмий методнинг нуксонини таъкидлайди, «Шашмаком»нинг текстлари ёзиб олинмагани масаласини ўргансак шуни хам назарда тугмок даркор.

Мутаваккил Бурхонов Фитратдан шеърлар нашр этилмаганининг сабабини сўраганларида, домла биринчи сабаб деб, араб ёзувининг харакати нота ёзувига тўгри келма-

Мактублар Хамза номидаги Санъатшунослик институтининг кутубхонасида сакланмокда.

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Беляев В.М. А.В.Затаевич (1869-1936) - «Советская музыка», 1937, № 1.

панини айттан эканлар. Аммо сухбат давомида ёш компошторнинг эътирозига жавобан: «Соддасиз. Агар Москва «Шашмаком»нинг шеърларини билса эди, умуман нашр

белмас эди бу китоб» - деган эканлар.

Мусикашунос А. Жумаевнинг «Абдурауф Фитрат ва минг замондошлари Узбекистондаги «Мусикавий фронт» майлонида (20-30 йиллар)» маколаси дунё микёсида таркаладиган салмокли «Центральная Азия» журналининг уч сонила эълон этилган<sup>1</sup>. Унда: «Фиграт ўша даврда (1923-24 йиллар назарда тутилмокда - Д.Р.) Туркия кўллаган сиёсий ва маданий тараккиёг моделининг кучли таъсирида эди. Ва хаётда маданий туркийлаштириш гоясини фаол татбик этган эди. Жумладан, бадиий ва мусикавий меросни хам эски форс-тожик матнларни (Шашмакомдан - Р.Д.) олиб ташлаш унинг учун шу режаланган максадда илк кадам бўлди», - деб тахмин килади А. Жумаев<sup>2</sup>.

Мунозара лозим, чунки бугун бир неча илмий ва сиёсий муаммолар Ўрта Осиёнинг янги маънавиятини шаклланишида тарих илмини жанг майдонига айлантирмасликка, меросимиздан окилона фойдаланишта даъват

этаяпти.

Шундай масалалардан бири: Фитратнинг «Бухоро Шашмаком» ини туркийлаштириш максадидир, аммо бу тахмин катор саволларга тортаяпти. Нима учун Фитрат Шашмакомни нотага ёзиб олгандан кейин ўн уч йил давомида ( у 1937 йилда камалган) ўз максадини бажармади? Илк кадамидан сўнг форс-тожик шеърларини узбектуркий текстлар билан алмаштирмади? Бундай максадга эришиш учун фурсат хам, шеърлар хам бор эди. Балки макомчилар карши бўлгандирлар? Ким, качон ва каерда? Ёки Фитратнинг умуман бундай максади йўк эдими.

Иккинчи мулохаза - Фитратнинг туркпарастлиги. «Чи-

А.Джумасв. Абдурауф Фитрат и его современники на «музыкальном фронте» (20-зи годы) —«Центральная Азия, № 1(7), 1997.

<sup>«</sup>Онтрат все спи находись в тот период под сильным влиянием туренкой молели политического и культурного развития, активно проводил в жизны идею порыващим культурного, в том числе – художественного и музыкального насления. Удаление старых персидско-талжикских текстов являжись для него первым шагом в проведении задуманной акции»

гатой гурунги» фаолияти туркийлаштиришга карши тадбир булган эди. Унда Чўлпон ва Фитратнинг ўзбек тилини мажбуран усмонли туркийлаштиришдан саклаб колиш бўлган. Кизикарли холат кузатилаянти. Фитратнинг Туркиядаги хаёти унинг она юртидаги хаётидан кескин фарк килар эди. Стамбулни, Анкара, Измирни - Туркияни севиб, хатто баъзилари у ерда уйланиб, оилаларини Бухорога олиб келганларнинг хаммаси жадид эди. М.Бехбулий, Мазхар ва Муаммир Бурхоновлар, Абдукодир Шакурийнинг хотиралари, хаёти бунга гувохдир.

Урта Осиёдан борган ёшлар учун туркларнинг мусулмон ахли бўлгани, тили тушунарли экани, у ерда Европа маданиятининг бемалол қабул этилгани, коллежларда француз тилини ўргатилиши, аёлларнинг холи, оилада эру хотин муносабати, хатто кийиниш, дастурхон ёзиши ва бошка маиший одатлари уларнинг Туркияга ошик бўлишига сабаб бўлди ва бутун бизга тушунарли холдир.

Аммо жадидларнинг маънавиятида бошка юртни севиш хох Германия бўлсин, хох Эрон, Россия, ё Арабистон, ё Туркия - ўз юртидан воз кечиш эмас эди. Жадидларнинг, жумладан, Фигратнинг хам максади дунё етиштан яхшиликлардан фойдаланиб она юртини тараккийлаштириш эди. Бу уларнинг ёзма меросила ўз аксини топган.

Шунинг учун Бухоро Шашмакомини нашр этиш тарихини ўргансак А. Жумаевни шу мавзудаги фикрларига кисман эътироз билдириб, кисман кўшимча килиб айгиш лозим: меросни ўзгартириб бўлмайди. Мерос заминида янги нарса ижод этиш мумкин. Масалан, ярим аср уггандан сўнг Юнус Ражабий Шашмакомнинг асл форс-тожик шеърлари ўрнига ўзбек-туркий классик матнларни киргизди. Тошкент-Фаргона макомлар туркуми, Хоразм макомлари ўз йўлида ривожланиб, Бухоро Шашмакоми эса ўзича колди. Бундан ташкари Тожикистонда хам, Ўзбекистонда хам тожик, ўзбек, яхудий ижрочилари макомларнинг эстетикасига ўз жихатларини кўшдилар.

«Музикамизнинг катта камчиликларидан биттаси унинг таркоклигидир», - деб кўрсаттан эди А. Фитрат, 1928 йилда эълон килган маколасида. - «Бир куй Хевада бошка, Тошкентда бошкача чалинади. Хозирги техникумларимиз хам

шул чизгидан чиколмай юрадилар» Аммо, йиллар ўтгач, ижодий фаолият шуни кусатдики, домланинг мусикавин ижрочилик услубларининг «бирлашишига» интилгани аслан, бизнинг мусикавий мафкурамизга ёт экан. Мингакамизнинг хар бир шахари ўз охангида сўзлайди. факат биргина Фаргона водийси буйлаб сайр этсак, Куконда Маргилонда, Андижон еки Фаргонада сухбагнинг оханги, мусикавий усули ўзгача, гарчи хар бири ўзбек тили булса хам. Еки Самарканд, Бухоро, Хужанднинг тожик тилини эшитсак буларнинг сўзлашув оханги, мусикавий усули, ижрочилик услубида фарк бор. Ва шундай ранг-баранглик бойлигимиздир, тингловчи шуни яхши куради, хохлайди. Хозирги радио ва телевизор таъсирида шу локал фарклар ракс ва ашула айтиш услубларида нуколаётган сари афсусланмокдамиз. Ва шуни хам шохиди булмокдамизки, агар уста махоратли созанда, тугилган ерининг мусикавий мафкураси этаси булса, узлигини саклаб кола олади ва кадимий ранго-ранг анъаналарга бугун уз хиссасини куппади Шу бобда фольклоршунос мусикашунос олим Файзулла Кароматовнинг мулохазаларини билмок учун савол бердик Домла жавоб килдиларки, умуман домла Фитратнинг фикрлари филологларга хос хатодир. Шу билан бирга, гавсия этилаётган китобнинг ёзилищи Фитратнинг мусикага мойиллигини, хамда макомчилар билан бүлган шахсий дустлигининг самараси бўлиб, айни вактда, Фитратнинг шаркшуносликка оид мехнатининг натижаси хамдир.

Мусика илмининг тарихи, тўгрироги, ёзма тарихи минг йилга эга. Ёзма гарихи деганимизда сакланиб колган рисолаларни назарда тугсак, бу фан улут мутафаккир Абу Наср Форобий китобларидан бошланади. Шу минг йил давомида яратилган энг катта фундаментал асарларнинг муаллифларини эслаб угайлик: IX-X асрларда Ал-Форобий, Абу Али ибн Сино, XII асрда Умар Хайём, XIII асрда Кутбилдин Шерозий, Сафиуддин Абдулмумин Урмавий, XIV асрда Абдулкодир Марогий, XV асрда Аблу-

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Фитрат, Ўзбек мусикаси тўзрисида - «Аланга», 1928, №2.

рахмон Жомий, ал-Хусайний, XV-XVI асрла Нажмидлин Кавкабии Бухорий, XVI асрнинг II-ярми - XVII асрнинг 20-йилларида ижод этган Дарвеш Али Чангий, чорак асрдан кейин Бокиёйи Ноиний, XVIII асрда Давра Суфрачи Каромий рисолалари бизгача етиб келди. Бу рисолалар шарк мусикашунослигида назарий, амалий ва тарихий билимларни мужассам этган фундаментал талкикотлар хисобланади. Аммо илмий манба сифатида яна бир катор асарлар қўлланиб келинган. Булар номаълум (аноним) муаллифлар каламига мансуб рисолалар, комусий (энциклопедик) асарлардан ўрин олган мусикий бўлимлар, тарихий номалар, хотиралар, лугатлар, адабий шеърий ва насрий бадиий кигоблардир. Масалан, Давлатиохнинг «Тазрикат-уш-шуаро»си, шу ном билан машхур Мутрибийнинг тазкираси, «Гиёс-ул-лугот», «Бурхони котеъ» фарханглари, Навоийнинг «Мажолис-ун-нафоис» и ва баёзлар пиулар жумласидандир. А. Фитратнинг китоби мусикашунослик нуктаи назаридан бахоланса, мусика илмининг пойдевор асарлари каторига киради.

А. Фитратнинг китоби ўрта аср шарк мусикавий рисолалари тарэида ёзилган, яъни рисолада илми мусикийнинг хамма анъанавий (Форобий давридан буён) кисмлари акс эттирилган<sup>1</sup>. Бунда маълум даражада, хам ўтмиш, хам муаллиф яшаган давридаги мусикий назария амалиёт, ижодий мухит инъикос бўлган.

Ўтмиш рисолаларни ўкиганда, бир мухим ва кимматли жихат аён бўлаянти. Бу мусика санъакорларининг серкирра фаолияти ва шунга биноан тарбиявий-педагогик анъанадир. Одатда хофиз хам созандалик килар, хам шеър илмини мукаммал билар эди. Шунингдек, аксарият, ўзи шеър ижод этиб, унга ўзи куй басталар эди. Созанда бир эмас, балки бир неча чолғуни ўзлаштирар эди. Мусикада ўткир кобилиятли бўлганлар эса, гарчанд бошка бир касб эгаси бўлсалар-да, бўш вактларида мусикавий ижрочилик билан маштул бўлардилар. Рисолаларнинг варакларида ўнлаб чолғучи, мугриб, охангсоз ёки мусикий рисола ёзган жаррох, мут

Яъни: макомлар системаси, усуллар, мусикий асарларнинг жанр ва шакллари, ислохот, чолгулар, мусика ва ислом даври маънавияти.

нажжим, кози, шоир, муаррих, новвой, кулолчи, рассом ва хаттотларнинг исмларини учратамиз. Абдурауф Фитрат ун хам шундай алломалардан булган эди Шоир, драатург, диншунос, муаррих, араб, форс, туркий тилпарини мукаммал билган олим, шарк мусикий илмилан якиндан хабардор бўлгани холда, ушбу китобини ёзишга киришали. Бунга бир неча манбалар (китобда уларнинг номлари ва муаллифлари хамда рисолаларнинг мазмуни хакила батафсил айтилган) замин ярагган. Аммо Фитратнинг ўзи махсус мусикий таълим олмагани туфайли, шгу «камчилигини» қайта-қайта такрорлаб, буни бир ёқдама хал килиш йулини ахгарган. Бунда биринчидан, макомшуносларни йигиб, уларнинг билимидан фойдаланиш назарда тугилган бўлса, иккинчидан, Европа-рус илмининг XX асрда эриппилган тадкикот методикасини кераклигича ўзининг шаркий услубига боглаш максад килиб куйилади. Ота Ғиёс ва Ота Жалолдек усталар «Шашмаком»нинг йирик билимдони эдилар, «Бухоро шашмакоми»нинг асл пойтахтда шаклланган мусикий мактабининг намояндалари эдилар. Улардан кейинги даврда ижтимонй хаётда кескин ўзгарицлар содир бўлди. А. Фитратнинг айтганларидек, «кун сайин ўзгаришлар кириб келди». Радио, граммофон, патефон, пластинкалар, кейин телевизор воситалари манций турмущ жараёнига сингиб борди. Шу тарика, янги таассуротлар юзага келди. Шарк билан ғарб орасида жонли ришталар кучая борди. Асрлар оша шарк садолари ила шактланган Бухоро Шашмакомининг XX аср II нчи ярмила янги матнлар, эстетик тус олиши табиийдир. А. Фитрат ўша эски мактабнинг охирги намояндаларидан маълумот олишга интилди ва улгурди.

Стамбулда таълим олган фаслда Фитрат Шарк ва Fарб олимларининг ишларидан хабардор бўлади. Масалан, бир талай маколалари ва китобида усмонли гурк олимлари Рауф Яктобей, Куприлизода, француз олими Шарль де Савинюс (китобида шундай нашр этилган, аммо тадкикотчи Б.Эргашев суз «Сиёсий гарих» - «Политическая история» нинг муаллифи Шарль Сенюбос (1854-1942) деб аниклади), молдован-турк олими Контемирнинг асарлари, фалсафий карашлари, уларнинг китобларидан

цитаталар учрайди. XX аср илмий тадкикот усулини узлаштиринда А. Фитратта Стамбул билан бирга Боку, Москва Ленинград илмий мухитининг таъсири бўлди. Бу таъсир бир хил даражада бўлмади. Чунки Стамбулга 24-25 ёшлик найтида борган бўлса, Москва ва Ленинградга 37-38 ёшдаги етук олим, шунингдек, катта лавозимларда ишлаб каттик ганкидларга учраган, бу лавозимлардан тушган давлат арбоби сифатида борган эди. Рус шаркшунослигининг энг кучли олимларидан Евгений Эдуардович Бертельс билан А. Фитрат орасида ажойиб дўстлик богланади. «Отамнинг А. Фитратта муносабати ёдимда, - деди олимнинг ўгли Андрей Бертельс Москвада учрашганимизда. У хамма олимлар орасида Фитратни, айникса, хурмат килар эди. Сабаби, менимча, улар бир хил даражада интеллигент (зиёли) эдилар».

Ленинград Университетининг профессори, форсий тиллар адабиёти мугахассиси Александр Николаевич Болдыревнинг гувохлигича, «Фитрат кабинетга кирганда, хаммамиз ўрнимиздан турар эдик»<sup>1</sup>. Рус мусикий фольклорчилари ва композиторлари В.А.Успенский ва Н.Н Миронов билан бирга Фитрат Самарканд ва Бухорода иш олиб боришган. Москвада эса В.М.Беляев билан (Виктор Михайлович Беляев Чўлпоннинг якин дўсти хам эди) мулокотда бўлиб олимнинг исми Фитратнинг китобида бир неча бор кайд этилган.

А. Фитратнинг китобида маълумотларнинг тузилиши, манбалардан фойдаланиши (цитата, жадвал тузиш, расм ва фотонусхаларнинг далил ёки иллюстрация сифатида келтириш усуллари) бу хаммаси, шарк мусикавий рисолаларида янги XX асрда Европа мамлакатларидан олинган услуби, тарзи бўлди. Янги даврда янги «илмий тил» кўллана бошланди, бу - шарк мусикашунослигида тарихий вокеа эди. Бинобарин, бу хол Абдурауф Фитрат номи билан (гарчи у мусикашунос булмаса-да) боғликлир.

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> А.Н.Болдырев билан Санкт-Петербург (Ленинград) Университетида махсус сумбат уюштирилган эди. Бу хотираларни академик, физик олим, Фитратнинг шогирли, (домла уларга ўзбек ацабиетидан некциялар ўкиган) кеймичалик Тожикистон Фанлар Акалемиясининг президенти Султон Умаров хам гасликлаган эдилар.

Бундан ташкари, яна бир катор муаммолар, хусусан, мусикавий чолгулар, оханг ва шеър муносабати мусикий истилохот, Шарк ва Ғарб орасидаги ижодий мулоқот ва отликни саклаб колиш каби масалаларда Фитратнинг карашларини ўрганиш лозим.

А Фитрат мусикий чолгуларни йигишга кизикканини ркорида айтиб ўтдик. Буни Ғ.Изомий. С.Кароматуллахужаева, К. Абдукодирова, Фитратнинг 20-йилларнинг бошила рафикаси булган Фотима Бурхонова, унинг укаси композитор Мугаваккил Бурхоновлар хам эслашади. Китобда «мен Хиндустондан соранг созини олиб келтирдим» дейилганини яна ёдда тутсак, бир неча саволлар пайдо булади. Ким шу ишни бажо келтирган экан? Камок терговидаги «Дело» да Фиграт иккита хиндистонлик билан мулокотда бўлгани айтилган: бири Саид-афанди, табиб ва иккинчиси хинд ихтилолчиси Абдурат. «Лело» да шундай ёзилган. Аммо терговчиларнинг саводсизлигини, уларнинг аксари. Узбек тилини билмаганлигини эсда тутсак, хинд исми балки хато ёзилгандир, деб тахмин килиш мумкин. Аммо Севар опа билан (оналари Фитратнинг рафикаси бўлган, опа домла камалганида етти яшар эди) шу масалада сухбатлаштанимизда: «Домла ўзлари хам Хиндустонга борган булсалар керак, чунки мен, қизчага, жуда куп хикоя килиб, хиндулар кўп суг ичади, мевалар ейди деб айтиб берар эдилар. Хиндча кийимлари хам бор эди», дедилар. Бухоро олими Салимий Фитратнинг ёшлигида отаси билан биргаликда Хажга боргани, шу туфайли, Хожи Абдурауф унвонита сазовор бўлгани хакида «Мажмуада» ёзади. Бу китоб 1914 йилда нашр этилган эди. Ва унда «хозир Фитрат Стамбулда тахсил олмокда», - дейилган. Тахмин қилиш мумкинки, Фитрат ё отаси билан Хажта борганида, ё Стамбулга жадидлар билан ўтганида Хиндистон оркали жунаган. Ф. Бурхонованинг амакилари Мазхар **м Муаммир Бурхон 1909 йилда Фитрат билан биргаликда** Стамбулга Бухородан қочиштани, ўшанда Хиндистонда

С.Айний Тарихи инкилоби Бухоро. Душанба, 1987.

Фанауала Киличев. Мустакилликиннг фожмали йўли. - «Шарк юлдуэн»,

амакилари бир неча вакт яшагани хакида эслар эдилар Фитрат булар билан бирга бўлса, мумкин ўшанда, хинл чолгуларига назари тушиб, уларни йигиші максади пайдо бўлган.

Хинд сози сорангни эса, 1940 йиллар Бухоро музика мактабида ўкитан, булажак профессор, шарк чолғулари тарихи мутахассиси Ф. Кароматов кўрганларини эслайдилар.

Янги услуб сифатида А. Фитрат биринчи бўлиб кригик текст (яъни бир неча нусха таккосланган), матн тузишни илмий масала даражасида бошлади. Бу масала Жомийнинг мусикавий рисоласидан фойдаланиш бахонаси билан юзага чикди.

Профессор А. Фитратнинг бу китоби музикага оид ягона китоб бўлиб колмаслиги керак эди. Умуман, унинг илмий меросига разм солсак, йирик-йирик муаммоларга бағишлаб, албатта, икки тилда ёзар эди. Аруз хакилаги тадкикотлар бунга далилдир. Шеърлар, драмалар хам икки тилда яратилган. Хатто бир гўзалга бағиниланган дардли икки шеъри бири ўзбекча, бири тожикча ёзилган! Инкилобдан олдинги жадидият окими даврида ёзилган энг долзарб муаммоларга бағишланған публицистик асарлар хам икки тилда ифода этилган. Бунга «Ойна» журналининг 1913-1914 йиллардаги сонлари гувохдир: Фитратнинг Стамбулдан юборилган хамма маколалари тожик тилида ёзилган. Бундан ташкари, С.Айний «Тарихи инкилоби Бухоро» асарининг махсус Фитратга багишланган бобида ёзадики, Туркияда яшаб ўкиган йилларида (1909-1914) Фиграт илк асарларини хаммасини тожик тилида яратган ва булар: 1. «Мунозара», 2. «Сайёхи хинди» (иккови хам

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Каранг: «Узбекистон адабиети на санъати» газетаси, 1993 илл, 8 январъ, сон 2, бет 5. Узбек тилидаги шеър:

<sup>«</sup>Гўзалим. бевафо гулистоним, Бог умримда тоза райхоним, Ғаму кайгуларин хужуминдан, Сен эдинг мехрубон имгахбоним»

сўзлари билан бошланали.

Тожик тилидаги шеър эса: «Рафт аз барам Ери нозанин!» дан бошланиб, «Хок бар сарам!» сўзлари билан тамом бўлган

роман тарзида ёзилган); 3. Шеърлар мажмуаси «Сайха» (шу туппым хакида Айний «унинг таъсири укувчиларга электр кувватидек бўлди» деб ёзган). 4 «Рахбари нажот», 5. «Оила» иккала монография ижгимоий ва иктисодий рахнамо

эди, деб таъкидлайди С.Айний.

Бу умуман Урта Осиё, яъни Мовароуннахо ва Хуросон заминида шаклланган маданиятнинг хислати, хусусияти. анъанаси ва меросидир. Максад шуки, Фитратнинг мусикага бағишланган тадқиқотида иккинчи китоби тожик тилида ёзилиши керак эди. Ва шундай тахминга асос бор. «Узбек классик мусикаси ва унинг тарихи»нинг бош кахрамони Бухоро «Шашмакоми» дир. Иккинчи китобнинг бош кахрамони «Дувоздах маком» - булиши керак эли. Кайтариб бўлса-да, эслатамиз - Фитрат, Жомий рисоласининг факат бир нухсада эканлигига афсусланиб. «күлёзманинг яна нусхалари бўлганида бир канча муаммолар ечипар эли» дейди. Хамма Фитрат тадкик эттан рисолалар. жумлалан. Жомийнинг хам, Кавкабий ва Ларвеш Али Чангийнинг хам күлёзмалари «Двоздах маком»га бағишланган булиб, тожик классик мусикасининг тарихи доирасига киради. Аммо энг мухими, совет давридан олдинги минг йиллик тарих Мовароуннахр ва Хуросон маданий меросини ташкил этиб, тор маънода миллий (узбек, тожик, афтон, усмонли турк, шимолий хинд ё эронлик) бўлмай, хаммаларига интеллектуал маънавий мерос, озука, мулк булган. Чунки уч тилда ифода этилган мерос. исломдан олдинги «Авесто» даврида хам, кейинчалик хам умумминтакадаги «оилавий» буюк мерос бўлиб келди. Унинг бойлиги ва ранго-ранглиги хар бир катта шахарнинг ўзига хос усули, охангида эди. Фитрат хам шу заминнинг фарзанди. Манбалар етарли даражада булмаганлиги сабабли езилмай қолган, аммо «Дувоздах маком» системасига, унинг тарихи, келиб чикиши, булоклари ва ислом динидан олдинги ва ўрта асрлар даврлари хусусидаги илмий тадкикот Фитратдек олимнинг ижодий режаларида булиши табиийдир. Бутун илмий меросининг мантики шунга олиб келаянти.

С.Анний. Тарихи инклагоби Бухоро Б.101-102.

Шундай килиб, хулосада А.Фитратнинг «Ўзбек классик, мусикаси ва унинг тарихи» рисоласи бир минг саналик тарихни янги, XX аср даври билан тугаш этган «куприк» дейиш мумкин. Фитрат, хатто, биринчи ўзбек операсига либретто хам ёзган эди. Бу хакда бухоролик фитратшунос Б.Эргашев бизга шахсий мактубда лугфан билдирди «Кизил Ўзбекистон» газетаси 1937 йил 6 октябрдаги сонида Шербек Алиев ва Хожи Шорахмадовларнинг «Буржуазия миллатчиларининг санъат сохасидаги зиёнчиликлари» номи билан эълон килган маколаларида «Тўлкун» операси сахнага куйилгани, унга либреттони Фитрат, музикасини Ашрафий ёзганлиги хакида маълумот берилган.

А. Фитратнинг исми ва мероси ман этилган катагон йилларда, баъзи совет одимларининг шахсий ташаббуси ва мардлиги ила назардан четда колмади. Профессордар В. М. Беляев, Ф. М. Кароматов, Исхок Ражабов, Т.С.Вызго Фитратнинг китобилан унумли фойдаланишди ва унинг тарихий ахамиятини китобхонга етказищди. Хозирда эса. Отаназар Матёкубов, Александр Жумаевнинг изланишлари катта ахамиятта эга. Умуман, А. Фитратнинг серкирра фаолияти кайси сохада булмасин - хох театр, хох адабиёт тарихи, хох ижтимоий ишлар сохасида кай даражада нохак кораланган бүлса-да, факат мусикашуносликда кораланмай колди. Шубилан бирга, интлиз олими Хенри Жорж Фармернинг илмий тадкикотларида бир неча бор Фитратнинг китобига мурожаат этилган1. Фармер бир маколасида Фитратнинг умр йилларини 1886-1938 йиллар деб курсатган. Айникса, охирги санани Фармер В. М. Беляевдан олгани тахмин этилади. Чунки бу икки олим ўзаро хат ёзишар эди, В.Беляев эса хавфли йилларда хам ёш олимларга Фитратнинг шу китобини тавсия этган эди. Жумладан, шу сатрлар муаллифига: «Агар умуман мусикавий рисолаларни ўрганмокчи бўлсангиз, Фитратнинг китобини топиб ўшандан бошланг» - деган эди. Мюнхенда ящаёттан ватандошимиз, профессор Темур Хўжа ўгли Фитратнинг адабий ва умумий фаолиятига багишланган тадкикотларда

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> H. G. Farmer. Meccan Musical Instruments - In Journal of the Royal Asiatic Society. London, 1929, part III, p.489-507.

уни мусикашунос сифатида тилга олади. Америка, Германия, Польша, Япония, Тожикистон, Россияда XX асрни фрганаёттан муаррихлар Фитратнинг мусика меросига ки-

зикиш билдиришмокда.

«Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи» бир неча тилга таржима бўлиб, нашр этилгани хакида Темур Хужа отли лутфан юборган маколасидан маълум бўлди. Аммо Фитратнинг мусикага оид хамма маколаларини топа олмадик.

фитрат кўп ишлар килишта улгурди. Аммо яна купига улгурмади. Абдурауф Фитрат атиги 51 йил умр кўрди. Эллик иккинчи ёши эса, камокда тирикларча кумилган

лахшатли йили, хисобга кирмайди...

Tumur Kocaoghi. Bugune nadar az tauman Harezm turk edebi dili ve ozellirleri. (1920-1924). - Istanbul Turkiyat Arastirma Merkezi, 1987.

## Туркистонда халқ ҳаракатлари ва жадидлар

(1916 йил вокеалари мисолида)

Туркистон истиклоли ва тараккиёти гояси жадид гараккийпарварлари фаолиятининг асосий ва бош максади булиб, бу йулда ватанимизда XX аср бошларида, аникроги дастлабки чорагида ва, айникса, 1916-1924 йилларда олиб борилган оммавий халк харакатларидан уларнинг четда турмаганликлари, шубхасиздир. Жадидларнинг, дастлаб, маърифатпарварлик йуналишида бошланиб, тобора сиёсий тус олиб борган фаолиятларида Туркистон халкларининг умуммиллий хукуклари учун кураш масалалари тобора аник намоён бўлиб, пировардида, олий максадга айланди. Бу жараённи Туркистонда сиёсий, миллий хукуклар учун курашлар йил сайин, ой сайин ва кун сайин кескинлашиб борган 1916-1920 йиллардаги вокеалар хамда уларда жадид тараккийпарварларининг тутган ўрни ва роли мисолида кузатиш мумкин.

Бу даврда Туркистон мустакиллиги учун олиб борилган курашларнинг дастлабки энг йирик тулкини - 1916 йил кўзголони эди. Россия имнериясининг мустамлакачилик истибдодига қарши Туркистон халқларининг энг кескин ва оммавий каршилиги булган бу кўзголонда, карийб ярим аср мобайнида эзилиб, хурланиб, тахкирланиб келган ахоли кудратли туфондек кугарилиб, бугун улкани ларзага келтирди. Мустамлака кишанлари исканжасида, тинимсиз мехнат, очлик, кашшоклик азобида эзилиб келган халк бор кучини туплаб кузгалди. Бутун Туркистонни камраб олиб, мустамлакачиларни дахшатта солган, уларнинг илдизига болта урган бу қўзголон халқ қудратини, унинг нималарга кодир эканлигини намоён этди. Энг чекка кишлокларда камида 400-500, йирик шахарларда эса 2500-5000 кишилик оммавий ғалаёнларга уюшган халқ қаршилиги мустабид хукуматни ларзага солиб, саросимада колдирди. Туркистонни бир неча хафта давомида идора этишга кодир

булолмай колган мустабид хукумат улкада уз хукмронлигини саклаб колиш учун бу кўзголонни бостиришга жуда катта харбий кучларни жалб этди. Улкада харбий холат, пни уруш даврида жорий этиладиган холат эълон килди. Дархакикат, бу мустабид хукуматга карши каратилган, йиллар давомида етилиб келган ва тўсатдан бошланган

халк уруши эди.

Россия императорининг Туркистондаги 19 ещдан 43 ещгача бўлган эркак ахлини фронт орти нохияларида мудофаа иншоотлари куриш ишларига ёппасига сафарбар этиш хакидаги 1916 йил 25 июнь фармони ижросига каршилик сифатида бошланиб, оммавий халк урушига айланган бу кўзголонда мазлум халк мустабид тузум ва давлатнинг зулм ва зўравонлигидан кутулиш, унга чек куйиш максадини кўзлаганлиги, шубхасиз. Лекин сиёсий ва марказлашган рахбарликсиз бошланиб, нихоятда таркок, аммо оммавий тарзда кечган бу кўзголон кучлар нисбати тенг бўлмаганлиги туфайли, шафкатсизлик билан бостирилди. Кўзголон кўтарган халкдан эса шафкатсиз ўчолинди.

Кудратли тўфондек кўгарилган бу кўзголондан халк манфаатлари йўлида фидойиларча қайғуриб юрган жадидпар четда турмагани, шубхасиз. Туркистонда 1916 йил құзғолони ва совет хокимиятига карши курашларда фаол ингтирок этган, 20- йиллар бошида мустабид хукуматнинг тазйик ва таъкибларидан кочиб, улкани тарк этган мухожир ватандошимиз Абдудла Ражаб Бойсуннинг гувохлик беришича, Россия императорининг мардикорликка сафарбар этиш хакидаги фармонидан хабар топган жадидлар Самаркандда Махмудхўжа Бехбудийнинг хузурида тупланганлар. Жадидларнинг энг фаол ва таникли вакиллари Мунавваркори Абдурашидхонов, Пахлавон Ниёз, Усмон Хужа, Кори Комил ва Обиджон Махмуд иштирокида бўлиб ўтган йигилицца ахолини мардикорликка олишга каршилик курсатиш, кузголон уюштириш ва Туркистон учун хуррият талаб этишга қарор қилинган1.

Abdullah Recep Baysun Turkistan Milli Marcketleri. Istanbul. 1945. 18-19

Жадидларнинг 1916 йил кўзголони давомидаги фаолиятини чукур ўрганиш ушбу муаммо тарихшунослигы олдида турган мухим вазифалардан бири эканлигини таъкидлаш билан бирга, совет адабиётларида бу масала мутлако нотўгри талкин этилганини, жадиллар «хоинлик»да, фармон ижросида мустабид хукуматга ёрдамлашганликда айбланганлигини курсатиб утиш лозим Вахоланки, Туркистоннинг энг фаол ва таникли жалилларининг бу масалага, фармонга ва хукумат фаолиятига муносабати хакида сакланиб колган аник маълумотлар бундай даъволар асоссиз эканлигини курсатади. Туркистон генерал губернатори махкамаси фондида сакланиб колган расмий хужжатларда кайд этилишича, жадидлар хакикатдан хам мардикорликка сафарбар этиш хакидаги фармонни бекор килиш максадида саъй-харакатлар олиб борганлар, Россия Давлат Думасита шундай талаб билан мурожаат этиш учун Туркистондан таникли зиёлилар -Мустафо Чўкаев ва Убайдулла Асадуллахужаев (Тошкентлик жадид) Петербургта ташриф буюрганлар<sup>2</sup>. Бу ташриф билан боглик харажатлар учун зарур пул маблағи эса турли вилоятларда жалидлар ва зиёлилар саъй-харакати билан тупланган. Расмий хужжатларда кайд этилишича, Тошкентда бу маблагни тўплаш билан Мунавваркори Абдурацидхонов шугулланган3. Петербургта ташриф буюрган Туркистон зиёлилари Давлат Думасига мурожаат этиб, фармонни бекор қилиш, ўлкадаги ахволни ўрганиш учун махсус комиссия юборишни талаб килалилар<sup>4</sup>.

1916 йил 17 августда Самаркандга Россия Давлат Думаси аьзоси Кутлут-Мухаммад Ботиргареев-Тевкелев, 22 августда эса Дума аьзоси Александр Фёдорович Керенский ташриф буюрадилар. Депутатлар М.Чўкаев хамкорлигида (у таржимон хам эди) 23 августда Жиззахда, 25 августда Андижонда, 26 августда Куконда, 27 августда Тошкентда

УэР Турсунов X. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстанс. Тошкент 1962, 208-209, 399 бетлар.

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> УэР МДА. Туркистон генерал-губернатори Махкамаси фонди, 31 руджат, 1139 йнгма жилд, 3-сахифа.

Уша ерда

<sup>4</sup> Уша ерда.

болиб, махаллий ахоли билан юзма-юз, полиция ва маъмурият вакиллари иштирокисиз учрашиб, сухбатлашапилар Бундай сухбатларда депутатлар Туркистонда содир болган галаёнлар ва уларнинг сабаблари, хукуматнинг улкада олиб бораётган сиёсати, кўзголонни шафкатсизлик билан бостириш давомидаги жинояткорона фаолиятини энг ишончли манба - халкнинг арзу-доди, шикоят ва курсатмалари асосида аниклайдилар, харбий кисмларнинг вахшиёна ўч олиш сиёсатининг натижалари - харобалар хамда вайроналарни ўз кўзлари билан кўрадилар. Айникса, жиззахдаги вайронагарчиликлар уларни дахшатга солади. Андижон, Тошкент, Қуқон шахарларида депугатларнинг халк вакиллари билан учрашувларида зиёлилар бу муаммо мухокамасини Россия Давлат Думасининг 5-сессияси мажлисига киритиш масаласини қуядилар. Уларнинг талаб ва илтимослари билан бу масала Давлат Думасининг ўша йили - 1916 йил, 13 ва 15 ноябрь кунларида бўлиб ўгган ёпик мажлисида мухокама этилади. Мажлисда Дума денугатлари Туркистонга сафар чогида халк ва унинг вакиллари берган курсатмалар асосида маъруза килиб, ўлкада юз берган вокеалар хакида ахборот берадилар. Ушбу мажлиснинг тула сакланиб колган ёзма баёноти<sup>2</sup> 1916 йил вокеаларига доир энг мухим манба булиб, кузголоннинг жуда куп масалаларини ойдинлаштиришга хизмат қилади. Епик тарзда ўтказилган ушбу мажлисда Россия хукуматининг Туркистон маъмурияти ва уни вакиллари томонидан ўлкада амалга оширилган адолатсизликлар, зўравонлик, талончилик, порахурлик, шавкатсиз ўч олиш сиёсатига доир маълумотлар рўйн-рост ошкор этилади. Бу маълумотлар бошка манбаларда, хусусан, ўша давр матбуотида ва расмий хужжатларда мутлако эътироф этилмаган. Чунки маъмурият ўз жиноий фаолиятини ошкор этишдан эмас, балки уни хаспушлаб, яширишдан манфаатдор эди. Расмий манбаларда - маъмуриятнинг хисобот ва баёнотларида Туркистонда содир бўлган вокеапарда махаллий ахоли айбланган, хукуматнинг фаолияти

У-Р МДА ТТГМ фонди, 31 рўйхат, 1139 йніма жилд, 1-сахифа. ЗаР МДА ТТГМ фонди,31 рўйхат, 1100 йніма жилд, 253-379 сахифалар.

эса «мажбурий чора» сифатида кўрсатилган, кўзголонни бостириш давомида халкка етказилган моддий талофотлар, бехисоб курбонлар яширилган Матбуот сахифаларида эса бугун ўлкани камраб олган галаёнлар хатто эътироф хам этилмаган, Туркистон ахолиси гўёки фармон ижросига «бажонилил киришгани» хакида сохта хабарлар бериб борилган<sup>1</sup>.

Бундай вазиятда, 1916 йил вокеаларининг сабаб ва окибатлари хакидаги хакконий маълумотларни аниклащ амри махол эди, албатга. Бундай маълумотларнинг Дума мажлисида ёпик тарзда бўлса-да эътироф этилиб, эълон килиниши хамда унинг ёзма баёнотининг сакланиб колиши эса жадилларнинг хизмати булиб, хакикий ахволни аниклашда жуда катта ахамият касб этиши, шубхасиз.

Мухим тарихий манба сифатида бахоланишига дойик ушбу ёзма баёнотдан маълум бўлишича, Дума депутатлари жадиллар саъй-харакати ва рахбарлигида халк хамда унинг вакиллари билан булган учрашувларда мустабил маъмуриятнинг порахурлигини, мардикорликка сафарбар этиш хакидаги император фармонининг ноконуний асосда кабул килинганлигини, унинг ижроси ўлка ахолиси учун жуда огир иктисодий ва моддий кийинчиликлар туглиришини аник мисолларда баён эттанлар. Кузголон кугарган халк хукумат кушинлари томонидан шавкатсиз бостирилиб, кўз кўриб, кулок эшитмаган даражада вахшийлик билан жазоланганлигини Жиззах ва Егтисувдаги ахвол мисолида таърифлаб берганлар. Жиззах ахолиси ва халк ваки глари, зиёлилар билан булган сухбатларда аникланган маълумотларига асосланиб, бу хакда депутат А.Ф.Керенский куйидагиларни кайд этган: «...Жиззахда галаёнлар рўй берганда бу ерга пиёда, артиллерия, кавалериядан иборат жазо отрядлари юборилди ва уларга йўлда учраган махаллий ахолини кириб ташлаш буюрилли... Мен Жиззахда аввал хам бўлганман. Унинг вайроналарини хам бориб курдим... Мен, жаноблар икки фронтда - Ғарбий фронт ва Кавказ фронтларида бўлганман, лекин буна-

Туркестанские ведомости. 1916, июль-август.

касини кўрмаганман...» Депугатлар нугкида кайд этилган мустабид хукумат вахшийлиги хакидаги фактлар хукмрон миллат вакилларини хам дахшатга солгани мажлис баёнотила кайд этилган лукма (реплика)лардан маълум булади. Оддий инсоний хис-туйгудан махрум бўлмаган хар кандай шахсни (миллати, маслагидан катьий назар) ларзага солувчи бу вахшийликларни бевосита бошидан кечирган мазлум халк - аждодларимизнинг фожиали ахволини тасаввур этиш кийин эмас.

ана шундай оғир ва фожиали дамларда халқ билан бирга бўлган, унинг манфаатларини химоя килган фидойи кишилар орасида жадид тараккийпарварлари алохила ажралиб турганлар. Шу пайтга қадар, халқни маърифат оркали уйготиш, тарбиялаш, тараққиётга етаклаш мақсалила фаол саъй-харакатлар олиб борган жадидлар 1916 йил кузголони мисолида халк кудратини, унинг иродасини ва кураш лаёкатини англаб етиш билан бирга. бу халкни озодликка олиб чикиш, хурриятта эришищи учун курациш зарурлигини тушуниб етдилар. 1916 йил кўзголонидан кейин бир неча ой ўтгач, Мунавваркори Абдурашидхоновнинг уню тарихий вокеага бағишлаб матбуотда чоп этган маколасида<sup>2</sup> «Хак олинур,.. курашиб, кон тукиб олинур...» деган хулосага келди, хуррият, озоллик ва миллий хукуклар учун курашиш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, жадидлар хурриятта эришил учун халкни сиёсий жихатдан тарбиялаш ва миллий истиклол учун кураш йўлида уюштириш заруриятини хам чукур англаб етдилар. Туркистонда 1917 йилдан бошлаб кескин ривожланиб кетган ижтимоий-сиёсий жараснлар, курашлар тулкинида тобланиб борган жадидларнинг янги мустабил тузум - совет хокимиятига карши ўлкада олиб борилган курашлардаги ўрни ва роли, уларнинг бу йўлдаги фаолияти айнан шу максадларга буйсундирилган эди.

УзР МДА ТТГМ фонди, 31 руйхэт, 1100 йигма жилд, 253-379 сахи-

Мунавваркори «Макбул курбонлар» // Нажот. 1917. 26 март

## Туркистон мухторияти - жадидлар миллий-демократик давлатчилик гояларининг амалдаги ифодаси

1917 йилда Туркистоннинг ижгимоий-сиёсий хаётида энг мухим масалаларидан бири, бу Туркистонда янги бошкарув усулидаги давлатчиликни ташкил этин эди. Уша тарихий шарт-шароитларда миллий давлатчиликка эга булиш гояси турли ташкилот ва партияларнинг ўзаро курашида асосий куролга айланган эди. Жадидларнинг интилишлари Туркистонда федерация асосида миллий-демократик давлатчиликни барпо этинга қаратилган эди. Жалилларнинг мухторият (автономия), давлатчилик тўгрисилаги гоялари ўша пайтдаги Россияда мавжуд сиёсий-ижтимонй ва инкилобий ахвол билан боглик холда шаклланиб келди. Улар мустамлака халкларнинг Россиядан бутунлай мустакил булиб чикиб кетишларини хали күн тартибига күёлмаган эдилар. Чунки Россиядек кудратли империя чангалидан аста-секинлик билан, окилона нозик сиёсат юргизиш оркали бугунлай мустакиллликка эришиш мумкинлигини жадидлар яхши англаганлар.

Бирок жадилларнинг давлат тизими хакидаги карашларининг хаётда амалга ошмай колишига, большевикларнинг хокимиятни зўравонлик билан эгаллашлари тўсик бўлди.

Туркистон большевиклари ва сўл эсерлари мусулмон ахолисининг ўлкани бошкаришга булган хукукини инкор килиб, хокимият тўгрисидаги масалани келишиб хал килиш имкониятини йўкка чикардилар ва шу билан ўлка сиёсий хаётидаги кучларнинг келгусида мухолиф туриб колишини олдиндан мукаррар килиб кўйдилар.

Тошкентдаги совет комиссарияти Туркистон мусулмонлари ваколатли съездининг мамлакатни идора этишни ерли халк кулига топшириш хакидаги карорни рад этгандан кейин ва ноябрда Тошкентда чакирилган совет съезди инкилобий кумитасида Туркистон ерли ахоли вакиллари

хиришини истамаганидан кейин, «Марказий Шўрои Ислония» ташкилоти миллий масалани хал этишга, мустакил
харакатни бошлашга мажбур бўлди. Бирок Тошкентда
мустахкам жойлашиб олган совет комиссарияти кизил кўшин кучига таяниб, Миллий марказ деб хисобланган (Марказий Шўрои Исломия) нинг харакатига тўскинлик килди
Шунлан кейин Миллий Марказ ўз харакатини Кўкондан
туриб давом эттиришта карор килди.

26 ноябрдан Қуқон шахрида Улка мусулмонларининг ГV фавкулодда съезди иш бошлади. Унда ўлканинг барча минтакалари ва купгина жамоат ташкилотларидан 200 на-

фардан ортик вакил хозир булди.

Кун тартибига ўлкани бошкариш шакли, Туркистон Марказий мусулмонлар шўросини кайта сайлаш, Туркистон Таъсис мажлиси, милиция, молия ва бошка масалалар

КУЙИЛЛИ

Мандат комиссиясининг аъзоси Т. Норбўтабеков катнашчиларни вакиллар таркиби билан таништирди. Бу пайтда съездда Фаргонадан - 100, Сирдарёдан-22, Самарканддан- 21, Бухородан - 4 ва Каспий ортидан - 1 вакил катнашаёттан эди. Вилоят вакилларидан ташкари съездда, шунингдек, «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо», мусулмон харбийлари шўроси, Ўлка яхудийлари жамияти (Паолей Сион), шунингдек, махаллий яхудийлар вакиллари катнашди! 1. Махмудхўжа Бехбудий ўз чикипида съезднинг хукукий жихатдан конунийлиги хакида шундай деганди: «Съезд карорлари шунинг учун хам катта мавкега сазоворки, унда Туркистоннинг оврупалик ахолиси вакиллари хам катнашмокда».

Махмудхўжа Бехбудийнинг таъкидлашича, хайьатни хам шундай тузиш керакки, унга гурли мусулмон гурухлари билан бирга рус, яхудий ва бошка халкларнинг вакиллари киритилсин. Вакиллар уни кўллаб-кувватлайди Андижон вакиллари шу фикрга кўшилади, ундан сўнг сузга чиккан Кўконлик вакил О. Махмудов хам «Хайьатни сайлашда вилоятлар бўйича эмас, балки алохида диний

<sup>1 «</sup>Улут Туркистон», 1917, 8 декабрь

карашлар ва миллий гурухларни хисобга олган холда, явны билимлон, укувли ва гайратли кишиларни танлаб олиш керак», дейди<sup>1</sup>.

Мухокамадан кейин 13 кишидан иборат хайъат сайлашга келишиб олинди. Очик овоз билан куйидаги тартибла хайъат сайланади: М.Чукаев, У Хужаев, Ю.Агаев, С.Акаев, С. Герцфельд, О.Махмудов, А.Уразаев, И.Шоахмедов Кишчинбаев, Камол Кози, Абдул Бадин, Тиллиев, Каримбоев

Съезднинг уч кунлик фаолияти мобайнида, вакиллар Туркистоннинг бўлгуси сиёсий тузуми тўтрисида катьий бир фикрга келишди. Деярли якдил овоз билан (икки киши карши) 1917 йил 27 ноябр куни кечаси соат 12да кабул этилган карорда, жумладан, шундай дейилади: «Туркистонда яшаб турган турли миллатта мансуб ахоли Россия инкилоби даъват эттан халкларнинг ўз хукукларини ўзлари белгилаш хусусидаги иродасини намоён этиб, Туркистонни Федератив Россия республикаси таркибида худудий жихатдан мухтор деб эълон килади, шу билан бирга мухториятнинг карор топиш шаклларини Таъсис Мажлисига хавола этади». Шунлан кейин съезд «Туркистонда яшаб турган миллий озчилик ахоли хукукларининг муттасил химоя килинишини тантанали равишда эълон килади».

28 ноябрда ташкил топаётган мазкур давлатнинг номи аникланиб, «Туркистон Мухторияти» деб аталадиган бўлди<sup>2</sup>. Хокимият таркиби эса куйидагича шаклланиши лозим эди: Таъсис съезди чакирилгунга кадар, хокимият тўла равищда Туркистон Муваккат Кенгаши ва Туркистон Халқ (миллий) Мажлиси кўлида бўлади.

Муваккат Кенгаш аъзоларидан хукумат тузилиши керак эди. Унинг таркибига эса 12 киши таклиф этилди. Халк Мажлисида белгиланган 54 уриндан 18 ўрин улкадаги турли овруполи ташкилотларнинг вакиллари учун ажратилди. Бу эса учдан бир ўрин овруполик ахоли вакил-

<sup>•</sup>Туркестанский вестник», 1917, 9 лекабрь

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> «Улут Туркистон», 1917, 8 декабрь, «Туркестанский вестник», 1917, 1 декабрь

парига тегишини билдирар эди.

Демократик рухдаги миллий зиёлилар съездда кабул жилинган дастурий хужжатларга ўзига хослиги билан ажралиб турган демократик гояларни киритишди. Аммо съездда турли сиёсий гурухларнинг бир фикрга келиши жуда кийин кечди. Матбуотнинг гувохлик беришича, съезд кескин тортишувлар билан ўттан. Хатго Шерали Лапин бошчилигидаги уламочилар вакиллари хайдаб чикарилган. Умуман, кураш уламочилар билан радикал унсурлар орасида бораёттан эди. Бирок, ўзаро келишувлардан сўнг бир тўхтамга келиниб, Шерали Лапин бошчилигидаги уламочилар съездга кайтарилади.

Нихоят, съезд катнашчилари узаро бахсларга чек куйиб, сиёсий гурухбозликни тухтатадилар. Съездда Муваккат хукумат таркиб топгани бунинг яккол далилидир. Унга куйи-

лаги кишилар киритилган эди <sup>1</sup>.

1. Мухаммаджон Тинишпаев - бош вазир, ички ишлар вазири, 2- чакирик давлат думасининг аъзоси, Туркистон муваккат хукумати комитетининг аъзоси, мухандис.

2. Ислом Султон уғли Шоахмедов (Шагиахмедов) - бош вазир ўринбосари, Бутунроссия Мусулмонлар Кенгаши марказий қумитасининг аъзоси, хукукшунос.

3. Мустафо Чўкаев - Туркистон Мусулмонлар Кенгаши

марказий кумитасининг раиси, хукукшунос.

4. Убайдулла Хўжаев - харбий вазир, Бугунроссия Мусулмонлар Кенгаши МҚ аъзоси, хукукшунос.

5. Юрали Агаев - ер ва сув бойликлари вазири, агроном.

6. Обиджон Махмудов - озик-овкат вазири, Кукон шахар думасининг раис уринбосари, жамоат арбоби.

7. Абдурахмон Уразаев - ички ишлар вазирининг

ўринбосари, хукукшунос.

8. Соломон Абрамович Герцфельд - молия вазири,

хукукшунос.

Шу ўринда муваккат хукумат таркибига нима учун 12 эмас, балки 8 киши кирди, деган савол туғилади. Чунки яна 4 киши - овруполик ахоли вакиллари ичидан номзоллар кўрсатилгач, кайд этилиши кўзда тутилди.

¹ «Улут Туркистон», 1917, 13 декабрь

Ўша кунларда муваққат **Хукумат** Кенгаши - Миллий мажлис хам сайланди. «Шўрои Уламо»нинг рахбари Шерали Лапин хам кенгаш таркибига раис сифатила киритилган эди, аммо унинг ўзи бу таклифни рад этади. Муваккат Кенгаш таркибига съезд томонидан куйилагилар сайланади: Убайдулла Хужаев, Тошпулатбек Норбутабеков Салриллинхон Шарифхужаев, Кўнгирхўжа Хожинов, Исматулла Убайдуллин, Саидносир Миржалилов, Саид Жазфарбой Сандов, Ислом Султон ўтли Шоахмелов, Аблурахмонбек Ўразаев. Хидоятбек Юрали Агаев, Носирхонтура Комолхонтураев, Миродил Мирзаахмедов, Тошь хужа Андурхужаев, Абдулкодир Кушбегиев, Обиджон Махмудов. Жамшидбой Корабсков, Соломон Абрамович Герифельд (Герцшвельд), Абдусамад Абдусалимов, Убайдулла Дорбисалин, Мусо Акчурин, Мустафо Мансуров, Махмудхужа Бехбудий. Иброхим Долшин, Мухаммаджон Тинишпаев, Халил Ширинский, Толибжон Мусабоев, Алихонтура Тураев, Собиржон Юсупов, Одилжон Умаров 1.

Съезд томонидан Туркистон мухторият деб эълон килиниб, давлат тузилмалари шакллана бошлади. Бу улкан ахамиятли вокеа «Улут Туркистон» газетасида, айникса, одилона бахоланади. Газета бу вокеани шархлар экан, шундай ёзади: «Большевиклар хукуматининг бошлиги Ленин хам сунгти фармонида Россияда яшаган миллатларда ва ціул жумладан, козоклар ила Туркистон мусулмонларига мухторият эълон килиниб, ўз ишларини кўлларига олурға мумкин булғанлиғини баён этди. Шунликдан бу күн Туркистон съездининг Туркистон Мухториятини эълон килиши хам халк, хам марказ хукуматининг тилагига хилоф тугулдир. Зотан, сунгти вактда майда миллатлар хаммаси мухторият эълон килиб сталар. Нуфуслари бошкаларга қарағанда юздан етмиш беш бўлғон (75 фоиз) миллатлар ерлик мухторият эълон килурга хакли эдилар. Сунгги коидаларга кура юздан олтмиш ташкил килган (60 фоиз) миллатларда мухторият эълон килувга хаклик санала бошладилар. Хол шу ила юзга ташкил килган (95 фонз) Туркистон мусулмонларининг Мухторият эълон кили-

¹ «Эл байроғи», 1917, 9 декабрь; «Улут Туркистон», 1917, 18 декабрь

шита хаклари борлитин хеч ким инкор кила олмаса керак. Би лан вакил чикарилган эди ва ёхуд биз бу ишни эртарок кур миз деб куришурда уринсиз, хам мусулмон манфаатига хилофдур Саккиз ойдан бери ерли Туркистоннинг чухторияти хакинда суйлаб келиб, келубда бугун мухторията карши чигалар ва ёхуд тасдик этмасдан монеъ булувга экан, бу иш мусулмонларнинг бутун орига ва ивмон ва эвтикодларига карши болга чонадиган суз булажакдур Мусумонлар букун мухторият эвлон килар экан, бунинг ила хеч кимнинг хукукига тегмаслар, бу билан Туркистон Русиядан асло айрилмай, балки унинг бир мустакил авзоси булиб колади. Туркистонда яшаган рус, яхудий, армани ва бошка хар миллатга узининг хаки берилар улар хам Туркистон Мухториятининг тенг хукукли бир авзоси булиб яшажаклар.

Умуммусулмон съездининг 27 ноярбда кабул этилган карори Тошкентда анча шов-шувларга сабаб бўлди. Жумладан, 1917 йилнинг 6 декабрида Жомеъ масжидида ўтказилган митинг шундан гувохлик беради. Унда жами 60 минг киши катнашган эди. «Улут Туркистон» газетасининг хабарига кура, «Масжиднинг ички сахни ва томлари одам билан лик тўлган». Митинг Саидгани Махмуд раислигида ўттан. Мунавваркори, Мулла Одил, Шерали Лапин ва бошкалар унинг ўринбосарлари эди. Газетанинг таъкидлашича, йигилганлар Мухториятни бир овоздан маъкулладилар ва бундан буён Туркистонда ана шу Муваккат хукуматдан бошка хеч кандай хукуматни тан олмасликка карор килди. Шундан кейин 60 минглик митинг «Омин, Оллоху акбар!» деб фотиха укиб, Халк кенгашига содик колишга касамёд эттан.

Мигингда сўзга чиккан кишилар Совет хокимияти туғрисида хам ўз фикрларини билдиринди. «Улут Туркистон»нинг ёзишича, Халк комиссарлари Советининг (ХКС) шахар Думасини таркатиб юбориш хакидаги буйруги «бугунги кунда мутлако мумкин бўлмаган ходиса», деб бахоланган Чунки, «300 минг киши номидан демократик йўл билан тўрт боскичли сайлов хакидаги конунга мувофик

<sup>•</sup> Улут Туркистон», 1917, 8 лекабрь

сайланган Тошкент Думаси аъзолари ўрнига 700-800 солдат ва ишчилар Александров паркида сайлаган 4-5 комиссар билан алмаштирилган, холос". 1

Айни пайтда, митингда сўзлаган нотиклар Туркистон Мухториятига карши чиккан ва мусулмон бойларида мавжуд булган мануфактурани мусодара килишни талаб килган мусулмон ишчилари ва уларнинг касаба уюшмасини танкид килдилар. Уларнинг фикрича, «мусулмон ишчиларининг рус большевиклари билан якинлашуви мусулмонларнинг манфаатига зиддир».

Митинг якунида бир овоздан ушбу карор кабул килинди: «Биз мусулмонлар синф ва даража айирмаларига карамасдан, Туркистон Мухториятини олкишлаган холда, Кукондаги фавкулодда съезд тарафидан эълон этилган Туркистонда халк хукумати вужудга келтирув хакидаги карорга бугун вужудумиз бирла кушилиб, ишонамизки, буюк Русия революцияси тарафидан эълон этилган хокимияти асосларининг суюнчи хакини Русиянинг бирлашган демократияси Туркистон халкининг тарафидан бир огиздан баён этилган тилагига кушилур, хам бирга истиклол йулида кадам босищда ва уз кунимизни узимиз кура бошлащда ёрдам этар.

Шунга иъмон этган холда, биз ўлкадаги хамма мусулмонларни Мухториятли Туркистон хукумати атрофида жипслашиб, хозирги ўлка идораси бошида бўлиб турган муваккат ташкилотлар билан кандай бўлмасин душманларча муомала килувдан сакланишга даъват киламиз.

Туркистон Мухторияти амалий суратда тезрок вужудга келиши учун тинч ва тотувликни саклашимиз керак.

Яшасун Мухториятли Туркистон!».2

Туркистон ўлкасининг турли шахар ва кишлокларида Мухториятни олкишлаб, куп минг кишилик намойишлар булиб ўтди.

1 декабрда Наманган уездида 100 мингта қадар киши иштирок этган намойиш бўлиб ўтди. Унда намойишчиларнинг байрокларига «Яшасун мухториятли Туркистон

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Уша жойда

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> «Улут Туркистон», 1917, 10 декабрь

ва унинг хукумати!» деб ёзилган сўзлари хилпираб турар

6 декабрда Жалолобод волостига қарашили Хонобод кишлогида хам Мухторият эълон этилиши муносабати билан намойиш ўгказилди. Бир неча мингдан ортик киши Фозилхон мозоридан то бозорга қадар йигилиб турди. Намойишда Абдулла эшон ва Хусейн Валидий сўзга чикиб. халкка Мухториятнинг ташкил этилиши, максадларини тушунтиришди.

7 декабрда Қуқон шахрининг 42 жамоат ташкилотлари номидан йигилган вакилларнинг кушма мажлиси булиб утди. Унда кабул килинган карорда куп миллионли Тур-

кистон халкига табриклар йўлланди.

Самаркандда булиб ўтган вилоят Совети съездила йнгилганлар Туркистон Мухториятига құлпилишга карор киллилар ва Халк Мажлиси таркибига 5 вакил сайладилар.

Каспийорти вилоятила хам съезд чакирилиб, унда Туркистон Мухториятига кушилиш тугрисида карор кабул

килинди.

Миллий матбуотда Туркистоннинг таникли маърифатчилари, сиёсий ва жамоат арбоблари ўз маколаларида мухториятни табрикладилар. Улар орасида Махмудхўжа Бехбудий, Мирмухсин Шермухаммад ўгли, Абдулхамил Чулпон, Ислом Шоахмедов, Мунавваркори ва бошкалар бор эди.

Жумладан, Абдурауф Фитрат «Мухторият» деб номланган маколасида ички туйгусини куйидаги сузларда ифодалайди: «Туркистон мухторияти ... Темур хоконининг чин болалари ёнида, туркистонли тубчак турклари орасинда, мундан угурли, мундан мукаддас, мундан суюнчли бир сўзни борлигига ишонмайман. Туркистон гуркнинг қонини кайнатувчи, иъмонини юксалттувчи бир кувват бор эса ельуз шу сўзда бордур: Туркистон Мухторияти!

Эллик йилдан бери эзилдик, тахкир этилдик, кулимиз богланди, тилимиз кесилди, огзимиз копонди, еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз юмурулди, но-

Уши манба 1917, 13 декабрь. I Tim worker

мусимиз ғасб килинди, хукукимизга тажовузлар булды, инсонлигимиз оёғлар остиға олинди - тузумли турдик, сабр этдик. Кучга таянган хар буйрутта буйсундик, битун борлигимизни қулдан бердик. Ёлгиз бир фикрни бермадик, яшунтурдик, иъмонларимизма авраб сақладик: Туркистон Мухгорияти!

Махкама эшикларидан йиғлаб қайтганда, ёруқсиз турмаларда ётганда, йиртгувчи жандарманинг тепгуси билан йикилғанда, юртларимиз ёндурулғанда, диндошларимиз осилғанда онгимиз йуколди, миямиз бузулди кузимиз ёруксиз қолди, бирор нарсани кўролмадик. Шул чоғда, тушгун рухимизни кўтармак учун шул копкоронгу дунёнинг узок бир еринда ойдин бир юлдуз ялкиллаб турар эди. Бирор нарсага ўтмаган кўзимиз шуни кўра эди. Ул нима эди? Туркистон Мухторияти!

Туркистон халқининг мухторият учун олиб борган курашида 1917 йил 13 декабрида бўлиб ўтган фожеали вокеалар катта ахамият касб эгади. Чунки бу кун Февраль инкилобилан сўнг Туркистон заминида биринчи марта халкнинг кони тўкилди.

Туркистон Мухториягининг Муваккат хукумати Мовлуди шариф байрами куни, яъни 13 декабрни «Туркистон Мухториятининг миллий жамгармасига пул йигиш куни» деб эълон килди хамда бу маблаг мустакиллик ва озодликни мустахкамлашга хизмат килишини билдирди.

Туркистон Мухторияти хукумати аъзолари имзо чеккан «Мурожаатнома» да съезд карорлари ва хукуматнинг
якин иш режалари хусусидаги маълумотлар билан бирга,
бугун Туркистон ахлига чакирик хам бор эди. Унда, жумладан, куйилагилар кайд этилди: «Туркистоннинг барча
фукаролари - мусулмонлар, руслар, яхудийлар, ишчилар,
аскарлар ва дехконлар, ўлкада яшаб турган барча элатлар
ва халклар, шахар ва земство бошкармалари, сиёсий,
ижтимоий ва касаба уюшмалари, барча давлат, жамоат ва
хусусий муассасалар Туркистон халк хокимияти атрофила
бирлашиб, унинг зиммасига юкланган вазифаларни хаётга
жорий этишда кўмак беришга чакиради. Кўз кўриб, кулок

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> «Хуррият», 1917, 5 декабрь...

зилггмаган даражада вахимали урушлар гулдураги остида бугун жахонга ут кетай деб турган бир махалда дуне халкдари уз озодликларига замин яратадилар. Инсон кони билан туйинган ер кукларга караб ох чекади ва хориган инсон кучсизланиб конли киличини куйи солади. Одамзоднинг аклеизлиги илохий онг олдида тан беради ва шундай кун акинлашадирки, бугун ер юзида тинчлик барқарор булиб. дунё халклари мавжуд куч ила бузилган хаётни кайта барпо этишга киришалилар... Мана энди, занжирлардан халос булган Туркистон ўз ерига ўзи хужайин булиб, тарихини ози яратажак вакт келди. Бизнинг олдимизга койилган масалаларнинг нихоятда масъулиятли ва улугворлигини англаган холда, ўз ишимизнинг хаклигига жуда чукур ишонган холда биз оллоху таолодан ўз мехнатларимизга ривож сўраймиз ва ишга киришамиз»<sup>1</sup>.

Худли Уша кунлари Тошсоветга Эски шахар ахолиси

номилан митинг ва намойиш учун ариза тушди.

Тошсовет карорига кўра, митині ва намойиш Тошкентнинг Эски шахар кисмида ўтказилиши маъкулланиб, Янги шахарда ўтказилишига рухсат берилмади. Туркистон большевикларининг нашрига айланган «Наша газета»нинг ахборотига кура, «Тошсовет бу билан мусулмон ахолисининг кенг оммаси рус аксилинкилобчи тудаларининг найрангларига учиб, кўр-курона равишда жабрдийда бўлиб қолмаслигининг олдини олган»<sup>2</sup>.

13 декабрь куни эрталаб соат бешла эхтимолдаги тартибсизликларни бартараф этиш максадида, харбий кисмлар Ўрда якинила Эски шахарга угиладиган йўлларни беркитли.

Шу куни эрта тонгдан Эски шахар байрам киёфасида эди. Хар тарафдан, куча ва торкучалардан Шайхонтохур масжиди томон гурух-гурух одамлар окиб кела бошлади. Соат 12ларда кўп минг кишилик йигин тўпланди Хукмрон партияларнинг рахбарлари ва Халк Комиссарлари Совети (Совнарком) аъзолари митингга қушилдиз.

УзФА тарих музейн архиви.

з наша газета. 1917, 15 декабрь улут Туркистон», 1917, 13 лекабрь

Шахарнинг руслар яшайдиган қисми хам гавжум эли Эрта тонгдан бу ердан хам жуда катта гурух «Туркистон ўлкасига мухторият!» шиори ёзилган байрок билан кела бошлади. Бу, шахардаги рус жамоатчилиги вакиплари эди Улар Шайхонтохур масжиди томон юриб мусулмонларни табрикламокчи эди. Харбийлар уларни утказиб юборади Соат 9 дан 30 дакика утганда Урда кўприги олдила яна бир тўда пайдо бўлади. Уларнинг сони 2-3 минг кишига етарди. Харбийлар кон тўкилмаслиги учун буларни хам утказиб юборади. Улар хам Шайхонтохур масжиди олдидаги митинг сафига қўшилади.

Намойишта мусулмонлардан ташкари руслар, яхудийлар, арманлар, шунингдек, большевиклардан бошка турли ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг вакиллари хам чикишди. Намойишчилар Шайхонтохур масжиди олдида йигилди. Тўпланганларнинг бошлари узра 100 га якин кизилмовий ва яшил байроклар хилпирарди. Митингни Мунавваркори очди. У йигилганларни муборак кун билан табриклади. Бу ерга йигилган муллалар Куръондаи суралар укишди. Митингда турли ташкилот ва уюшмалар вакиллари нутк сўзлади. Улар маърузаларида ўзларини халк комиссарлари деб атаган большевикларнинг хатги-харакатларидан норозиликларини билдиришди»<sup>1</sup>.

Шу пайтда тупланганлар орасидан галамислар чикиб, нуткларида йигилганларни камокхонага бориб, собик Вактли хукумат комиссари Г.И.Доррер ва хибсдаги бошка кишиларни озод килиш, сунгра хокимиятни кулга олишга чакира бошлади. Ана шу чакириклардан таъсирланган бир гурух митинг катнашчилари умумий оммадан ажралиб чикиб, Урда купригидан утиб, Москва кучаси буйлаб

Янги шахар томон йул олинди.

Харбийлар тукнашув юз бермаслиги учун намойишчиларни утказиб юборишга мажбур булишди. Бирок, Янги шахарга ўттач, намойиш тинч юриш холатини тезда йўкота бошлади. Намойишчилар орасидан бир гурух зобит ва амалдорлар шахар сокчилари бошлиги Гудовични гаров учун кулга олишди. Шундан кейин одамлар тўдаси камок-

Уша манба 1917, 16 декабрь.

хона гомон юрди, Доррер ва Ивановлар озод этилди. Улар холо обилга ўтказилиб, намойишчилар кузатувида Кауфман боғига (хозирги Амир Темур хиёбони) йул олишди. Аскарлар Доррер ўтирган машинани тўтхатмокчи бўлганила оломон ичидан ук отила бошлади. Кейинчалик аскардар озларини тугиб туролмай, аввал милгиклардан сунгра пулемётдан ўт очишган. Эски шахарлик 16 киппи ана шу тукнашув курбони булган, Доррер ва Иванов большевиклар томонидан ушланиб, отиб ташланган. Мухторият рахбарлари бу вокеалар юзасидан махсус мурожаат билан чикишди. Унда куйидагилар гаъкидланади: «Биз Халк Кенгаши ва Туркистон Мухторияги Муваккат хукуматининг аъзолари чин юракдан таассуф билдирамиз ва туркистонлик мусулмонларнинг эзгу хис туйгуларини хакоратловчи бу вокеаларга карши чикамиз. Ана шу муносабат билан, бизлар мамлакатда тартиб ва осойишталик урнатилиши учун зарурий чоралар курилиши йулида барча кучларимизни ишга соламиз. Хозирча эса Туркистон халкидан собитлик ва хотиржамлик курсатишларини сўраймиз. Бу энг оғир кунларда мусулмонларнинг тинчликни саклаб колициари нихоятда зарурдир»1.

Булиб ўтган вокеалардан сунг, уша захотиёк, Петроградга - Халк Комиссарлари Советига улка Халк Комиссарлари Совети райси лавозимини эгаллаб гурган Федор Колесовдан куйидаги мазмунда телеграмма юборилади: «Куконда реакцион буржуазия томонидан тайёрланган мусулмонлар съезди Туркистон Мухториятини эълон килди, энди вужудга келган Мухгорият хукумати Туркистон пролетар оммаси томонидан тан олингани холда, бор кучи билан ўлканинг айрим шахарларида мухториятни эълон килишга тайёрланмокда. Шу йил 13 декабрда - Мухаммад пайгамбар тугилган кунда Тошкентда Мухторият эълон килинди». Марказдан «Жойларда хокимият сиз ўзингизсиз, демак сиз ўзингиз буйрукларни ишлаб чикинг».

деган мазмунда жавоб келади.

Фгаша газета ран 13 декабрь вокеалари шархига оид

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Уша манба 1917, 20 декабрь

берилган маколада, жумладан шундай дейилади: «Кора кучлар айтишича, биз мухториятга карши эмасмиз, биз факат когозда мухторият тарафдори-ю, уни хаётта жорий этишга карши эканмиз. Ахир, биз бир неча бор укувчиларимиз эътиборига, асосан, мусулмон ахолита... бизлар принцип жихатидан мухторият тарафдорларимиз, шу боис эзилган ва хўрланган мусулмон ахолининг нафакат озод бўлишлари, балки мусулмон ахолининг тезлан фикрлари очилмоги ва миллий иштиёкларининг амалга ошишига чин дилдан харакат киламиз». Ана шу муносабат билан «Халк Комиссарлари Совети махсус карор кабул килди ва уни Ижроия кўмитаси тасдиклади. Бу хужжатта асосан, Туркистон Таъсис съезди чакирилади. Факат унинг ўзигина Туркистон ўлкаси Мухториятини эълон килишта хукуклидир»<sup>1</sup>.

Шуни хам таъкидлаш керакки, Мухториятта булган муносабат хилма-хиллигича қолаёттан эди. Агар Туркистон эсерлари 1918 йилнинг 8-10 январида бўлиб ўтган иккинчи съездларида Туркистон Мухториятининг Муваккат хукуматини куллаб-кувватлабгина колмай, балки Халк мажлисига ўз вакили Скомороховни юборишга карор килган булсалар, Тошкентдаги Жомеъ масжидила булиб ўттан митингда махаллий уламочилар Муваккат Мухтор хукуматни танкид килиб, «улар шу вактгача бизнинг манфаатимиз учун хеч нарса килолгани йук», дея уни куллашдан бош тортади. Бу хабар эса, «Улуг Туркистон» рўзномаси мухбирининг ёзишича, мусулмонлар орасида кенг таркалиб, фикрларнинг булинишига олиб келган. Баъзилар жуда хайрон булишарди: «Бу канакаси?! Аввалита «Уламо» бизни Мухторият учун қасамёд қилдирди, энди эса қарши бўлишга чақираяптими?» Зеро шу митингда, бундан буён Тошкентда алохида ўзига хос мухторият эълон килиниб, унинг номидан иш курилишига карор килинали<sup>2</sup>.

«Фукахо» (ислом хукукшунослиги) жамияти эса, 8 январь куни ўзининг махсус мажлисида уламочиларнинг

<sup>«</sup>Наша газста», 1917, 15 декабрь

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> «Улут Туркистон», 1918, 10 январь.

бу хатти-харакатини «аклга сиғмайдиган ва шариатта зид

пит деб эълон этади1.

Тошкент уламочиларининг Туркистон Мухториятини тан олмасдан, ўзларига бошка бир «Тошкент уламоси хум урияти» деб номланган мухториятни ташкил килишга уринганларидан хабардор булган Фарғона уламолари выгилишиб, бу вокеани мухокама килишади. Сўнгра, Тошкент «Шўрои Уламо»сига мурожаат этиб, уни умумтуркистон иттифокидан айрилмасликка чакиришади. Бу мурожаатномани Тошкентга машхур уламочи куконлик Мулло Камол Қози билан Маргилонлик домулло Қосимхон кози етказишади. Мурожаатномада, жумладан, шундай дейилади: «Рус золимларидан халос бўлмак учун Туркистон ахли ва унинг вакиллари Мухторият эълон килдилар Шундай мухим ва масъулиятли вазиятла биз ихтилоф холатида бўлишимиз яхши эмасдур. Муборак Ватанимизни ва динимизни саломатлиги иггифок ва изтиходладир»<sup>2</sup>.

Фарғона уламолари «Хадис»дан мусулмон уммати бирлиги тўгрисида айтилган сўзларни мисол келтириб, тошкентликларни Куконда ташкил топган Мухториятдан айрилмасликка, аксинча, игтифок ва бирликка чакир-

DUID.

Туркистон Мухториятига муносабат тутрисидаги масала 25 декабрь күни Құқонда ўз ишини бошлаган мусулмон ишчи, аскар ва дехкон депутатларининг I фавкулодда

съездининг диккат марказида турди.

«Улут Туркистон» газетаси хабарига кура: «Большевойлар бунга қадар Қуқонда булғон 4 - фавкулодда мусулмон съездини бойлар ила муллалар (буржуйлар) съезди деб карадилар ва шул бахона ила идорани Мухторият хукуматига бермийлар эди Энди бу бахонага жой колмогон бўлса керак. Чунки хозир Туркистон Мухторияти рабочий. лехкон ва улар тарафидан буюк бир миклорда вакиллар сапланиб, мухторият идораси тамомила демократия асосина куйилди. Бундан сунг большевойлар кандай бир

Уша манба, 1918, 11 январь 2 Упса манба, 1918, 26 январь

Уша манба, 1918, 4 январь

бахона топиб Мухториятта карши туралар экан?

Бир неча кунлик бахслардан сўнг, съезд 1917 ноябрь ойида Умуммусулмон съездида тузилган Туркистон Мухторияти Вактли хукуматини куллаб-кувватлашта унинг таркибига Мусулмон ишчи, аскар ва дехкон депугатлар съезди вакилларини киритишта карор килли

Шуни хам таъкидлаш керакки, ўша кунларда съездла В.И.Ленин хузурига махсус вакиллар юбориш масаласи хам мухокама этилди. Зотан, совет хокимиятнинг рахбари шахсан ўзи туркистонликларга мухторият кандай булишини тушунтириб бериши умид килинди. Бирок съезд. сўніти карорига кура, Петроградга Халк Комиссарлари

Советига телеграмма йўллайдиган бўлли.

1917 йилнинг 27 декабрь куни юборилган телеграммала шундай лейилади: «Халк Комиссардари Совети эълон килган шиорлар Туркистонда жорий этилмокда. Бутун Туркистон халки иккала съездда Туркистон Мухториятини бир овоздан эълон килди ва Туркистон Таъсис мажлисига ўлкани бошкаришнинг сўнгти шаклини ишлаб чикиш таклиф этилди. Барча шахарлар ва кинилокларнинг турли ташкилотлари намойишлар ва карорларила Мухториятнинг эълон килинишини куллаб-кувватлаяптилар. Сайланган Халк Советида руслар ва овруполиклар шахар ва кишлоклар ахолисининг 2 фоизини ташкил этса-да, биз томонимиздан 33 фоиз ўрин ажратилган, халкларнинг урушига чек күйилиши, аннексия ва контрибуциясиз сулх тузилиштига бир овоздан күшиламиз.

Мусулмон пролетариатининг фавкулодда съезди Халк Комиссарлари Совети томонидан Туркистон Мухториятининг мустахкамланиши учун хакикий чоралар курилади, шу билан халкларнинг ўз хукукларини ўзлари белгилаш тўгрисидаги шиорнинг катъийлиги ва бунга чин диллан интилаёттанлигини намойиш этади, деб ишонади. Туркистон мусулмон ишчи, аскар ва дехкон депутатларининг І фавкулодда съездида кабул этилган карор хакида маълумот бериб, сизлардан Россия Демократик Республикасининг олий хокимияти сифатида Тошкент Халк Комиссарлари Советига хокимиятни Туркистон Муваккат хукуматига тогшириш тўтрисила фармойиш беришингизни

сураймиз. Бу билан сиз Туркистонни жуда катта фалокатта олиб келувчи анархия ва куш хокимиятчиликдан кугкарган булурдингиз»<sup>1</sup>.

Мухгориятчиларнинг эътироф хакидаги талабларини Бугунроссия мусулмонлари Миллий Шўроси кўллаб-

кувватлади.

Совет хукуматида миллатлар ишпари буйича комиссар булган И.В.Сталин, 1918 йил 5 январда бу талаб хатига Кукондаги Туркистон хукуматига берган жавобида: «Тошкентдаги Совет комиссариятини йук этиш хакида Петроградга мурожаат килишнинг эхгиёжи йук, агар комиссариатни истамасангиз, уни куч билан йўкота биласиз»,деб ёзди. Сталин Туркистон Мухториятининг кулида куч йуклигини яхши биларди. Тошкентдаги Совет хукумати эса Туркистон Мухторияти хукумагини ўзи учун хавфли леб билди ва кандай булмасин уни йукотишга тайёргарликни бошлади.

Тошкентдаги Совет хокимияти вакиллари Кукондаги вокеаларни диккат билан кузагибгина колмай, балки унинг ривожига ўз таъсирини угказишга урина бошлади. Жумпадан, Совет комиссари большевик П.Г.Полторацкий шу съездда сўзга чикиб, Туркистон ўлкаси Советларининг келгуси съезди хакида маълумот берар экан, унда Туркистон Мухторияти масаласи курилишини маълум килади хамда ўз фикрини шундан давом этгиради: «биз камбағалларнинг мухториятига қарши эмасмиз, аммо биз бойларнинг мухториятига қаршимиз. Биз мухторият учун курашар эканмиз, буржуазия қўлидаги хокимиятни ўзимиз учун тортиб олганимиз йук, биз ишчи синфи ва камбагаллар учун тортиб олдик. Биз хокимиятни рус буржуазияси қулидан мусулмон буржуазияси қулига топшириш учун тортиб олганимиз йўк. Хокимиятни биз ишчи ва солдат депугатлари Совети учун олдик. Биз мусулмон мехнаткашларини ўз тарафимизга қўшилишлари учун ишлаб келдик ва ишлайверамиз»<sup>2</sup>.

П.Г.Полторацкий нуткидан сўнг, съезд томонидан мах-

<sup>«</sup>Ингистар дунёск», 1918, №2, 22-23-бетопр.

История гражданской войны в Узбекистине Т 1. с. 126-127.

сус карор кабул қилинди. Унда шулар таъкидланди: 27 ноябрда бўлиб ўтган Умуммусулмон съездида Туркистоннинг Мухторият деб эълон килиниши муносабати билан ўлкада вужудга келган вазиятни мухокама килиб ўлка съезди шуни баён киладики, бу съезд буржуазия съезли бўлди деган гапларни баъзи гурухлар томонидан таркалиши хакикатта тўтри келмайди, зеро, 27 ноябрдаги Умуммусулмонлар съезди бўлиб, унда бутун ахоли вакиллари катнашди.

Мазкур съезд, мавжуд Кенгашга ва Туркистон Мухторияти хукуматига тўла ишончдадир, унинг таркиби - ишчи ва дехконлар манфаати учун хизмат килувчи тараккийпарвар зиёлиларимиз хамда диний тарбиячиларимиз - Куръони шарифни ургатувчи инкилобий домлаларимиздан иборат». «Ички ишларга» аралашишларни номакбул деб билган съезд «рус демократларини» «Шарк халкларига мурожаатнома»даги шиорларни амалда курсатиш ва унга риоя этишга чакиради»<sup>1</sup>.

Шу ўринда, яна бир мухим масалага тўхталиб угиш керак Бу ўлка Совет халк комиссариятининг Туркистон Мухториятига муносабати, Улканинг совет органлари мухтор муваккат хукуматини тан олмасликларини биринчи кунлардан бошлабок маълум килдилар ва бу хукуматга аксилинкилобий, миллатчи, буржуа хукумати дея бахо беришди. Ўша кунларда «Наша газета» мусулмонларнинг кўп минг кишилик митинги тугрисида хабар бериб, кабул килинган карорда «йигилганлар каллоб Муваккат хукуматни тан олмайдилар, дея эълон килганлар» хусусида тухмат сўзларни ёзади. Бу газета Мухториятга карши чиккан мусулмон ишчилари айрим вакилларининг хатларини чоп этишни уюшгиради ва уларни барча мусулмон мехнаткашларининг фикри, дея даъво килади.

Вазият мухториятчилар фойдасига ўзгараётганини сезган большевиклар Мухториятнинг, шунингдек, уни кўллаб-кувватлаган кишиларнинг шахсий хисобларидаги барча маблагни мусодара килиш тўгрисида карор чикарди. 29 декабрда эса бугун ўлка бўйлаб камал холати эълон

<sup>&#</sup>x27; «Ишчилар дунёси», 1918, № 1.

килинди Тошкент Совети ва бошка жойлардан Кукон Советига тинимсиз равишда харбий мадад юборила бошлади Мухториятчилар билан большевиклар ўртасидаги кураш тобора кескин ва муттасил тус ола бошлади

Тошсовет мухтор хукуматни яккалаб, унинг имкошитларини чеклаб куйишга каратилган бир нечта тадбир прни амалга оширади, шу жумладан, Тошкент шахар пумасини таркатиб юборади, «Туркестанский вестник» претасини ёпади ва хоказо. Бу хатги-харакатлар эса, уз навбатида, уларнинг бир-бирига мухолифлигини янада

кучайтирди.

Иккала хокимият ўртасидаги муносабатлар жиддийдашиб бориб, зиддиятли шаклга кира бошлади. Жумладан, туркистонлик большевикларни рахбарларидан бири И О. Тоболин 1918 йилнинг 19-26 январида булиб утган Туркистон ўлкаси Советларининг IV улка съездидаги нуткида шундай дейди: «Биз нафакат Россия хакида, балки мехнаткашлар тўгрисида, пролетариат синфи тугрисида кайғураялмиз, агар халқ хохиш-иродаси бу ўлканинг Россиядан ажралиб чикишини референдум оркали хал этишни истаса, унинг ажралиб чикиш хукукини саклаб қоламиз». У мухториятга очикдан-очик қарши чикади: «Бирок мухториятни хозир, зудлик билан амалга ошириш тугрисида гап хам булиши мумкин эмас. Зеро, мухториятнинг энг биринчи шартига кура, бу улкада харбий қушинлар олиб чикиб кетилиши керак. Агар биз мухторият тушунчасидан келиб чикадиган ана шу асосий холатни амалга оширсак, унда инкилоб бикинига зарба берган булур эдик, улкада эса аксилинкилобчилар хокимияти карор топар эди. Шунинг учун «Мамлакатнинг уруш холатида эканлигини назарга олган холда, бизлар мухгорият холатидаги ва хатто мустакил давлатни ташкил этиш учун тайёргарлик ишларини бошлаб юборамиз».

Охирида Тоболин Советларнинг IV улка съезди большевиклар фракцияси номидан карорнинг куйидаги матнини таклиф килди: «Инкилобчи социал-демократлар парпролетариат мухториятини ташкил этиш учун харакилади», шу боис «депутатларнинг касаба Совет (соприга жалб этиб, мусулмон пролетариатининг синфий гунта қадар содир бўлаётган вокеа тўтрисида Тошкентта хабар бериш ва харбий ёрдам сурашга улгурган эди 13 февраль кечаси соат учда Фаргонадан тўртта замбарак ва туртта пулемёт билан куролланган 120 (айрим маълумотларга қараганда 146) кишилик харбий кисм етиб келди Шу туннинг ўзидаёк, инкилобий кумита Мухторият хукуматига талабнома йўллаб, кундузій соат учга кадар куроляронни топшириш, ваколатларидан воз кечиб, Совет хукуматини тан олиш шартини куйди. Мухторият хукумати аъзолари большевиклар талабини жавобсиз колдирдилар. Шундан кейин инкилобий кумита Мухторият хукумати аъзоларини хибсга олиш тугрисида карор чикарди.

18 февралда «Уламо» жамияти ташаббуси билан Мухториятда тўнтариш юз берди. Мустафо Чўкай ўгли бошчилигидаги хукумат махкамаси агдарилиб, Эргаш

курбоши Кукон хони деб эълон килинди.

18 февралдан 19 февралга утар кечаси Тошкентдан ўлка харбий комиссари Е.Л.Перфильев бошчилигидаги замбараклар билан куролланган кушин етиб келди. Перфильев шахарни уч тарафдан ўраб олиб, 19 февраль куни эрталаб соат ўндан ўн беш дакика утганда Эргашга талабнома йуллади. Эргаш унинг талабларини бажаришдан бош тортгач, Перфильев Куконни 12 замбаракдан ўкка тугди. Кундуз соат бирда бошланган ўк ёмғири шомгача шахарни вайрон этиб ташлади. Аммо шунга қарамай, мухториятчилар гаслим бўлмай, хар бир бинони, хар бир дўконни, хар бир карвонсаройни мардларча химоя қиладилар.

Қизил гвардиячилар, австро-венгер ҳарбий асирлари ва арман бирлашмалари (дашноқлар)дан ташкил этилган

харбий кисмлар Кукон томон юборилди.

Тинч йул билан хокимиятни олишга ишонган Туркистон мухгорияти ўзини химоя килишга етарли тайёр эмас эди. Шунга карамай, мухгориятчилар совет кушинлари хужумини уч кун кайтарди. Улар кулларига тушган нарса билан куролланган эди. Кулларида таёк, болта, кетмон, ошпичок тутган эдилар.

«Туркистон - туркистонликлар учун» шиори билан чиккан мухториятчилар мукаддас уруш - ғазавот эълон килишди ва вилоятлардан ёрдам кугишди. Бирок, афсуски,

мухториятчилар бошқа жойлардан етарли ҳарбий ёрдам олишмади.

Вахимага туштан ахоли шахарни ташлаб кета бошлади «Куконда дахшатли манзара хосил булганди. Эски шарнинг учдан бири тулик вайрон этилди. Хамма ёкда оликлар. Уларнинг бир кисми куйиб кетган. «Баъзи маълумотларга кура, шахар портловчи моддалар билан бу-

тунлай бузиб юборилган».

Кадимги маданий ва бой савдо шахри булган Қукон таг-туги билан вайрон қилинди ва куп йиллар шу холда колди. Кукондаги Мухторият хукумати тор-мор этилди, бирок бу ёнгин, бу оловлар қаъридан халқ қахр-газаби боскинчиларга нафрати, кўнгилга тугилган ўчи сифатида тарих илмида «босмачилик» деб аталган харакат Қақнус куш каби ёриб чикди... Хар бир ходисанинг сабаб ва натижаси бўлганидек, бу конли вокеа хам ўзининг кейинги охибатларига эга булди.

Шундай килиб, махаллий ахолининг асосий галаби - миллий давлатчиликни барпо этиш эди. Туркистонликлар яна уз такдирларининг эгаси булмок учун демократик асосдаги мустакил давлатларини тиклаш буйича илк

амалий қадам қўйиншга уриндилар.

Бирок... 1918 йил февралида большевиклар карори билан икки ярим ойлик фаолиятидан сўнг «параллел мусулмон хукумати» сифатида тугатилди. Совет тузуми бу вахшийликни куркитиш учун амалга оширди: Туркистонда хеч ким ва хеч качон ўзбошимчалик билан мухторият барно этмасин.

Туркистон Мухторияти миллатларнинг ўз такдирини ўзи белгилаш масаласини демократик йўл билан хал этишга бел боглаган халк иродаси ва илгор зиёлиларнинг кўтаринки хатти-харакатлари заминида вужудга келди. Табиийки, зўравонлик, шовинизм билан куролланган янги мустабид большевиклар миллий мустакилликка ингилишнинг хар кандай кўринишига тиш-тирноги билан карши эдилар. Синовдан ўтган эски усул - халкни алдаш, шафкатсиз кириш, талаш усули бу гал хам ишга солинди в эзгу ниятлар, катта максадлар билан юзага келган хаётбахш гоялар куртаклигилаёк эзиб ташланди.

### Жадидлар - истиклолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари

Жадидлар билан Туркистондаги истиклолчилик харакати ўртасида хеч кандай алока бўлмаган, деган фикрлар хатго хозир хам тез-тез айтилмокда. Тўгри, Туркистон Мухгорияти хукумати тор-мор этилганидан кейин унинг тирик қолған ва большевиклар қулига тушмай қолған аьзолари бу харакатни ташкил килиш ва уюштиришла дастлаб катнаша олмадилар. Лекин олиб борилган талкикотлар шуни кўрсатмокдаки, жадидлар нафакат ушбу харакатда ишгирок килдилар, балки истиклолчилик харакатининг гоявий мафкурачилари сифатида тарих сахнасига чикдилар. Мазкур маколада биз жадидлар билан истиклолчилик харакати ўртасидаги ўзаро алокадорликни, жадид мунавварларининг юрт озодлиги ва Ватан мустакиллиги йўлида совет режими ва кизил армияга карши олиб борган хаёт-мамот курашларини бахоли кудрат курсатишга харакат киллик.

Маълумки, 1918 йил февралда Кукон шахрида фаолият курсатаёттан Туркистон мухторияти хукумати большевиклар томонидан тор-мор килинган эди. «Туркистоннинг энг тарихий ва буюк савдо шахри», асосан, шоирлар, хунарманд ва савдогарлар юрти хамда собик хонлик пойтахти булган Хуканди латифда куйиб кул булган харобаларнинг мунғайиб туриши, ўн мингта якин кишининг уч кун давомида ўлдирилиши, боз устига яна ўн минглаб одамларнинг бошпанасиз, озик-овкат ва кийимкечаксиз колиши, тинч ахоли устига ўша 1918 йил февралида ёндирувчи снарядларнинг отилиши - коммунистлар партияси томонидан собик Россия империясининг чекка улкаларида ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг амалга оширилиши, кизил империянинг дастлабки хуружи эди

Туркистон мухторияти хукуматининг раиси Мустафо Чўкай ўтли ўз хотираларида ёзганидек, хукумат аьзоларидан «Носирхон Тўра Наманганда, Герцфельд Самармандла, Убайдуллахўжа Ашхобод-Самарканд йўлида, Обиджон Бухорода, Шоахмадбек эса Қўкон кўргони ичиа экан, большевиклар кўлига тушиб колган эдилар»<sup>1</sup>. 
Харбий ишлар вазири Маъди Чанишев 1918 йил февралнинг охирида Скобелев (хозирги Фаргона) шахрида кизил 
аскарлар томонидан отиб ташланди,<sup>2</sup> хукумат раиси Мустафо Чўкаевнинг ўзи аввал Фаргонадан Оренбург оркали 
Боку ва Тифлисга, сўнгра эса Туркияга жўнаб кетишга 
мажбур бўлган эди. Бу орада Туркистон ўлкаси ХКС Туркистон мухториятининг бутун рахбарларини конундан 
ташкари, деб эълон килди ва уларга тегишли мол-мулк 
мусодара килинди.

Лекин орадан кўп ўтмай, Туркистон мухторияти хукуматининг халк маорифи вазири, Намангандаги «Шўрои Исломия» ташкилотининг рахбари Носирхон Тўра Камолхонтўраев, хукумат хазиначиси Саидносир Миржалилов, Туркистон Миллат Мажлиси аъзоларидан Олимхон Тўра Шокирхонтўраев, Обиджон Умаров ва Тошкент муфтиси Садридлин Шарифхўжаев кабилар истиклолчилар билан алока урнатишди. Улар Фаргона водийсилаги ахоли орасида ва кўрбошилардан Шермухаммалбек, Рахмонкул, Парпи йигитлари ичида бўлиб, мужохилларни совет хокимиятига карши курашга сафарбар килишда мухим роль ўйнай-

Фартона водийсидаги истиклолчилик харакатининг гоявий рахнамоларидан бири Носирхон Тўра Саид Камолхон Тўра ўтли эди. Носирхон Тўра (1871-1938) Наманган шахрида мударрис оиласида тутилади. У отасининг мадрасаси ва Бухоро шахрида тахсил олади. Носирхон Тура Наманганда бош мударрис бўлгач, бугун Фартона водийсила унинг шухрати таркалади.

Туркиялик тадкикотчи М.Х.Эрктуркнинг ёзишича, Носирхон Тўра чет мамлакатларга бориб, Багдод, Дехли, Хижоз ва Кобул шахарларида хам тахсил курди ва улардаги

Мустафо Чукай ўғли. Истиклол жалподлари (1917 йнл котыралари). Тошкент, 1992, 49-бет

Каранг: Война в песках Материалы по истории гражданской войне к XII тому М, 1935, с 201.

Бу хакда каранг: Фаргона ВДА, 435-фонд, 1-рўйхаг, 201-мім, 2-варак

хаёт жараёнларини, ислом асосларини янада чукуррок ўрганиб, 1912 йилда Туркистонга кайтди. Чет мамлакатларда яшаган вактида мамлакатнинг тараккиёти учун унда туганмас кизикишлар бошланди. Айникса, унга Кохира ва Техрондаги ижтимоий-сиёсий хаёт, Хижоздаги тараккийпарвар окимлар кўпрок таъсир этган эди. Шунингдек, у Туркиядаги ёш турклар харакатини якиндан кузатиб борган эди.

Носирхон Тура - Намангандаги «Шурои Исломия» ташкилотининг рахбари эди. У 1917 йил Наманган шахар Думасига сайланди. Фарғонадаги жадидчилик харакатининг бошликларидан бири Ашурали Зохирийнинг маълумот беришича, агар Носирхон Тура Туркистон мусулмонларининг фавкулодда IV курултойини чакириш устида жон куйдирмаганда эди, балким бу курултой чакирилмай қолиши мумкин эди. Носирхон Тура мухторият хукуматининг маориф вазири сифатида мамлакатда маориф ва маданий-оқартирув ишларига асос солди хамда бу йулда миллий зиёлиларнинг фаоллигини кучайтира бошлади. Афсуски, унинг харакати купга чузилмади.

Мухторият большевиклар томонидан конга белангач, бир йил давомида яширин хаёт кечирди. У махфий равишда Омон Пахлавон, Мухитдинбек, Жонибек кози ва Рахмонкул кўрбоши каби миллий мужодала кўмондонларига маслахатлар берар ва уларнинг харакатларини марказлаштириш ташвишида бўлар эди. Носирхон Тўра тез орада Фаргона водийсидаги исгиклолчилик харакатининг гоявий рахнамоларидан бири сифатида мужохидлар ўртасида танилди. ОГПУ маълумотида ёзилишича, Носирхон Тўра «Миллий итгиход» ташкилотининг Наманган филиалига аъзо булиб, бу ташкилотнинг ячейкасини Косонсой шахрида ташкил килади. Шермухаммадбек Носирхон Тўрани узига пир деб эълон килган ва ушбу марказдан доимо Фаргонадаги совет кўшинларининг ахволи тўгрисида маълумотлар олиб турган.

Лекин Носирхон Туранинг бу фаолияти факат 1919

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Эрктурк М.Х. Сайнд Носирхон Тўра // Турон тарихм. Илмий тўплам. №3.Т., 1994, 21-6.

нил охиригача давом этади. Большевиклар уни камокка одадилар ва у 1924 йилда камокдан кайтиб келади. Орадан куп утмай, Носирхон Тура Советларга карши фаолияти учун яна камокка олинади ва Туркистондан бадарға килинади. У Орентбургда сургунликда беш йил яшайди на узининг курган-билганларини «Оренбург мактублари» эслалигида баён килади. Носирхон Тура 1929 йил бошила сургундан кайтиб, Ўзбекистон, Киргизистон, Қозоғистоннинг куплаб шахарларида булади. Боймирза Хайитнинг ёзишича, 1929 йилнинг охирида қайтадан истиклолчилик гурухларини тузишга урингани ва мавжуд тузумга карши курашгани учун совет хокимияти томонидан хибсга олинли Носирхон Тўра 1938 йил 3 сентябрда камокда жон берди. Миллат фидойиси, Туркистон озодлиги ва мустакиллиги учун толмас курашчи, жалил мунаввари ва муборизи - Носирхон Тура Ўзбекистон Республикаси давлат мустакиллигига эришишидан роппа-роса 53 йил олдин тоталитар тузум курбони бўлган эди.

Носирхон Тура фаолиятига бахо бериб, хориждаги ватандошимиз Шахобиллин Яссавий куйидагиларни ёзган эди: «Мужохил олим ва нуфузли бир кумондон, Кукон

мухторият давлатининг узвларидан эди».1

Туркистон Миллат Мажлисининг бошка бир аъзоси, муфтий Садриддин афанди хам Фаргона водийсидаги курбошилар ўртасида жуда катта гоявий ташвикот ишларини олиб борди. Унинг тулик исм-шарифи Садриддин Махсум Шарифхўжа кози ўгли, асли тошкентлик ўзбеклардан, у Туркистон Миллий Бирлиги уюшмасининг Тошкент Комитети райси хисобланган. Уюшманинг карорига кура, Фаргона кўрбошилари орасига юборилган Садриддинхон Махсум Ашт туманидаги Рахмонкул гурухининг сиёсий рахнамоси сифатида истиклолчилар ўртасида мустакилликка ишонч рухини кутаради, кўрбошиларни Туркистондаги мавжуд ахвол билан таништиради. Мусулмонларни «кофирларга карши мукалдас жиходга чорла-

Фаргона ВДА, 435-фонд, 1-руйхаг, 209-иш, 2-варакнинг оркаси

Шахобиддин Яссавий Туркистон аччик хакика глари ( араб имлосила госк тилида) Истанбул. 1984.

ган» Садриддинхон, кейинчалик Афтонистонга мухожир бўлиб жунаб кетади. Мухожирликда Афтонистон садраьзами Сардор Мухаммад Хошим амрига кўра, у Қандахорга сургун килинган ва СССРнинг буйрутига кўра, махаллий ноиб Махмуд Ой Корали буйрути билан 30-йилларнинг ўртасида катл килинган.

Туркистон республикаси ва Бухоро халк жумхуриятидағи жадидларнинг бир кисми бу пайтда совет ташкилотларида фаолият курсатишса-да, миллий мустақиллик туғ-

рисидаги ўз гояларидан воз кечишмаган эди.

«Тошкент жадидларининг отаси» хисобланган Мунавваркори Абдурашидхон ўтли кейинчалик ўзининг хотираларида ёзишича, 1917 йил августнинг охирида, унинг уйида Туркиядан келган Усмонбек ва Хайдар Афанди иштирокида «Иттиходи тараккийпарвар» (кейинчалик «Итгиходи тараккий») ташкилоти тузилади. Тошкентдаги Осипов исёнидан (1919 йил январь) кейин ушбу ташкилот гаркагилиб, унинг аъзолари «Бирлик» уюшмасини ташкил килишади. Туркиядан келган Мустафо Субхий бошчилигидаги бу жамият 2-3 йил яшайди, холос. Бирок, ушбу киска фурсатда ушбу жамият аъзолари Фарғона мужохиллари билан махфий равишда алока боғлашта харакат килишган. Баъзи маълумогларга қараганда, Мунаввар Қори, Миёнбузрук Солихов, Ашурали Зохирий Фарғонада бўлиб, қўрбошиларнинг қурултойида қатнашишади.

Фаргона водийсидаги истиклолчилик харакатини гоявий жихатдан бирлаштиришда машхур киргиз ватанпарвари, Туркистон МИКнинг собик аъзоси, асли еттисувлик Т.Рискуловнинг хамюрти ва маслакдоши бўлган

Туракул Жонузоков мухим роль ўйнади.

Бокуда, 1920 йил 1-8 сентябрда бўлиб ўтган Шарк халклари курултойининг иштирокчиси Т. Жонузоков ушбу анжумандан сўнг, туркистонлик 40 га мусулмон делегатларининг ўзаро кенгашида хам катнашди. Курултойда кабул килинган карорлар Туркистон халкларининг кейинги

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Россия давлат харбий архиви (РДХА), 278-фонд, 4-руйхат, 531-иш, 66вэрак.

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> Мунаваркори. Хотираларым //Турон тарыхы. Илмый тўплам. № 1, Т, 1992, 17-20-бетлар.

такдирида мухим роль ўйнади. Бокудаги ушбу курултойда Турор Рискулов, Мунавваркори, Чўлпон, Салимхон Тиллахонов, Тошпўлатбек Норбугабеков, Обилжон Махмудов, Тўракул Жонузоков, Зайниддин Кори Насриддинов, Хожи Сафо Журабеков каби гуркистонлик миллат фидойилари катнашдилар. Курултой ишида Туркиядан келган Анвар Пошо (уни Москвадан шахсан Лениннинг ўзи юборган эди) хам иштирок этади ва маъруза тайёрлайди (курултойда Анвар Пошо маърузаси укиб берилади). Курултой фаолиятига рахбарлик килган Коминтерн раиси к.Е.Зиновьев бўлса, Бошкирдистон миллий хукуматининг собик раиси, машхур жадид мунаввари ва муборизи Ахмад Закий Валидийга бу анжуманга катнашиш учун рухсат бермайди.

Т. Норбўтабеков Курулгойда сермазмун нугк сузлади. У совет хокимиятининг мустамлакачилик сиёсатини уз нугкида куйидагича фош килди: «Биз озодлик, тенглик ва биродарлик шиорлари факат когозда эмас, балки хаётда хам амалга ошишини талаб киламиз... Мусулмон дунёсининг бошка кисмларида Туркистонда булган ходисалар кайтарилмаслиги учун мен ўзимизнинг хокимиятни огохлантириб куймокчиман. Биз уч йил ичида олиб борган сиёсатни, ундаги хатоликларни биламиз ва шундай деймиз: «Ўз ичларингиздаги аксилинкилобчиларни йўк килинг, миллий келишмовчилик уругини сочаёттан келгинди унсурларни йўк килинг, коммунизм никоби остида ишлаёттан замонавий мустамлакачиларни йўк килинг»<sup>1</sup>.

Бокудаги курултой ва кенгащда гуркистонлик вакиллар, уларнинг аксарияти собик жадиллар эди, «совет кокимияти фаолиятидан норози» эканликларини Т. Норбутабеков сингари ошкора баён килдилар Улар «Туркистондаги совет хокимиятига карши таргибот» ишларини авж олдиришга ва «Октябрь инкилобининг уч йиллиги кунида умумхалк кузголони кутаришга» чакирдилар.<sup>2</sup> Бахтга карши, уларнинг бу режаси тулик амалга ошмади

І съезд народов Востока. Боку, 1-8 сензября 1920 г. Стенографический стет. Петроград, 1920. С.87-89.

2 РДХА, 278-фонд, 4-рўйхат, 94-ніц, 5-варак, - 6-варакнинг оркаси.

Кейинчалик Валидийнинг Туркистондаги энг якин ёрдамчисига айланган Т. Жонузоков 1920 йил кузида Фаргона водийси курбошилари орасига жунаб кетди. 1920 йил 15 декабрда Шохимардондаги Парпи курбошининг кароргохила булган кенгашла С.Тухтабеков билан бирга Тошкентдан келган 4 киши иштирок этди. Султонбек Тухтабеков Туркистон МИК аъзоси бўлиб, у 1919 йил Андижон уезди ревкомининг бошлиги булган. Большевикларнинг мустамлакачилик сиёсати ва кизил аскарларнинг боскинчиликларини ўз кўзи билан курган С.Тўхтабеков, 1920 йил октябрда Охунжон курбоши билан бирга (Охунжон сал олдин советларга таслим булган эди) истиклолчилар томонига утган эди. Тошкентдан келган 4 кишининг биринчиси, архив хужжатида келтирилицича, «коракирғиз Тўракул; иккинчиси, Бошкирдистонлик вакил Элдорхон Мутин; учинчиси, Уфа татарларининг вакили, у хакла махфий хужжатда «жуда билимдон» деб таърифланган: тўртинчиси, ёш киргиз эди<sup>2</sup>.

Фаргонадаги қизил армия қушинлари кумондонлиги номига юборилган 1920 йил 17 декабрдаги «мутлақо махфий» маълумотда айтилишича, ушбу кенгашда Туракул Жонузоков Фаргона водийсилаги қурбошиларни большевикларга қарши янада фаолрок кураш олиб боришга чакирди. У Парпи қурбоши билан булган шахсий мулокотларила Т.Рискулов тез орада Москвадан келишини (бу пайтда Т.Рискулов Туркистондан Москвага чақириб олинган эди), улар Шермухаммадбекдан кура, купрок Парпи курбошига таянишларини маътум қилди. Т.Жонузоков кейинчалик Шермухаммадбек қароргохида (1920 йил охирида) ва Андижон уездидаги Исроил қурбоши йигитлари орасида хам (1921 йил июнда) булиб, советларга карши фаол кураш олиб боришга ундади .

Туркистон Миллий Бирлигининг 1921 йил сентябрь

РХДА, 278-фонд, 4-руйхат, 493-иш, 6-варак.

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Ўэбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 701-иш, 28варақ.

 <sup>&</sup>lt;sup>2</sup> Қаранг: РДХА, 278-фонд, 4-рўйхат, 14-мін, 6-варак.
 <sup>3</sup> Фаргона ВДА, 435-фонд, 1-рўйхат, 61-мін, 25-варак.

онида Самарканд шахрида булган олтинчи конгрессидан кейин, яна Фаргона водийсидаги курбощилар орасига тнаган Туракул Жонузоков (тахаллуси Канаев), истиклолчилик харакатига «гоявий тус бера олди, кизил армия жангчилари ва махаллий» ахоли ўртасида мурожаат йули билан кучайтирилган ташвикот олиб бориб, бор кучи билан босмачилар (истиклолчилар - КР) сафига рус офицерларини хамкорлик учун жалб эта билди». У Фаргонадаги истиклолчиларнинг етакчи мафкурачиларидан бири хам эди. Хусусан, Исроил курбошига катта хажмдаги ташкилий ишларни йулга куйишда катта ёрдам берган Туракул Жонузок ўтли «1921 йилнинг охиридаги тукнашувларнинг бирида халок булди» 1.

Хорижий мамлакатларда нашр килинган Закий Валилий ва Боймирза Хайитнинг айрим китобларида хамла хозир республикамиз матбуотида чиккан баъзи маколаларда ёзилишича, 1920 йилнинг кузилаёк, бир гурух собик ёш бухоролик жадидлар Файзулла Хужаев бошчилигида Бухоро шахрида «Миллий игтиход» ташкилотини тузган эдилар. Бу гашкилот ярим янирин холатда иш олиб борган. 1920 йил декабрь ойида, Бухоро шахрида Закий Валидийнинг келиши билан ташкилот ўз фаолиятини кенгайтирди, унинг аъзолари Бухоро жумхурияти доирасидан чикиб, бугун Туркистон тупроги буйича харакат киллилар. Ташкилотнинг асосий максади Бухоро жумхурияти ва умуман, Туркистонни «советлаштириш - руслаштириші» таъсиридан саклаб колиш, чин маънодаги мустакиллик ва истиклолга эришиш эди. Бунинг учун курашнинг ошкора ва яширин усулларидан фойдаланиш кўзда тугилди. Ташкилотда Ф. Хужаев, Отаулла Хужаев, Фитрат. Муинжон Аминов, Мукомил Бурхонов, Ибод Хўжаев ва бошкалар фаол иш юриттанлар.2

Краткий очерк возникновения и развития босмачества в Фергане по данным к 1-му марта 1922 г. М., 1922. С.24-25.

илл Тошкента Акмал Икромов бошчилигида махфий иш олиб борувчи испиклол» фиркаси тумили. «Милий испиклол» ва «Милий итпиход» фиркаларини биргаликда яширин равишда испиклолчиларии қўллаб-куватлашади, бу фиркалар испиклолчилик харакатининг кейинги жимишки усп ўрин гутали Демак, испиклолчилик харакати ўша 1919—1922 биллардаек миллий испиклол голлари билан мазлум даражала куролланган

Туркистонда ўша даврдаги сиёсий курашнинг марказида турган сиймолардан бири, хозиргина исми зикр этиб ўтилган Ахмад Закий Валидий Тўгон (1890-1970) эди. Валидий 1920 йил декабрдан то 1921 йил ноябригача Бухоро шахрида яшаб, Туркистон, Бухоро ва Хоразмдаги истиклолчилик харакатини ягона марказга уюштириш учун катта ишларни килди. У Бухоро хукуматининг рахбарлари Ф.Хужаев, Усмон Хужаев, Абдулкодир Мухидлинов билан ўз режаларини маслахатлашади. Закий Валидий кейинчалик ўзининг машхур «Хотиралар» китобида эслашича, Туркиядан келган Анвар Пошо (1881-1922) ва Ф. Хужаев, Валидий ўртасида 1921 йил октябрьноябрь ойларида Бухоро шахрида қизғин сухбат-мунозаралар бўлган. У Бу мунозараларнинг асосий мавзуи бутун Туркистон минтакасида булгани сингари, Бухоро жумхуриятила хам авж олиб бораёттан истиклолчилик харакатига («босмачилик» ка) нисбатан ўтказиладиган сиёсий йўлни аниклаш эди. Шуниси характерлики, туркий халкларнинг бу уч буюк сиймоси Туркистон озодлиги ва бирлиги учун курашнинг уч кутбида туриб, бир-бирларидан фарк киладиган вазиятда ва алохида шароитларда фаолият одиб боришларига тугри келди. Уларнинг хаёт шами хам дунёнинг турли манзилларида турлича тарала сўнди. Лекин бу катта учлик фаолиятини ягона нуктага бирлаштириб турган гоя, бу - ота юрт туркистон мустакиллиги гояси

Закий Валидий Бухорода яшар экан, жадидчилик гоялари билан сугорилган сиёсий партиялар ташкил килиш, уларнинг дастури ва режасини тузиш билан астойдил шугулланди. Валидий томонидан 1921 йилда «Эрк» партиясининг 9 банддан иборат ва жадид тараккийпарварлари партиясининг 19 бандлик дастурлари ишлаб чикилди. Дастурдаги фикрларнинг аксарияти бугунги кунда хам ўз долзарблигини йўкотмаган. Валидийнинг ёзишича, жадил тараккийпарварлари партиясининг дастурида куйидаги фикрлар устувор эди:

Ахмал Закий Вальдый Тўгон. Бўлинганни бўри ер. Туркистон хальдэрининг миллий мустациллик учун кураши тарихидан хотиралар Боцкирд тилидан Ш.Турднев гаржимаси. Тоцикент, «Адолят», 1997. 125-134-бетлар

1. Ўз миллий маданиятига эга булиб, мустакил миллат сифатида яшаш - ҳаётнинг асоси булмоги керак. Бу эса барча миллатларнинг орзусидир. Максадимиз Туркистонни мустакил килиб, миллий ҳукумат тузишдан иборат. Миллат тил, дин, маданият, адабиёт, урф-одатлар бирлигига асосланади.

2. Озод Туркистонда давлат тузилиши ва идораси жумхурият шаклида бўлиб, хокимият асосини демократия йўли билан сайланган Миллат мажлиси ёки вилоят ва шахардарда вилоят хамда шахар мажлисдари (земство)

ташкил килади.

3. Марказий хукумат аъзолари Миллат мажлисининг розилиги билан Жумхурият раиси (Президент) томонидан, вилоятлардаги бошликлар эса марказий хукумат тарафидан тайинланажак. Вилоят ва шахар идора мажлисларининг раислари шу мажлиснинг ўзида сайланиб куйилажак. Миллат мажлиси, Жумхурият раиси, вилоят мажлисларини сайлаш тартиби мустакил Туркистоннинг биринчи курултойи томонидан белгиланажак.

4. Туркистонда турк бўлмаган озчилик хам маданий хукуклардан фойдаланажак. Туркий халклар Туркистон маданиятини кучли равишда яшнатиш учун яклиллик

билан фаоллик кўрсатишлари керак.

5. Туркистон миллий хукумати Туркистон миллий аска-

рига таянажак: ҳарбий хизмат мажбурий.

7. Мамлакатда виждон эркинлиги тула таъминланажак. Диний ибодат ва урф-одатларни эркин равишда бош-кариш йўли билан таъминланажак. Мамлакатда бошка дин миссионерларининг иш олиб боришларига рухсат берилмайди.

8. Матбуот ва нашриёт хуррияти хамда шахс эркинлиги давлагнинг асосий конунлари тарафидан гаъмин этилажак.

10. Ер масаласида ер ости ва ер усти бойликлари, ўрмонлари, ҳавзалари давлат мулкига ўгиши негиз ҳисобланади. Ер деҳқонларга (ҳишлоҳ деҳҳонларига) ҳусусий мулҳ ҳилиб берилажаҳ.

12. Туркистоннинг озодлиги икгисодий мустакиллик асосидагина амалга оширилур. Шунинг учун Туркистон бошка кушни давлатлар билан икгисодий муносабатлар-

нинг замонавий тузилиши асосида оёкка гуриб, тобора ривожланиб боришини таъмин килишга харакат килинажак

18. Туркистонда энг аввало хунар мактаблари йўлга куйилажак. Оврупога ўкувчилар юборишга ахамият берилажак...»<sup>1</sup>

Бухорода 1921 йил 2-5 августда бўлган Миллий Бирлик конгрессида (бу Москва конгрессидан кейинги 5 - конгресс эди) Закий Валидий раислигида «Урта Осиё Миллий Мусулмон Жамиятлари Федерацияси» (кейинчалик туркистон миллий бирлиги номи билан машхур бўлган) уюшма гузилади. Миллий бирликнинг программаси Валидий рахбарлигида хали 1921 йилнинг бошларидаёк ишлаб чикилган эди.

Туркистон Миллий Бирлигининг олгинчи ва етгинчи конгресслари Самарканд ва Тошкент шахарларида, 1921 ва 1922 йилларнинг сентябрь ойида чакирилади. Самарканддаги конгрессда жамиятнинг 24 банддан иборат Устави ва Туркистон байроги кабул килинади. 1921 йил 6 сентябрда кабул килинган Туркистоннинг Миллий байроги бинафша рангла бўлиб, унинг асоси килиб X асрдаги салжукий ва корахонийлар даврилаги байрок танланган эди. Алвон рангдаги бу миллий байрокка Махмуд Кошгарий китобида гасвирлаб берилган байрок асос килиб олиниб, уни Темур ва темурийлар замонида ёзилган кўлёзма асарларидаги миниатюраларга суяниб яратишган эди. Байрокни тайёрлаш ишида Закий Валидий билан бирга Мунавваркори ва Туракул Жонузок угли иштирок этишади.

Самарканд конгресси Фарғона водийсидаги истиклолчилик харакатини ғоявий жихатдан жипслашувига анча хизмат қилди. Фарғонадаги қўрбошилар хузурида бир йилча бўлган Т. Жонузоков ўз фаолияти хакида конгрессла ахборот берди. Анжуманда бугун Туркистондаги курбоши гурухлари билан алока ўрнатиш ва хар бир курбошининг хузурига сиёсий маслахатчилар юбориш тўғрисида карор кабул килинди. Масалан, Самарканд вилоятининг бош кўрбошиси, найманлардан бўлган Очилбой ёнига ўзбек

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup>Тўгон. Хотиралар .. 111-113-бетлар.

зиёлиларидан Қори Комил исмли бир обрўли киши жунатилди. Валидийнинг эътироф килишича, бу конгресс Туристонда тўпланган конгрессларнинг энг муваффакият

писи бўлди ва хурсандчилик вазиятида ўтди<sup>1</sup>.

Валидий Фарғона мужохидлари билан алоқани мустахкамлаш учун 1920 йилдаёк, Шермухаммадбек хузурига Бошкирдистон хукумагининг Элдорхон Мутин деган зиёли кишисини жўнатган эди. Элдорхон бекнинг кўшинида харбий ишлардан сабок берди, ўрни келганда кўрбошиларга рус тилини ўргатди. «Элдорхонни менинг олдимга юбориб, жуда яхши килган эдингиз. Хозир Кобулда учратиш насиб килди», деб Шермухаммадбек билдирган миннагдорчиликни кейинчалик Валидий ўзининг хотираларида эслайди.

Бундан ташкари, Валидий Шермухаммадбек олдига яна Хорис Игликовни, Рахмонкул хузурига Мустафо Шох-кулини юборади. Фаргонадаги Узган тогларига - киргизларнинг бош мужохиди Паршибек хузурига эса, 1921 йил октябрда бошкирд Минхож чолни махсус мактуб билан юборди. Бу мактубда Валидий Паршибекка Кашгар томонга кетишни маслахат беради. Туркияда кейинчалик Валидий Парши хожи билан учрашади. Парпи хожи Туркияга Хўтан, Тибет, Хиндистон йули билан борганди. «Кечган умри аклин бир кахрамон тугрисида достон бўларлик даражада мазмундор», - деб таъкидлайди у хакда Валидий.

Валидийнинг шахсан ўзи Бухоро, Самарканд ва Хоразмда харакат килаётган бир катор кўрбошиларнинг кароргохида бўлади, уларни умумий душманга карши аёвсиз кураш олиб боришга чакиради, узаро тотувликка ундайди. Валидий шароит мажбур килганда кизил аскарлар билан жангта киради, ўз кули билан бир нечга боскинчини ўлдиради. Валидий Самарканд вилоятида харакат килаёттан Бахромбек, Очилбек ва Коракулбек хакида куйидаги

фикрларни ёзган эди:

«Очилбек Самарканднинг кунчикар томонидаги бир кишлокдан. Найман уругидан. Йирик гавдали, жуда мехрмухаббатли киши... Очилбек найман ўзбекларининг

Тугон. Хотиралар... 121-123-бетир

Куштам вали деган жойида туғилиб усган, уттиз саккиз ёшида, нихоятда жасур, ахлок-одобли, мехр-окибатли аввалдан уйлаб иш юритадиган, халол бир инсон. Россия ва дунё сиёсати туғрисидаги газеталарни укиб, фикр килади. Даврон Очил деган гайратли, ишнинг кузини биладиган укаси хам ёнида эди» 1.

«Бахромбек Самарканд ёнидаги Дехнов кишлогидан, тожиклашган мўтул-бахрин уругидан. Русчани ўкиб- ёзадиган даражада яхши билади. Очилбек билан бирга Бухоро амирининг амакиси Саид Акром Тўра ёнида гузорда бир мунча вакт хизмат эттан. Иккови хам гурухларини жамиятнинг буйруги билан ташкил килдилар... Бахромбекка Самарканд ёнидаги Пасткишлокдан Хамрокулбек исмли бир киши ёрдамчи булди. У хам Очилбек сингари ориятли, кахрамон, ўкимишли, Самарканд жадидларининг муаллимларилан бири Шокирийнинг ўкувчисидир... Бахром ёнида Самарканд зиёлиларидан Хамрокулбек, Абдулхамил, Кори Мухаммад ва озарбайжон Озодбек бўлди. Бахромбек тожиклар ўртасида шухрат козонди... Бахромбек сиёсатнині мохиятини тушунган олам эли»?

Кейинчалик, Туркистон тарихининг теран тадкикотчисига айланган Валидийнинг гувохлик беришича, Самарканд ва Фаргона ўртасидаги Ўратепа атрофидаги тоглар Холбўтабек деган бир қўрбошининг қўлида бўлди. Унинг беш юзга якин йигити бор эди. Хакикий ботир, рус боскинчиларига қарши бўлган бир ватанпарвар бўлган. Йигитлари ва якинлари уни жуда яхши кўришарди. Ёнида Мустафокул деган жуда аклли, тадбиркор, истикболни кўриб иш киладиган, дунё ахволини тушунадиган ёрдамчиси бўлиб, у молиявий ишлар билан шугулланарди, ўзбекларнинг юз уругидан эди.

Валидий ўз хотираларида истиклолчилар ва уларнинг рахбарлари «элни таловчи, боскинчи» эмасликларини, балки ўз Ватанига содик, фидойи, дунё ахволидан вокиф кишилар» эканликларини биргина Самарканд вилояти кўрбошилари мисолида яккол кўрсатади.

Тўгон Хозиралар 138-150-бетлар.

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> Тўгон. Хотыралар... 138, 150-151-бетлар

¹ Тугон. Хотиралар... 138, 150-151-бетлар.

Шуни алохида таъкидлаш керакки, истиклолчилик уаракатига гоявий рахбарлик килиш борасида жадиллар билан ислом уламочилари ўртасида ўзаро ракобат мавжул эли. Истиклолчиларнинг йўлбошчиларига дастлабки пайтларда жадид мунавварларининг («Шурои Исломия». «Иттиход ва тараккий», «Миллий иттиход», «Миллий истиклол» аъзоларининг) таъсири кучли булган булса, кураш жараёнида устунлик уломачилар кулига ўтди. Буни мужохид рахбарларининг «жиход ва ғазот» хакилаги приорларидан хам билиб олса бўлади. Натижала, миллий озодлик харакатининг характери айрим мутаассиб пухонийларнинг амаллари окибатида купинча, факат ислом гоялари билан чекланиб колди. Шуниси таассуфланарлики, эшон ва козиларнинг катта кисми кейинчалик советлар хизматига ўтишди. Истиклолчилик харакатининг бош максади - БУГУН ТУРКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ ИСТИКЛОЛИ ва мустакиллиги ғояси ўзгармаган бўлса-да, кураш жараёнида бундай холатларнинг намоён бўлиши харакатнинг янада кенгайишига тўскинлик килли.

Хайриятки, юртимиз истиклолга эришди. Мустамлакачилик кишанлари парчалаб ташланди. Дунё узра
Ўзбекистон номи ва ўзбекнинг овози магрур янграй бошлади. Бугунги мустакиллик кунларида, Ўзбекистон истиклоли хакида фахр билан сўзлар эканмиз, байрам кунларида
республикамиз шахар ва кишлокларидаги бош майдонларни тўлдирган бахтиёр чехраларга бокар эканмиз, бу
кунларга етказганлиги учун яраттаннинг узига имон келтирамиз Аллохга шукрки, гурмушимизда иктисодий жихатдан бир оз етишмовчиликлар бўлса-да, юртимиз тинч,
чегараларимизда осойишталик. Мехнатсевар халкимиз
тиним билмай ишламокда. У яратувчилик ва бунёдкорлик
мехнати билан мустакиллигимизнинг иктисодий асосларини мустахкамламокда.

#### О. Шарафиддинов

# 20-30 йиллардаги хукмрон "мафкура" ва жадид адабиёти

1956 йилла шахсга сиғиниш фош қилингач, қатағон килинган купгина одамлар окланди. Улар каторида атокли алиб Аблулла Колирий хам бор эди. Орадан куп вакт утмай унинг «Утган кунлар» ва «Мехробдан чаён» романлари кайта нашр килинди. Кейин одатдагидек, романларга такризлар битилди, адиб тўгрисида маколалар эълон килинди, китоблар ёзилди, диссертациялар химоя килинди. Ишлар бир маромда кетаёттанида бир масала кундаланг бўлди-ю, унинг атрофида кизгин бахс кўзгалди - Аблулла Кодирий романлари кайси ижодий метод асосида ёзилган? Уларни социалистик реализм методига мансуб деб булалими? Савол калтис эди - чунки «йўк» деб жавоб берса, якинлагина окланиб, душманлик белгиларидан халос булиб келаёттан адибни тулаконли совет ёзувчилари каторига киритиб булмай коларди. «Ха» деб жавоб берса, романларида социалистик реализм белгиларини топиш амри махол. Ушанла айрим адабиётшунослар тузукрок далилисботсиз Абдулла Кодирий асарларини социалистик реализм намунаси деб эълон килдилар-да, шу билан бахсга чек қуйилди Чек қуйилди-ю, лекин барибир масала хал бўлмай колаверди. Бу албатта, зўрма-зўраки хукм эди ўшандан кейин биронта адабиётшунос бу муаммони кайта кўзгагани йўк

Аслида эса, тузукрок ўйлаб кўрилса, «Уттан кунлар» хам, «Мехробдан чаён» хам, ва хатто «Обид кетмон» хам жадид адабиётига мансуб асарлар деган хулосага келиш мумкин эди. Аммо шўро замонида бундай хулосага келинса хам уни ошкора айтиб бўлмас эди, ошкора айттан одам балога колар эди, чунки бундай хулоса хукмрон мафкура акидаларига мутлако зид бўларди, бинобарин, унинг яшашга хаки йўк эди.

Маълумки, шуролар замонида хамма нарсага коммунистик куз билан караларди. Ижтимони фанлар хам шу мафкура чилдирмасита ўйнашта мажбур эдилар - бу сохадаги тадкикотлар холислик ва хакконийликдан махрум булиб, хукмрон «мафкура» пролетар манфаатидан келиб чикиб яраттан схемаларни тасдиклашта хизмат килмоги лозим эди.

Жадиллар масаласида хам ана шундай ғайри илмий ва ута субъектив концепция мавжуд эди. Унга кўра, жадидлар миллий буржуазия манфаатларига хизмат килган реакцион оким бўлган. Инкилобдан кейин улар уч гурухга бўлиниб кетган. Большевикларнинг марказий органи бўлмиш, «Коммунист» журналида (1928 йил, 10-сон) «Октябрь хам жадидлар» деган макола эълон килинган. М. Гиесов бу гурухларни куйидагича белгилайди: 1) тугал аксил харакатчилик лагерида колувчилар; 2) Эски максадларидан кайтиб, фирка ва шўроларга кириб ишлаб кетувчи сўллар; 3) бетараф колувчилар - буларнинг куплари эски жадид муаллимлари бўлиб, булар шўролар хукуматининг мустахкамланганини курган сари унга якинлашадилар».

Бу таснифдан куриниб турибдики, цгуро хокимияти йилларида, айникса, 20- йилларда маориф ва маданият сохасила жадицлар фаолият кўрсатицца давом этганлар. Аммо бу гал хам ўзларининг акидаларига содик колганлар. Большевиклар айрим жадидларнинг шуролар томонига ўттанини огизда тан олсалар-да, амалда уларнинг хаммасига ашаддий душман сифатида муносабатда бўлганлар. Натижада, 20- йилларнинг бошиданок уларни кескин коралай бошлаганлар. «Синфий кураш» хадисини олган большевиклар уларга қарши «даханаки» жанг билан чекланмаган, 20- йилларнинг ўрталаридан жадидларга қарши репрессив тадбирларни куллашга киришганлар. Бу кураш 30-йилларда хам шиддат билан давом этди ва 40- йилларга келиб жадидларнинг деярли хаммасини жисмонан махв этиш билан якунланди. Аммо бундан кейин хам жадидлар хакида бирон илик гап айтиш имкони бўлмади. Аксинча, авваллари бирда-ярим маколаларда жадидларнинг маърифатпарварлик сохасида жиндай ижобий роль ўйнагани хакида ўкиш мумкин эди. 60- йиллардан кейин эса, улар факат кора буёкларда тилга олинди. Шундай килиб, хукмрон мафкура ўзбек совет адабиётининг пайдо бўлиши ва

ривожланиши тўгрисидаги концепцияни ишлаб чикди. Бу концепцияга кўра, янги адабиёт октябрь инкилоби билан бирга тугилган; у биринчи кадамлариданок «Яша шўро» деб хайкирган, большевикларнинг хамма ишини куллаб-кувватлаган, коммунизм ишига сидкидилдан хизмат килган. Бу адабиёт, табиийки, мафкуравий соглом бўлган хар кандай ёт мафкураларга карши курашган ва шакшубхасиз биринчи кадамлариданок социалистик реализм алабиёти сифатида кўринган. Албатта, бундай адабиёт сафила жадидларга хам, жалидчилик гояларига хам ўрин йўк эди.

Афсуски, биз - узбек адабиётшунослари куп йиллар мобайнида шу ёлгон «хакикат» га ишониб яшадик, ишондикгина эмас, уни фаол таргиб килиб, халкни хам шунга ишонтиришга уриндик. Холбуки, хакикий ахвол бутунлай бошкача эди. Аслини олганда, «совет адабиёти» деб аталмиш адабиёт октябрь тунтаришининг эртасигаёк, дастлабки ойлардаёк бирдан пайдо булиб колган эмас - бунинг учун хаётда реал асос ёхуд бирор ищончли замин йук эди. Тугри, айрим тадкикотчилар Уэбекистонда 1905 йиллан кейинок инкилобий адабиёт шакдлана бошлаганини таъкидлашади, бирок бу фикрнинг исботи учун келтириладиган фактлар мохият эътибори билан жадид адабиётининг намуналаридир. Аслини олганда эса узбек совет адабиёти 20- йилларнинг ургаларидагина - Ғайратий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Боту, Миртемир, Шокир Сулаймон каби ижодкорларнинг майдонга чикиши билан боглик тарзда шакллана бошлаган. Тўгри, ундан аввал Окгябрни кутлаган, шіўроларни мактаган айрим шеърлар, маршлар, ғазаллар ёхуд бошка жанрлардаги айрим асарлар бўлган. Бирок улар бадиий савияси гоятда ночор булиши билан бирга, сон жихатидан хам кам булган. Шунинг учун улар бирлашиб, яхлит бир адабиётни ташкил этадиган кувватта эга бўлган эмас.

Амалда эса, 20- йилларда жадид адабиёти яхлит адабиёт сифатида фаолият кўрсатган. Қолаверса, бу адабиёт узининг аср бошидан 20 йиллик ривожланиш тажрибасига таянган холда тараккиётнинг янги боскичига кўтарилган, хам шаклан, хам мазмунан баркамоллик касб этган ва

миллатнинг маънавий хаётида жуда чукур из колдирган. Бинобарин, кейинчалик, яъни 30-йилларда айрим «марксист» адабиётшуносларнинг «жадидлар бирор салмокка эга булган адабиётларни ярата олмай, тарих сохасидан гойиб булдилар» деган даъволари хам мутлако асоссиз булиб чикади. Куйирокда буни биз конкрет далиллар билан исботлашга харакат киламиз.

Хозир эса, шуни таъкидлаш жоизки, октябрь тунтаришидан кейинги кунларданок Мунавваркори Аблурашидхонов, Махмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат. Аблулхамил Чулпон, Абдулла Авлоний, Хамза Хакимзола. Садриддин Айний, Сидкий Ажэий, Сидкий Хондайликий. Тавалло ва бошка куплаб атокли жалиллар Октябрь инкилобига кандай муносабатда экандаридан катый назар, маданият ва маориф сохасила самарали фаолиятларини давом эттиргандар. 20- йидларнинг биринчи ярмила улар ўнлаб янги мактаблар очадилар, бу мактаблар учун турли-туман кулланмалар ва дарсликлар яраталилар. нашриётлар ташкил эталилар, газета ва журналлар нашр этадилар, театр санъатини ривожлантирищ борасида жонбозлик курсатадилар, турли-туман маърифий-маланий тўгараклар уюцтиралилар Албатта, зиёлиларнинг бунлай фаоллиги мутлако большевикларнинг разбатига сазовор булган эмас, аксинча, улар жадидларнинг хар бир кадамини синчиклаб кузатишган, тугараклар ва жамиятлар ишини таъкиб остига олишган, нашр ишлари устидан каттик назорат ўрнатилган. Абдурауф Фитрат «Чигатой гурунги нинг айрим мажлислари куролли кизил гвардиячиларнинг назорати остида ўтганини ёзади. Ёхуд Заки Валидий хотираларида, 20- йилларнинг бошила зиёлилар устидан каттик назорат ўрнатилгани важидан Бухорода Чулцон билан учраша олмаганини эслайди. Аммо бундай таъкиб ва тазйиклар жидидларни фаолиятидан тўхтата олмайди - улар матонат билан ишларини давом эттириб, 20- йиллардаёк маориф ва маданият сохасида анча салмокли ютукларга эришганлар.

Энди бевосита жадид адабиётига ўтадиган булсак, унинг кўзга яккол ташланадиган биринчи хусусияти шундаки, у инкилобдан кейин бирданига кўп жанрли адабиёт

тарзида ривожлана бошлади - жадид ёзувчилари шеъриятла хам, драматургияда хам, прозада хам, публицистикада хам бирдай муваффакият билан қалам тебратдилар. Мана масалан, публицистикани олайлик. Айтиш керакки, публицистика, умуман, ўзбек адабиёти учун батамом янги жанр булиб, унинг илк намуналари ўзбек матбуотида 1900 йилдан кейингина пайдо булган эди. Лекин бу сохадаги тажрибаларнинг гоят камбағаллигига қарамай, янги ўзбек публицистикаси 20- йилларнинг бошида ўз ривожининг энг юксак чўккиларига кўгарилди. Бу даврда публицистиканинг ўсиціи, биринчи навбатда, Абдурауф Фитрат ва Абдулхамид Сулаймон номлари билан боғлик. Улар вактли матбуотда ўнлаб маколалар эълон килдилар ва уларда бенихоя ўткир эхтирос билан, сўнмас бир жушкинлик билан миллат хаётининг энг мухим масалаларини кутариб чикдилар. Бу масала, албатта, биринчи навбатда миллий озодлик масаласи эди. Фитрат маколаларида халкнинг миллий онгини уйготишни истайди, унга ўзлигини танитмокни орзу килади. Шу ниятда, у бевосита миллатта мурожаат килади, унинг ўтмиши буюклиги хакида ганиради ва бу миллий кадриятлардан ифтихор килиш лозимлигини уктиради. Буларнинг бари 18-19 йилларда ёзилганини, яъни хали Кукон жарохатлари эскирмай туриб, унинг фожиалари хира тортмай ёзилганини хисобга олсак, уларнинг киммати янада ошади.

Жадид публицистикасининг ривожини яна шу факт билан тасдиклаш мумкинки, инкилобдан аввал унда кутарилган масалалар факат миллатнинг ички хаёти билангина чегараланиб колганди, энди эса тематика кенгаяди, мазмун чукурлашади, муаллифлар дадиллик билан халкаро сиёсий хаёт ходисаларига мурожаат кила боплайдилар. Бирок, бунда хам улар ўзларининг бош максадларини унутмадилар - йирик давлатларнинг шовинистик сиёсатларини фош килиб, мустамлакачиликни кескин рад килиш йўлидан борадилар. Бу жихатдан, яна Фитрат фаолияти диккатта сазовор. У бу йилларда - «Инглиз ўйинлари» («Хуррият», 1918й. 32-сон), «Афгонистон ишлари» («Иштирокиюн», 1919й. 30-апрель), «Афгон ва инглиз сулхи» («Иштирокиюн», 1919й.

13-сентябрь), «Шарқ сиёсати» («Иштирокиюн», 1919й. 25-26-сентябрь) каби мақолаларини эълон қилдики, уларда империалистик кучларнинг мустамлакачилик сиёсатларини кескин фош килди. Масалан, «Шарқ сиесати» мақоласида езади:

«Уларнинг тилаклари бизга маданият бериб, бизда маориф таркатиш, бизни тараккий эттириш эмас, фохишахоналар, майхоналар очиб, бизнинг ахлокимизни бузмок, бизнинг соглинимизни хароб этмок ва уругимизни куритиб, бизни ищдан чикармок ва кулларига мухтож килиб куймокдир. Улар шарк халкини бугун йук килиб, Шаркни узларига моя килмокчи эдурлар».

Бу парча хеч кандай изохга мухтож эмас - унинг салмоги ва теранлиги бугун хам яккол куриниб турибди.

Чўлпон хам ўзининг 20- йиллардаги публицистикасида ички муаммолар хакида ёзиш билан бирга, халкаро долзарб сиёсий мавзуларда хам калам тебратиб, мустамлакачилик сиёсатини фош килишга катта хисса кушди. Факат унинг ўзига хослиги шунда эдики, у Фитратга ўхшаб умуман шарк хакида эмас, балки муайян мамлакатлар, муайян халкларнинг кураши хакида ёзди, жумладан, унинг 20 - йиллардаги анча-мунча маколаси бевосига турк халкининг миллий-озодлик харакатига багишланган. Чўлпон туркларнинг чет-эллик боскинчиларга карши кураши хакида ёзар экан, унинг «истиклол эрларига». самимий мухаббати хар бир сатрдан мана мен деб кўриниб туради.

Жадилларнинг ана шу ва шуларга ўхшаш яна бошка ўнлаб публицистик асарлари ўша кезларда ўзбек халкининг миллий онгини уйготишда катта роль ўйнади ва унинг калбида миллий ифтихор туйгуларини жуш олдирди.

20- йиллар бошидаги жадид публицистикасининг мухим жихатларидан бири шундаки, у жадид адабиётининг мазмуни янгиланиб бораётганидан далолат беради. Масалан, аввалги даврларда асарлар мавзуининг торлиги сезиларди, куп холларда бевосита тасвир ўрнини дидактизм, курук насихат эгалларди, айгилмокчи булган фикрни китобхоннинг огзига чайнаб солиб куйишга ингилиш кучли эди. Энди булса, улар камаяди, бадинят кучаяди ва мазмундаги хаётийлик янги боскичга кутарилади. Бу хусусият нафакат публицистикада, айникса, янги жадид шеъриятида хам яккол кўзга ташланади. Тўгри, 20-йилларда хам айрим шеърларда асрий уйкудан уйгонишга янги тонг хавосидан тўйиб нафас олишга чакирик мавжуд Масалан, Садриддин Айний шеърларида биз шу холны куришимиз мумкин:

Бахор келди, ётма тур, Эшит, бу саслари надир! Бахор кушлари укир Бахорнинг хаволари.

(«Мехнаткашлар товуши», 1919 й. 22март)

Ёхуд шу 1919 йилда ёзилган «Турон марши» шеърида шоирнинг анъанавий тарзда Туронни уйгогишга чорлаганини кўрамиз:

Уён! Турон эли, уён!
Тўлкинланди бутун жахон!
Бошкаланди бутун даврон,
Бошка даврон, бошка замон!
Ухлама, юр, сайра жахон!
Ётасанми, жохил нодон?

(«Мехнаткашлар товущи», 1919 йил, 1 октябрь).

Шуро замонида баъзи бир адабиётшунослар бу шеърларни совет поэзиясининг намунаси сифатида талкин килиб келдилар. Бирок унинг мазмунидан куриниб турибдики, унда шуровий белгилар эмас, жадидлар карашларига якин масалалар, яъни жахолат ва нодонликни рад этиш, асрий уйкудан уйгониб, «бошка даврон, бошка замон»да жавлон уришга чакирик мавжул.

Хамза Хакимзода шеърларида эса биз бошкача ахволга дуч келамиз - энди шоир, аввалгидек, факат маърифатта чакириш билан чекланмади, энди у кадимий Туркистоннинг сиёсий-ижтимоий ахволини ўйлайди, мухторият гояларини улутлайди, масалан, Хамза «Туркистон мухториятига» деган шеърида «ислом давлати»ни бир санжок остида бирлашишта чакиради, «араб, турк, кобил, хиндистон» каби халклардан ташкил топтан «ислом миллатини ахилликка, иттифок бўлиб иш юритишта ундайди. Шоир наздида Туркистон мухторияти бу кўхна ўлка учун янги истикбол эшигини очади, шунинг учун у шеърнинг

накоратида «Кутлуғ бўлсин Туркистон мухторияти!!», дея хайкиради ва «янги муборак замон»ни ардоклашта чорлайди:

Келди муборак бизга янги бир замон Янги давр кечирманг энди фил омон, Ёд этмаки исмимиз тарихи жахон.

Мухторият гояларини тараннум этган бу шеър, «Улут Туркистон» газетасида 1918 йил 11 январ куни чоп этилган. Бинобарин, бу шеър Хамза Хакимзода узбек совет адабиётининг асосчиси бўлгани хакидаги фикрга бироз шубха билан карашга имкон беради. У Октябрь инкилобининг эртасигаёк бирдан «Яша Шўро» деб хайкирган эмас, балки ижодида жадидчилик майлларига содик колган. (Куйирокда бу фикримизни тасдиклаш учун яна баъзи бир далиллар келтирамиз).

Янги шеъриятда бадиий шакл сохасида хам жидлий изланицлар давом этган. Унда анъанавий шакллар - газал, мурабба, мухаммаслардан кенг фойдаланилган булса-да, улар билан бир қаторда, бармоқ вазнидаги жанрларга хам кенг мурожаат қилинган. Айни чоғда, айрим шоирлар аруз имкониятларини кенгайтириш йўлларини хам излаганлар. Бунда улар шеърга ярим мутойиба охангларини хам олиб кирганлар. Бу ўринда шоир Таваллонинг бир тажрибаси диккатни жалб килади. Тавалло - инкилобдан аввал маданий-маиший хаётни тубдан янгилаш тарафлори сифатида куринган ва «Равнак-ул-ислом» каби бакувват шеърий тўпламларнинг мужилифи тарзида танилган эди Инкилобдан кейин у янги матбуот органларида хизмат килди, лекин ижодининг мохиятига кура жадиллик мавкеини саклаб қолди. У купроқ хажвий характердаги шеърлар битди, айрим шеърларида эса жуда зўр муваффакият билан янги тасвирий имкониятлар излади. Масалан, классик адабиётда ширу шакар деган жанр мавжуд. Бунда шеър бир вактнинг ўзида икки тилда - кўпинча форсча ва ўзбекча ёзилади. Тавалло қуллаган янгилик шундаки, у бир ғазални ўзбек ва рус тилида ёзади. Бунинг қийинчилиги шундаки, рус тили ўзининг фонетик хусусиятларига кўра аруз конунларига буйсунмайдиган тиллардан. Аммо Тавалло бу кийинчиликнинг уддасилан чика олган. Таваллонинг «Вот шеър» деб аталган ҳазил шеъри «Муштум» журналига мурожаат шаклида ёзилган бўлиб, шу журналнинг 1928 йил 3- сонида босилган:

«Муштум чирогим, сўйлачи: как ты поживаешь?

Хар кимни сукиб сам себе душман наживаешь. Текканга тегиб, тегмаса шутишь, почему так? Хуллас, жим ўтир, мунча всегда задеваешь. Если попадет сенга биров мулла килурсан, Хар кандай асов бўлсада узда надеваешь. Бир кун чикасан чёрний кийиб, эртага бошка, Откуда чопон хафтада надеваешь? Хеч бир сожалеть этма, ёзиб тур нима кўрсанг, Иначе бугун вакти ганиматни теряешь. Майли хорошо, разный киликларни ёзиб тур, Бизлар биламиз, везде всюду биваешь. Вот энди бугун ман ёзаман, сан смотри, Сен дема мени «Магзава» тездан забиваешь.

Албатта, бундай шеърлар адабиёт ривожининг катта йулига унча дахлдор булмаса-да, адабиёт рангларини гурфа хил килиши, жилолаларини кўпайтириш, жозибасини

ошириш билан характерлидир.

Жадид поэзиясининг 20- йиллардаги равнаки, албатта, Абдулхамид Сулаймон Чўлпон номи билан богликдир. 20йилларда у «Уйгониш», «Булоклар», «Тонг сирлари» деган китобларини эълон килди. Унинг куптина шеърлари «Узбек ёш шоирлари» тўпламида, «Адабий парчалар», «Гўзал ёзчиглар» каби китобларда чоп этилди ва улар ўзбек шеъриятининг гултожи булиб колди. Лекин бу щеърлар совет рухидан мутлако узок эди, аксинча, жуда ошкора тарзда аксил шўровий оханглар билан сугорилган шеърлар эди. Чулпоннинг 20 - йилларда яратган шеърлари инкилобдан аввалги жадил шеъриятидан тубдан фарк килади. Бу шеърият курук насихатдан, ялангоч дидактикадан бутунлай узок, энди унда инсон хаётининг энг асосий муаммолари - ҳаёт-мамот масалалари кўтарилади. 20- йиллардаги шеъриятнинг бош масаласи - инсон эрки, миллатнинг озодлиги масаласидир. Шоир эхтиросли ёник қалб билан мустамлака кишанларига қарши бош қутаради. Инсонни

тахкирловчи, оёк остида кўрувчи «афандиларни» корапайди. Унинг шеърларида жуда зўр гурурга эга бўлган, камчилар ва кишанлар зулми остида иродасини, эркка ташналигини йўкотмаган инсоннинг калби уриб туради. Шоир кишанлар билан дўстлашишга ва шунинг учун сустлашган юракка, мурожаат килади, уни магрур бўлишга, кишан киймасликка, бўйин эгмасликка чакиради, чунки шоир хар жандай инсонийликнинг бирламчи шарти деб эркинликни билади:

Буйин эгма, кишан кийма! Ки сен хам хур туғилгонсан.

Чулпоннинг 20- йиллардаги шеърияти том маънода, озодлик кушиклари даражасига кутарилди - бу кушиклар миллат калбида милтираб ёттан эркинлик чутларини алангалантирди, миллат буйининг анча усишита, кадди-коматини ростлашига ёрдам берди. Шунинг учун хам шуролар хукумати бу шоирни кураолмади, унинг атрофила мафкуравий ур-йикитлар уюштириб, унинг овозини учиришта харакат килди. Шу тарзда, 20- йилларда Чулпон яратган шеъриятни хеч иккиланмай, янги боскичдаги жалид шеърияги деб атаса булади.

20- йилларда жадид драматургияси хам жуда самарали тарэда дадил қадамлар билан ривожланди. Янги пайдо булган ўнлаб драматик асарлар миллий театрнинг мислеиз ривожини вужудга келгирди ва бу икки холат бирлашиб, 20- йиллардаги маънавий хаётнинг узвий кисмига айланди.

20- йилларда жадид дарматургиясининг энг фаол, энг атокли намояндалари Абдурауф Фитрат, Абдулхамид

Чўлінон ва Хамза Хакимзодалар булган эди.

Абдурауф Фитрат киска муддат ичида «Темур согонаси», «Абулфайзхон», «Чин севиш», «Хинд ихтилочилари», «Арслон», «Зохоки морон» каби фожеа ва драмалар яратди. Буларнинг хаммаси ўша йилларда ўзбек сахнасида муваффакият билан кўйилди. Табиийки, бу асарлар хам Фитратнинг публицистикаси каби, биринчи навбатда, аксил мустамлакачилик рухи билан сугорилган эди. Фитрат ўтмишга мурожаат килади, буюк сохибкирон Амир Темур образини яратади, уни ўз юртининг фаровонлити, мустакиллиги, яхлитлиги учун курашган, маданият ва маъна-

виятни юксалтиришга, адабиёт ва санъат ривожига катта ахамият берган давлат арбоби сифатида курсатади.

20- йилларнинг бошидаёқ сахнага қўйилган «Чин севиш» драмасида ва кейинрок яратилган, «Хинд ихтилолчилари» драмасида қўшни хинд халқининг такдири гимсолида мустамлака сиёсатининг дахшатини очади ва эрк учун, мустакиллик учун курашган одамларни том маънода идеал қахрамонлар тарзида курсатади. Фигратнинг бу асарлари айрим бадиий қусурлардан холи бўлмаса-да, миллат такдири учун куйиб-ёниб ёзилган асарлар сифатида донг қозонди. Худди шу сифатлари учун бу асарларни шўро мафкураси кабул қилмади ва биринчи қадамлариданоқ

уларни муттасил қоралаш билан шуғулланди.

Жадид драматургиясининг ривожига Чулпон хам салмокли хисса құшди. Бу жихатдан, айниқса, унинг 20- йиллардаёк сахнага куйилган "Ёркиной" драмаси диккатта сазовор. Бунда хам Чулпон узининг шу йиллардаги эътикодилан келиб чикади - у инсон хаётининг мохияти хакила уйлар экан, инсон учун энг ардокли кадрият сифатида эрк ва адолатни тасдиклайди. Драма кахрамони Пўлат вазирнинг кизи Ёркинойни севади, лекин зарур бўлса, адолат учун кураш йўлида у хузур-халоватидан, фароғатдан, мухаббатдан хам воз кечади. Хаётдаги адолатсизликка, зулмга карши кураш, адолат, инсоф ва диёнатни тасдиклаш Пўлат учун энг улуғ аъмол. Ёркиной драмаси сахнага куйилган кезларда Туркистонла. Фаргона водийсида ва ўлкамизнинг яна бошка купгина жойларида фукаролар уруши давом этмокда эди ва бу жараёнда хар қадамда, хар сонияда юзлаб, минглаб зуровонликлар, адолатсизликлар, катлиомлар содир булмокда эди. Бошкача айтганда, зулм олови гуриллаб ёнмокда эди. Шундай шароитда «Ёркиной» драмаси катга ахамиятга эга бўлди.

20- йилларда Хамза хам жадидона рухдаги драмалар яратди. Булар «Кахрамон Ўғиз», «Фарғона фожеалари», «Мухторият» каби асарларидир. Улар мазмунан шўро адабиётининг колипларига тўғри келмайди, шунинг учун шўро адабиётніунослиги бу асарларга кам ахамият берди, уларни гоявий чалкашликда, ўгмишни идеаллаштиришла айблаб, шу билан тахлилни мухтасар килиб кетаверди

Бошкача бўлиши мумкин хам эмас эди, негаки объектив тахлил давом эттирилса, Хамзанинг совет адабиётининг

асосчиси тарзидаги образига дог тушиб коларди.

Бу ўринда яна шуни таъкидлаш керакки, Хамзанинг «Тухматчилар жазоси», «Ким тўтри», «Майсаранинг иши", «Холисхон» каби машхур асарларини хам совет драматургиясининг эмас, жадид драматургиясининг намуналари деб караган маъкул, чунки унда хам социалистик реализмни ташкил килувчи бирон белгини курмаймиз - драматург хаёт ходисаларини холислик билан атрофлича тасвирлайди, зўрма-зўраки ва сунъий характерлар яратмайди, инсонни инсоний жозибадан махрум килувчи синфий сифатларга ва характеристикаларга мурожаат килмайди.

Куринадики, 20- йилларда жадид драматургияси кенг куламда катта кадамлар билан ривож топди. Эндиги вазифа публицистика, шеърият каби унинг хам жамики хусу-

сиятларини атрофлича тадкик килиндир.

Энди жадид прозаси масаласини куриб чикайлик. 20йилларда жадид прозаси хам жуда тез суръатлар билан усди ва жахон микёсидаги етук проза даражасига кутарилди. Юкорида эслаттанимиздек, унинг ривожи адиб Абдулла Кодирийнинг номи билан боглик. 1920 йилдан бошлаб у "Уттан кунлар" романини эълон кила бошлади. 20- йиллар уртасига келганда роман алохида китоб булиб чикди. Кейин куп угмай «Мехробдан чаён» эълон килинди. Бу икки роман ўзбекларнинг маданий хаётида жуда катта вокеа бўлди ва халк маънавиятининг ривожига катта хисса кущди. Савол туғилицін мумкин, нега сиз «Утган кунлар»ни совет адабиёти намуналарига кушмаяпсиз? Умуман, асарларни жадил ёхуд совет адабиёти намуналарига ажраттанда қандай меъёрга асосланяпсиз? Асарларнинг кайси сифатларига таяняпсиз? Бу ўринда факат, битта меъёр бор - совет адабиётига мансуб муаллиф вокеани акс эттирищда синфий нуктаи назарга асосланади, у нимани тасвирламасин, хар гал, албатта, вокеаларни, одамларни «пролетар синфи нинг манфаатларидан келиб чикиб бахолайди. Бунинг окибатида тасвирда торлик пайдо булади, асарда факат икки хил ранг - ок ва кора устун булиб колади, бошка рангларнинг роли йўколади, асарда инсоний жозиба сусаяди, схематизм биринчи уринга чика бошлайди. Жадид адабиётида эса ундай эмас. Бу адабиёт вакиллари кайси жанрда ижод килишларидан катьий назар, вокеаликка умумбашарий категориялар нуктаи назаридан ёндашади, бу эса маьнавий ва бадиий жихатдан етук асарлар яратишга имкон беради. Шунинг учун хам китобхон «Утган кунлар»ни ўкир экан, Отабекнинг савдогар бўлганидан эмас, умумбашарий идеалларни ўзида мужассам этганилан завк олади.

Энди юкорида айтилганлардан баъзи хулосалар чикарайлик.

- 1. XX аср бошида майдонга келган жадид адабиёти ок-тябрь тўнтаришидан кейин ўз-ўзидан гойиб бўлиб кетгани йўк, аксинча, у янги тарихий шароитда таъкиб ва тазйикга карамай ўсищда давом этди.
- 2. Жадид адабиёти 20- йилларда ўз ривожининг анча баркамол даражасига етди. Бу адабиёт кўп жанрли, мазмунан янгиланган, умуминсоний хусусиятларни тараннум этувчи, эрк ва озодлик, адолат ва виждонийлик гояларини олга сурувчи адабиёт бўлди. 20- йиллар сўнгтида большевиклар амалга оширган мафкура сохасидаги кескин кураш, пролетар адабиётининг гегемонлиги учун кураш, нопролетар ёзувчиларга нисбатан кўлланган репрессив чоралар жадид адабиётининг бемалол ривожи учун хамма имкониятга бархам берган эди. Шунинг учун 30- йилларда Абдулла Кодирийнинг «Мехробдан чаён» ва Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романилан бошка жадил адабиёти намунаси деб кўрсатишга арзийдиган асар майдонга келмади.
- 3. 20- йиллардаги жадид адабиёти изсиз йўк бўлиб кетмади. Масаланинг парадоксал томони шундаки, шўролар томонидан кораланган ва таъкиб килинган жадид адабиёти 20- йилларнинг ўрталарида янги пайдо бўлаётган ўзбек совет адабиёти учун замин булиб хизмат килди. Гафур Гулом, Ойбек, Гайратий, Миртемир, Абдулла Каххор, Хамид Олимжон каби навкирон авлодга мансуб ёзувчилар жадидларни мафкура жихатидан ошкора ёктирмасалар-да, улардан санъатнинг мохиятини тушунишда, махорат сирларини эгаллашда кўп нарса ўргандилар.

### Жадидларнинг мустамлака совет тузуми давридаги фаолияти ва такдири (1917-1930 йй)

Маълумки, шўро тарихшунослиги жадидчилик харакатининг карийб ярим асрга якин маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий, миллий озодлик ва истиклол жабхасида юритган кўп киррали унумли фаолиятини нотўгри кўрсатиб келди. Шунингдек, у юкоридан, комфирка марказий органлари томонидан белгилаб берилган кўрсатма асосида жадидчилих харакатининг мазмун ва мохиятини хар томонлама бузиб талкин килди.

Аникки, шўро хокимиятининг дастлабки ўн йиллиги ва ундан кейинги даврига бағишланган тарихий-оммабоп ва илмий-монографик китобларда жалидчиликнинг «мохияти» каттик танкид остига олинди. Лекин, унинг бу даврдаги харакати тўгрисида хеч нима аникрок кўрсатилмади. Бу эса ўз-узидан шўро даврида жадидчилик харакати бўлмаган, «улуг октябр»дан сўнг у каршилик кўрсатмасдан, тезгина инкирозга учради, деган сунъий фикрнинг карор тошишига олиб келди.

Биз ўз илмий тадкикогимизнинг бир йўналишини мана шулар билан боглик, ушбу икки масалага каратдик: 1. Хакикаган хам жадидчилик ўктабр тунтаришидан кейинги харакат сифатида ўз фаолиятини тўхтатганми? 2. У чиндан хам шўро тарихида таъкидланганидек, «савдо буржуазияси»нинг мафкураси бўлганми?

Муборак истиклол туфайли архив ва кутубхоналарнинг махсус фондларида «махфий» ва «мутлако махфий»ликда сакланиб келинган тарихий хужжат ва китобларнинг «юзи очилиши», бу масала ечимига якиндан ёрдам бериши имконини яратди.

Илмий муомалага киритилган янги манбалар шуни билдирадики, жадидчилик умумхалк ва умуммиллат, яъни умуминсоний манфаатни хамда тараккиётни химоя килган-жалидчилик бир синфнинг эмас, аксинча, миллат ва Ва-

танни вус боскинидан озод килувчи, халклар тенглигини карор топтирувчи ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий. маънавий-мафкуравий куч сифатида тарих майлонига келли ва то 20-йилларнинг охиригача фаолият курсатли. Мана шунинг учун хам у харакат сифатила коммунистик харакатдан хар томонлама устун туради. У Туркистонда мустамлакачи рус коммунистлари сиртдан, сунъць равишла тикиштирган синфий курашта карама-карши бүлган миллий-озодлик ва истиклол курашининг гоявий мафкуравий асосини ташкил этди. Туркистондаги синфлар кураши хакила жадилчиликнинг маънавий отаси Мунавваркори Абдурашидхонов ўзининг шўро камокхонасида ёзган «Хотираларимдан» асарида шундай дейди: «Бизларнинг синфий дунёкарашимиз негизида синфларни инкор этиш ётади. Бизлар синфларни билмас эдик, агар йирик буржуазия деб хисобланаёттан катта ер эгалари ва савлогардарнинг жуда озгина гурухи хисобга олинмаса, биздарнинг кўз ўнгимизда хамма тенг эди. Буржуазия тўгрисила гапирганда бизлар йирик савдогар ва катта ер эгаларинигина назарда тугар эдик. Бизлар шіўро хукуматининг мана шуларга эмас, балки майда ва ўрта хол буржуазияга нисбатан олиб борган тадбирларига қарши булдик. Бинобарин, бизлар асосан майда буржуазия манфаатларини химоя килдик: мана шундан бизларнинг уктабр инкилобидан кейин мамлакат сиёсий хаётида тутган ролимиз, шўро хукумати, йўксил диктатурасига қарши олиб борган курашимиз тушунарли бўлса керак Бизларнинг мустакиллик хакидаги шиоримиз, аввал буржуа демократик Туркистонни, ундан сўнг эса, кайта чегараланишдан кейин Узбекистонни ташкил этиш, хокимиятни майда ва ўрта буржуазия кўлига бериш тўгрисидаги харакатимиз ана шундан келиб чикади»1.

Бу сатрларни Мунавваркори шўро ГПУси томонидан «миллий буржуазия» мафкурачиси ва шўро хукуматининг душмани» сифатида камокка олинган, ўз такдири аён бўлиб турган бир пайтда - 1930 йил июнда ёзди. 1917 йил

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Абдурациядконов М Хотира гаримдан (қўлёзма муаллифда сақданади) Биз ушбу мақолани ёзишда асосан шу қўлёзмага суяндик - Х.С.

октябрь тўнтаришидан сўнг мустабид коммунистик боскин ва мустамлакага карши халкимиз олиб борган миллий озодлик ва мустакиллик курашининг бошида жадидлар турди. Улар бу пайтда асосий каршилик ва мухолифат күч сифатида ўзларини намоён этди. Бирок, шўро-коммунистик хокимияти ўзини мустахкамлаб олиши биланок. унинг мустабидлашуви кучайиши билан жадидларда ажралиш юз берди. Аникроги, комфирка улардаги бирликни парчалашта муваффак булди. Уларнинг бир кисми «босмачилик уруши» га кушилиб, Ватан озодлиги учун курашди ва шахид угди. Иккинчи кисми эса коммунистик таткиб ва катагонликдан кочди, хорижга кетиб, бегона мамлакатларда бошпана топишга мажбур бүлли. Учинчи кисми комфирка сафига ва шуро хукумати таркибига кириб. миллат ва Ватан манфаатини химоя килишга бел боглайди, истиклол учун расман ошкора ва махфий ташкилот хамиа фиркаларга ующиб, икки томонлама фаолият юритади. Туркистон мухгорияти конга ботирилиши билан «Шурои исломия» ва унинг бошка шахарлардаги тармоклари хам тугатилди. Жадилчиликда кузга куринган зиёлилар хар хил бахоналар, масалан, «миллий оғма-Шўроичилик»да айбланиб, ишдан олинади ва таъкиб остига олиниб. баларға килинади. Бу бир томондан, иккинчи томондан эса, комфирка хукумат рахбарларини миллийлаштириш сиёсатини хам кўгариш билан икки юзламачилик килади. Бу сиёсат мохиятини сезган жадидларнинг катта бир собиткадам гурухи Мунавваркори Абдурашилхонов рахбарлигида ующиб, коммунистик боскин ва зулмга қарши мустақиллик учун уч томонлама иш олиб боришта мажбур бўлади.

1. Миллий истиклол учун кутарилган «Босмачилик уруши»га гоявий ташкилий рахбарлик килиш ва унинг

сафида бевосита катнашиш;

2. Махфий уюшган фаолият юритиш;

3. Шўро хукумати ва комфирканинг мустамлакачилик сиёсатини демократик асосда ошкора танкид килиш.

Булардан охирги икки фаолиятни амалга ошириш учун жадиллар куйидагилардан кенг фойдаланди:

1. Мусулмон фирка ташкилоглари фиолиятини жонлантирип;

2. Хар хил фирка ва бошка ташкилотларнинг курултойларидан кенг фойдаланиш;

3. Махфий жадид ташкилотларини ташкил этиш ва

уларнинг фаолиятини юксалтириш.

Тошкент жадидларида махфий иш олиб бориш учун «гап»ларга йнгилиб туриш тажрибаси инкилобдан олдинрок шаклланган эди. Шу сабабдан, шўро хукумати ва большевикларга ишонмасдан, ўлкада юз бераёттан вазиятни мухокама килиб туриш максадида, 1917 йил августда жадидларнинг бир гурухи Тошкентда «Иттиходи тараккий» («Тараккий парвар уюшмаси»)га бирлашади. Бу ташкилот Туркия мухожирлари ёрдамида тузилиб, унга Усмонбек раислик килса-да, Мунавваркорининг мавкейи катта ахамиятта эга эди.

Мунавваркорининг ёзишича, уюшманинг дастури дастлаб турк тилида Усмонбек билан Хайдар афанди томонидан ёзилган. Уни Мунавваркорининг ўзи ўзбекчага айлантирган. «Иттиходи тараккий» нинг асосий максади сиёсий характерга эга бўлган. У шуро хукуматига мухолифатликда иш олиб бориб, унинг мустамлакачилик сиёсатини танкид килган, ёшларни сиёсий фаоллаштириш, турк мухожирларига ёрдам бериш, мактаб ишларини ислох килиш билан машгул бўлган.

Мунавваркорининг ёзишича, ташкилот аъзоларининг «сони 50га етмаса-да, уларнинг обрўси жуда юкори ларажада» бўлган. Уюшма ташки мамлакатлар демократик харакатларидан ёрдам сураб, Туркияга икки марта махсус делегация юборади, лекин иккаласи хам муваффакиятсиз бўлди. Биринчиси, Садирхон ва Саидносир Миржалиловдан иборат бўлиб, 1918 йилда Истамбулга етиб борган пайтда Ёш туркиялилар хукумати маглубиятта учраб, кочиб кеттан эди. Шунинг учун хам делегация белгиланган кишиларга учраша олмай оркага кайтади. Иккинчи делегация 1919 йилда юборилди. Унинг таркибига Тошкентдан Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев ва Саидносир Миржалилов, Самаркандан Махмудхўжа Бехбудий, Мардонкул ва Мухаммадкул кирган эди. Бу делегациянинг яширин

<sup>1</sup> Турон тарихи. Туплам. Т. 1992, 18 бет.

миссияси ва Туркистондан чикиб кетишидан ЧК ходимлари хабардор бўлиб колган. Шунинг учун У.Асадуллахўжаев Москвада, С.Миржалилов Тифлисда яширинишга мажбур бўлди. М Бехбудий ва унинг шериклари эса Шахрисабэда ушлаб олиниб, Каршида Бухоро амирининг одамлари томонидан катл этилади Мунавваркори ГПУ терговига берган баёнотида бу уюшмани 1919 йилла таркалиб кетди, деб курсатади. Аслила эса, ГПУни чалгитиш максадида, «Иттиходи тараккий» таркатилци деб эълон килиниб, расмий равишда ошкора «Бирлик» ташкилоти ташкил этилади. У икки-уч йилча фаолият юритиб, таркаб кетади. «Иттиходи тараккий» эса 1920 йилда «Миллий Иттиход» («Иттиходи миллий») деб кайта ташкил этилади

Махмудхужа Бехбудий вафотидан кейин Мунавваркори жадидчилик харакатининг, айникса, унинг махфий фаолиятининг бирдан бир йирик рахбарига айланди. Уша пайглардаги катта йигилиш ва кўча намойишларида унинг номи улугланиб «Яшасин Мунавваркори!», "Яшасин халк!» деб ашула айтилди.! «Миллий иттиход» беш йил, кенг микёсда фаолият юритди. У хам «Итгиходи тараккий» каби Туркистоннинг миллий бирлиги, комфирка сиёсатини фош килиш, кишиларга истиклол гоясини сингди-

риш учун кураціди.

Шуни айтиш керакки, «Итгиходи миллий» кенг микёсда ташкил этилган булиб, бошка шахар ва вилоятларда хам унинг бўлимлари бор эди Масалан, Самаркандла М.Бехбудий, гуркманлар орасида Хонявмудский, козоклар орасида «Алаш» газетасининг мухаррири иш олиб боради. Низомга кура, ташкилотнинг Тошкентда Марказий кумитаси, вилоятларда вилоят кумиталари, шахарларда бўлимлари ва хатто, баъзи кишлокларда бўлимчалари хам булганлиги хакида маълумотлар бор. Уларнинг хар бирида раис, рахбар ва хазинабондан иборат бошкарув органлари булган. Марказий рахбар органлари махфийлик асосида тузилган, тармок маркази ва ташкилот аъзолари факат рахбар оркали иш олиб борган, раис ва хазина-

Уша жойда, 16 бет.

бонни хеч ким танимаган. Қуйи тармоқлар хам худди шундай тузилган эди.

Ташкилотнинг маблаги, унинг аъзоларидан олинадиган бадал эвазига ташкил этилган. Аъзолик бадали хар бир кишининг моддий ахволига караб, 100 сўмдан 250 сумгача килиб белгиланган. Шу нарса хам маълумки, Мунавваркори Бухорода шуро хокимияти ўрнатилганидан сўнг, у ерга ёрдам бахонасила сургун килинади. Шунда, хукумат рахбари Ф.Хужаев унга М.Фрунзе Москвага олиб кетган чоракам икки асрлик, Амир Олимхон хазинасидан колган бойликдан 200та тилло берган. Буни эса у «Ит-

тиходи миллий» хазинасига топширган.

1925 йилла Мунавваркори ташаббуси билан «Миллий иггиход» («Иггиходи миллий») «Миллий истиклол» деган ном билан қайта ташкил этилди. Бунга мустамлака Узбекистон «штуро социалистик республикаси»нинг ташкил топиши хамда Туркистоннинг парчаланиб гашланиши, игунингдек, бевосига Туркистон бирлиги учун кураш ўга мушкул бўлиб колганлиги сабаб бўлди. Узбекистон жадидлари энди ўз олдига мустакил Узбекистон учун кураш вазифасини куяди. Лекин бу билан бирга улар умумтуркий олам бирлиги гояси, Туркистон - кадимий она макон, умуммаданият ва кадриятлар ўчони эканлигини инкор этмайди. Маълумки, «Иттиходи тараккий» ва «Миллий иттиход» мустакил Туркистон учун курашган эди. «Миллий Итгиход»нинг ташкилий тизими, кураш усуллари сакланиб колинган хамда Мунавваркорининг курсатмаси билан «Миллий истиклол» маркази ва унинг вилоят хамда бошка тармоклари рахбарлари ёшлар билан алмаштирилади. «Миллий истиклол»нинг «учлик» Марказий бошкаруви Мунавваркорининг энг ишонган шогирдлари Азиз Лазиззода, Салимхон Тиллахонов ва Foфиржон Мусахоновдан иборат булди.

Азиз Лазиззода 1926 йил Ўрта Осиё Давлат университетининг Шарк факультетини мустакил тайёрланиб, икки йилда тугаттан ёш замонавий зиёлилардан эди. Шу йилнинг охирида у Москвадаги коммунистик университетта ўкитувчи килиб юборилли ва ауидиторияга маъруза ўкиш учун кирган биринчи куниёк камокка олиниб,

уч йилга Қалмық деган жойга сургун қилинди. Ташкилотнинг Наманган, Андижон, Самарқанддаги бўлимлари рахбарлари хам ёшлар билан узгартирилди. Лекин хамма жойда хам рахбарликни зимдан «кекса жадидлар»нинг ўзлари олиб боради. Бугун республикадаги махфий фаолиятни эса, Мунавваркори Тошкентдан туриб бошкарди. Унинг хакида терговга берган жавобида Салимхон Тиллахонов шундай деб ёзади: «Бизнинг ташкилотимизнинг («Миллий истиклол»нинг-С.Х.) дастури йўк эди Унинг дастури хам, рахбари ва илхомчиси хам Мунавваркорининг ўзи бўлган»<sup>2</sup>.

Азиз Лазиззода хам ўз устозининг сиёсий фаолияти хакида куйилагини ёзиб колдирган: «У ташкилотнинг яккаю ягона рахбари, теран акулик мафкурачиси, илхомлантирувчи стратег, уста дипломант ва бошка шу каби жуда ижобий киши хисобланади. Унинг акл-заковати хар доим хиссиётдан устун бўлган. Шунинг учун хам у ўз харакатида камданкам хатоликка йўл кўяди. Агар Мунавваркори ташкилотга рахбар булмаганида, у бу кадар муваффакиятларга эришмас эди».3 «Миллий истиклол» ва ундан олдинги ташкилотларнинг йигилишлари унинг аъзолари хонадонларида «ган» базми, хар хил мехмондорчилик куринишида ўтказилли. Ташкилот фаолларидан бири Фатхиддин Махсум Исмагуллаевнинг гувохлик беришича, шундай «ган»лардан бири Мунавваркорининг богида ўгказилган. Унда Мунавваркори «Милляй истиклол»нинг хамма уездларда беш кишилик раёсат (раис. котиб, хазинабон, икки аъзо)дан иборат бўлимлари тузилганлиги хакида ахборот берган Шу билан бирга. у эски ташкилотнинг дастури хозирги шароитта тўгри келмаслити

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Жазо муддагини ўтаб бўлгач, Азмз Лазиззодага ўша ернинг ўзида яшаб қолишта рухсат этилали. Етти йилдан сўнт у Тошкентга келади. 1949 йилда яна қамоққа олиниб, Сибирнинг Красноярск ўлкасига доимий яшага учун сургун қалинали. Орадин беш йил ўтгач, 1954 йилда унга ўз Ватанига қайтишга рухсат берилды. - X С.

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> СССР Халқ комиссарлари қошидаги махсус Давлат сиесий Бошкармасининг Урга Осиё (Тошкент)даги ваколатли вакиллиги архиви 11 33391 иш, 3-ж., 15-а.

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Уша жойда, 706-бет.

ва янги ташкилотта ГПУни чальитиш максадида, купрок ёшларни жалб килиш зарурлигини айтган ва ўз сўзининг якунида шундай деган: «Хозир мактабларда миллий рух колмади. Бу масалада хеч кандай иш килинмаяпти. Агар ахвол шундай давом этаверса ўзбекларда миллий рух йўколиб кетади. Узбекистон руслар оёги остида колади»

«Миллий истиклол» ўга махфийликда иш юритди. Унга аъзоларни кабул килиш гартиби жуда жилдий, бугунлай махфий ва ихтиёрлик, Ватан олдидаги ўз бурч ва масъулиятини гўла хис эгиш асосида ўтказилади Бунинг учун. аввало. «Миллий истиклол» га кирувчига унинг бир аъзоси тавсия бериши шарт бўлган. Шундан сўнг, у маълум синов муддатини угагач, катьий тартиб-коида асосида уч кишининг гувохлигида гашкилотга қабул қилинган. Қизиғи хам. хайратланарлик томони хам шундаки, аъзо булаётган киши тавсия берган кишилан бошкасини курмайди, аммо уларнинг бордигини сезиб туради, кимлигини билмайли ва шу холда касамёл ичали.

Бу гутрида «Миллий истиклол» Маркази рахбарларидан бири Салимхон Тиллахоновнинг ушбу ёзувлари ликкатга сазовордир: «Мен белгиланган муддатда, кечкурун Илхом Исломовни Гофиржон Мусахоновнинг уйига олиб бордим. Бизнинг келганимизни билиб, дарвозани унинг ўзи очди-да, ўзини тезда четга олди. Биз коронти мехмонхона оркали ичкари хонага кирдик. Парда оркасила турган Асадулла Хожихонов касамёд сўзини такрорлаб эслатди. У шундан иборат эди: "Мен шу дакикадан бошлаб «Миллий истиклол» ташкилотига кираман. Унинг барча буйрукларини хеч кандай эътирозсиз бажараман, унинг олдидаги мақсадни руёбга чикиши учун керак булса жонимни. бутун молу дунёмни курбон килишга тайёрман. Унинг сирларини хеч качон, хеч кимга ошкор килмайман, бунинг учун виждон ва иймону эътикодим билан худои Карим олдида касам ичаман. Шундан сүнг И.Исломов бу касамёдни бир қулини Қуръони Карим, иккинчи қулини «маузер» тўппончаси устига қўйиб қайта такрорлади»<sup>2</sup>.

Уша жойла, 706-бет

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Уша жойда. 3-ж., 1-в.

Мана шу мукаддас касамёд билан рус коммунистик боскинига қарши кураш масъулиятини ўз бўйнига олган юзлаб истиклолчиларнинг аксарияти, буюк максад - Ватан мустакиллиги йўлида жуда хам оғир бир пайтла, катта жасорат билан курациб, тарихда ўчмас из колдирди. Бу эса, чоракам бир аср мобайнида хукмрон бүлган коммунистларга хос мактанчокликни, яъни шўро хукуматини Туркистон халклари биринчи кундан бошлаб куллаб-кувватлади, комфирка эса уларни озодликка олиб чикди, леган ёлгонни фош килиб турибди. Халкимиз шўро хукумати ва коммунистик якка хукмронликка карши кучлар нисбати тенг булмаса-да, 20- йилларда ошкора ва махфий холда жуда каттик кураш олиб борди. Бу ўринда «Иттиходи тараккий», «Миллий иттиход» ва «Миллий истиклол» ташкилотларига уюшган истиклолчи жадидларнинг беминнат ва жасоратли хизмати бехал катта бүлли. «Изтихоли тараккий», «Иттиходи миллий» ва «Миллий истиклол» аслида бир ташкилот бўлган, зарурият нуктай назаридан. давр талабига кўра ўз номини узгартириб, бир максал мустакиллик учун курашган. Бу максадга эрицини учун жадициар куйицаги реал тарихий омилларни хисобга одиб. катта ишонч билан харакат килган:

1. Шуро хокимияти ва коммунистик хукмронлик Россия боскини ва мустамлакачилитининг янги кўриниши эканлиги. Шунингдек, социалистик гоя, социализм курилиши эса, курук хомхаёл булганлиги. Унинг таргиботчилари эса мугаассиб - фанатик кишилар эканлиги. Шўро хокимияти ва коммунистик якка хукмронлик ўз-ўзидан (ичилан) мукаррар равишда инкирозга юз тутиши.

2. Шуро хокимиятига қарши кўтарилган миллийозодлик уруши («босмачилик») ғалаба қозоницига ишонч.

3. Жахон ижгимоий-иктисодий тараккиётининг асосиэволюцион йўл ва демократик инкилоб эканлиги. Бир гурух коммунистлар рахбарлик килган «йўксил инкилоби» (боскини, давлат тўнтариши) асосида бунёд бўлган шўро хокимиятининг хорижий (капиталистик) мамлакатлар билан тўкнашуви (уруш) ва ракобатда мукаррар равищда халок бўлиши.

Мунавваркори шундай деб ёзади: «Бизлар... шўро

хокимиятининг Оврупо буржуазияси билан тукнашувида мукаррар равишда халокатга учрашини назарда тутдик. Бизлар унинг йўк килинишига ишондик ва бунга тайёргарлик кўришга, шўро хокимияти халокати юз берганида хокимиятни кўлга олишга тайёр туришга карор килдик... Шу ерда, менимча, Убайдулла Хўжаев (Убайдуллахужа Асадуллахўжаев) баёнотини мисол тарикасида келтириш ортикчалик килмайди, у шўро хокимияти ўзининг биринчи ўн йиллигига бормасданок, албатга, Оврупо буржуазияси билан тукнашувда халок бўлади, агар биринчи ун йилликда у харбий тукнашувга дучор бўлмаса, ахвол анча кийинлашади, деб айттан эди»<sup>1</sup>.

Мана шунинг учун хам жадидлар «Босмачилик уруши»ни ягона кумондонликка буйсундиришта ва унга гоявий ташкилий рахбарлик килишни ўз кулларига олишга харакат қилди. Уларнинг баъзи бирлари тўгридан-тўгри қурбоши булиб, душманга қарши жанғ қилди. Бошқалари эса курбошилар кароргохи ва хукуматларида маслахатчи ва гоявий рахбарлик вазифасини бажарди. Шу билан бирга жадидлар қурбошилар ўртасидаги ўзаро ихтилофларни бартараф килишга катта куч сарфлади, истиклолчилик харакатининг яширин ташкилотлари: «Итгиходи тараккий», «Иттиходи миллий» ва «Миллий истиклол»нинг йирик намоянда ва рахбарлари - Мунавваркори, Усмонхужа Тухтахужаев, Исроилжон Ибрагимов, Обид Саидов, Тангрикул Максудов, Зайнугдин кори Насритдинов, Абдуллахожи Ғофуров ва бошкалар бевосита қурбошиларнинг йигилиш ва курултойларида катнашгани, кароргохларида сиёсий рахбар, маслахатчи ва алока богловчи булиб хизмат килганлари маълум.

«Миллий истиклол» карори билан Рахмонкул курбоши кароргохига борган Усмонхужа Тухтахужаев, у ердан туриб Садриддинхон («босмачилик уруши» ташкилотчиларидан бири) нинг диктовкаси билан Тошкентда иш бошлаган комфирка курултойига ультиматум ёзиб, Фаргонага мухторият берилишини талаб этади. 1931 йил 25 апрелда СССР Министрлар Совети кошидаги махсус Давлат сиёсий

<sup>1</sup> Аблурациидхонов М. Хотираларим. Кулёзма. 85-86 бетлар.

бошкармаси (ОГПУ) нинг судлов коллегияси Ўзбекистонлик 87 истиклолчининг «жиноий иши» тўгрисида чикарган карорида шундай деб кўрсатилади: «1921-23 йилларда «Миллий итгиход»нинг кўшина аъзолари жойлардаги босмачилар тўдаси орасида ёки босмачилар бошликлари билан жинояткорона алокада бўлиб, совет хокимиятига карши курашни ташкил этишда бевосита катнашди». Яна шу «айблов» хужжатида «Миллий истиклол» хакида шундай деб кўрсатилади: «Бундан ташкари бу ташкилот босмачиликка нисбатан ижобий муносабатда бўлди. Унинг баъзи филиал (бўлим)лари, масалан, Наманган бўлими 1928-1929 йиллардаги босмачилар тўдасининг совет хукуматига карши куролли чикишларида катнашди». 1

Истиклолчи жадидлар этибор берган асосий масалалардан бири, миллий рухни тарбиялаш ва мустахкамлашдан иборат бўлди. Бу ўринда яна Мунавваркорининг ўзи шундай деб ёзади: «Миллий чегараланиш миллагчилик (ятын ўзлигини англаш- Х.С.) майлларининг кучайишига туртки бўлди Бизлар миллатчиликнинг ўсишини хамма жабхаларда - оммада хам, матбуотда хам, адабиётда хам, ижгимоий хаётнинг хамма сохасида кузатиб турдик. Бу холатдан бизлар миллийликни ривожлантириш ва мустахкамлаш учун фойдаланишга азму карор килдик...

Бизларга миллий гоя, миллий рухни мустахкамлаш ва ривожлантириш сохасидаги таргибот ишларни, олиб бориш коммунистик кадрларнинг (савияси - С.Х.) паст булганлиги сабабли осон кучди. Тошкентдаги газета ва журналларнинг редакцияларида хамда адабиётда Гози Юнус, Жулкинбой (А. Қодирий), Санжар, Элбек каби миллий зиёлилар катта роль ўйнаши билан бирга, салмокли таьсирга хам эга эдилар. Гапнинг кискаси, матбуотда миллий таьсир коммунистик таьсирдан кучли эди. Масалан, Гози Юнус, очикдан-очик ёзса, бошкалар ўз миллий гояларини инкилобий сўзлар остига олган холда, эхтиётлик билан ёзади». 2

Хакикатан хам, 20-йиллардаги шоиру ёзувчилар, мат-

Уша жойда, 86-87 бетлар.

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Уща жойда, 86-87 бетлар.

буот ходимлари ва бошка ижодий зиёлилар асосини жадидлар ташкил этди. Шунинг учун хам бу давр адабиёти ва дарсликларида миллийлик ва миллий рух кучли бўлли Бу эса кейинрок, жадид ва уларнинг таъсирида бўлган зиёлиларни комфирка томонидан катагон килинишига асосий сабаблардан бири бўлди. Жадид ташкилотлари мустакилликка эришишининг асосий йўлларидан бири. хукумат ва бонцка давлат корхона, идора ва муассасалари рахбар кадрларини махаллий кадрлар билан алмаштиришдан иборат деб билди. Шунинг учун хам улар комфирканинг «махаллийлаштириш сиёсати» дан кенг фойдаланди Истиклолчи жадидлар хукумаг идораларини махаллийлаштириш билан хокимиятни қўлга олмокчи бўлди. Шунинг учун хам «Миллий истиклол» марказида махсус тузилган гурух махаллийлаштириш билан шугулланди. Унинг бири хукуматнинг махаллийлаштириш комиссияси билан якиндан алокада булди. Иккинчиси, матбуот тахририяти, учинчиси эса хукумат муассасаларида ишлаб ўзларига якин миллий рухдаги кишиларни рахбарлик лавозимларига кўтаришга ёрдам беради. Шуни айтиш керакки, хукуматнинг махаллийлаштириш комиссиясини маълум бир вактда бошкарган Али Расулов «Миллий истиклол»нинг фаолларидан бири булган эди. «Миллий истиклол» аъзоларининг купчилиги юкори даражали хукумат ва фирка лавозимларида ишлаб, мухолифатник асосида фирка сиёсатига нисбатан ўзларининг аник таклифларини билдириб хам турдилар. Уларнинг бир гурухи комфирканинг асосий гояси синфий курашни бутунлай инкор этди.

«Миллий истиклол»нинг Наманган булими Зайнугдин кори Насриддинов рахбарлигида иш олиб борди. Бу булим «Иттиходи тараккий» ва «Иттиходи миллий»нинг тармок булимларидан бири сифатида аввалдан катта фаолият курсатди. У уз фаоллари Акрам Исматуллаев ва Х.Б.Ризаев оркали Тошкент ва шахсан, Мунавваркори билан доимо алокада булиб, марказ курсатмаларини бажариб турган.

Катта хавф бўлишига қарамай, Наманган бўлимига уюшган ушбу истиклолчилар фидокорона иш олиб борди. Булар У Акрамий, М.Г.Дадамухамедов, Ф.Исматуллаев,

Х.Б.Ризаев, И.К.Атабаев, Жамол Садиев, Насимжон Махмудов, Ф.Усмонов, А.Мусабоев, А.Х. Гофуров, А.Зайнутдинов ва бошкалардир. Улар омма орасида жуда усталик билан комфиркани руслаштириш, рахбар лавозимларга эса саводсиз кишиларни жалб килиш сиёсати, махаллийлаштиришни илгор рухдаги ўкимишли зиёлилар эвазига амалга ошириш зарурлиги, «босмачилар» га ёрдам бериш хакила таргибот ишларини олиб бордилар.

Наманган бўлими, Фаргона водийсидаги истиклолчилик харакатининг ўзига хос маркази хам эди. Унинг рахбарлигида Андижон шахри ва Косонсой кишлогида хам истиклолчилар уюшмаси ташкил этилиб, катта иш олиб борилди. Андижонда Абдуллахўжа Гофуров рахбарлигида уюшган М.Каримов, А.К.Сатторов, Ш.К.Тошмагов, М.К.Ашуров ва бошкалар, Косонда Абдуллабек Мусабоев рахбарлигида И.М.Обиддинов, Абдуахат Маъруфжонов, Шокобил Камолов, Хамрокул Камолов, Эргаш Нурмухаммедов ва бошкалардан иборат бўлганлиги ва, айникса, уларнинг 1927-1929 йилларда каттагина фаолият юритганлиги хакида маълумотлар бор.

Коммунистик Россия мустамлака зулмига карши озодлик учун кураш тарихида Кукон шахрида «Миллий истиклол» курсатмаси билан ташкил топган «Ботир гапчилар» ующмаси хам ўз ўрнига эга булди. У 1929-1930 йилларда фаолият юритди. Унинг ташкилотчи ва фаоллари Ашурали Зохирий, Лупрулла Алимов, У.Хамидов, Н.Эрматов, М.Хусаинов, А.Каххоров, К.Ортикбоев, П.Парпиев, М.А.Салиев ва бошкалар булди.

Ташкилотнинг асосий максади, шўро хокимиятини агдариш ва «халк жумхурияти»ни ташкил этиш бўлган эди. Бунинг учун эса улар Узбекистоннинг ахоли гавжум жойларида ташкилотнинг бўлимларини ташкил этиш билан халкни куролли кўзголонга тайёрламокчи бўлади. «Ботир гапчилар» «гап»га - (мехмондорчиликка йигилиш билан) иш олиб борди, ўзаро маслахатлашди. Бирок, ташкилот узок фаолият курсата олмади. У 1930 йилнинг бошидаёк ГПУ ходимлари томонидан фош этилди. Унинг 1930 йил 2, 14 ва 23 январдаги «гап»ларининг коралама ёзуви (протоколи) сакланиб колган. Шунингдек, унга

тегинди низом, яъни аъзоликка кимлар кабул килиниши хакидаги хужжат хам топилган.

Бу хужжат - Низом шундай сўзлар билан бошланади: «Хар бир онгли киши ўлкани хар кандай мустамлакадан озод килишга интилмоги ва Ўзбекистонда мустакил хукумат барпо этишга харакат килмоги хамла халкни яхши турмуш шароити ва мехнат билан таъминлашга бугунлай садокатли бўлмоги керак»<sup>1</sup>.

Низомда ташкилотта қандай кишилар қабул қилиниши аник курсатилган. Масалан: Шўро ташкилотларида масъул ва номасъул лавозимларда ишловчи, судланмаган, сиссий махбусликдан истисно кишилар хамда партия аъзолари:

- бошланғич ва ўрта мактаб, олий ўкув юртларининг укитувчилари, агар уларнинг номзодини кўпчилик ташкилот аъзолари куллаб кувватласа;
- олий ўкув юртларининг маълум шароитида (миллий рухда-С.Х.) тарбияланган онгли галабалари;
- мугахассислар;
- адабиётціунос, шоир ва ёзувчиларнинг маълум кисми;
- завод, фабрика ва матбаа ишчиларидан саводли гарғиботчи ва ташкилотчилар;
- дехконлардан: онгли ва ахоли орасила обруга эга булган кишилар, кобилиятли таргиботчи ва ташкилотчилар;
- харбий қисмлардан: миллий армияда хизмат қилган, у ёки бу даражадаги саводли шахслар, миллий командирлар:
  - хунармандлар ва армияда хизмат қилганлар.

Низомда яна хар бир аъзо ташкилотнинг куйидаги талабларига садокат ила берилган булиши хам курсатилган:

- аъзоликка қабул қилинаёттан кишига нисбатан бирорта хам аъзо бефарқ булмаслиги;
- ташкилот аъзоси каерда ишлашидан катъий назар атрофдагилар ўртасида намунали бўлмоғи;
- ташкилот аъзоси, унга топширилган вазифани хар кандай пайтда бажариш қобилиятига эга булмоги;
- ташкилот авзоси бирорта бошка ташкилот авзоси

УэР МХХ архиви: 11 33391-иш, 19-ж., 276-в

бўлиши (партия, комсомол ёки касаба ующмаси);

- ташкилот аъзоси ичимлик ичмаслиги ва «гап»ларда ўзини туга билиши.

Бу хужжатда ташкилотнинг низоми ва дастурини бузган ва уларга очикдан-очик карши чиккан аъзоларга нисбатан кулланиладиган чораларнинг таргиби хам курсатилган.

Коидани тупгунмасликдан бузганлар ташкилот йинилишида кечирим сураганидан сунг катьий огохлантирилиши курсатилган. Шундан сунг агар иккинчи марта кайтарилса ёки онгли равишда хато килиб, хоинлик килганлар махсус тузилган «учлик» комиссиясида мухокама килиниши белгиланган.

Махфий ташкилот - «Миллий истиклол» 1929 йил октябрнинг 12 йиллик байрами арафасида ОГПУ томонидан фош этилади. 6 ноябрда 26 киши, кейинрок, жами 87 киши кулга олиниб, роса бир йилу беш ой олдин Тошкент, кейин Москва авахтахоналарида қатгиқ азоб билан тергов килинди. Нихояг, 1931 йил 25 апрелда уларнинг устилан СССР Бирланиган Бон Сиёсий Бошкармаси (ОГПУ) нинг судлов коллегияси «олий хукм» чикарди. Бунинг учун бори йуғи бир неча дақика вақт сарфланди. Айзентерг деган кимса маъруза килди. Шу коллегияда яна бошка 19 та ватандошимизнинг «жиноий иши» тўгрисида хам у маъруза килади. Уларга хам тегишли «олий жазо» белгиланди. Коллегия «миллий истиклол» иши буйича айбланганларнинг 15 тасита отув, 6 тасита 10 йиллик концлагерга алмаштириш шарти билан отув, 25 тасига 10 йиллик, 21 тасига 5 йиллик, 15 тасига 3 йиллик концлагерга юборищ, 3 тасига СССРнинг 12 та белгиланган шахарларида яшаш хукукидан махрум килинган холда, камокдан озод килиниши хакида карор кабул килади.

Факат биргина киши, у хам бўлса, сиёсий бошкарманинг айгокчиси, халк хоини Мадхиддин Солихович Мухаммедовга очилган тергов иши тухтагилиб, камокдан озод килинади. Чунки, унинг ОГПУ олдида «хизматлари» катга эди. У жадидчиликка ва элликка якин ўз ўкитувчилари, кариндош-уруглари, бирга ўкиган ва бир хонадонда яшаган «дўстлари» га сиёсий бахо бериб, уларни сотган эди. У

Урта Осиё Давлат университети шарк факультетининг з курс талабаси бўлган. Бу пайтда 19 ёщда бўлиб, Елдирим тахаллуси билан, шоир бўлиш орзусида шеърлар хам ёзиб турган. Унинг сиёсий бошкармага ёзган хатларидан айрим кўчирмаларни келтирамиз: «Агар жадидларнинг хозирги мафкурасига назар солсак, улар совет хокимиятининг ашаддий душмани эканликларини, бу хокимият качон куларкин, леб интик бўлаёттанларини осонгина билиб оламиз. Кулашига эса улар катый ишонадилар. Улар совет хокимиятининг (чет) душманлари билан бир сафдадирлар ва бу хокимиятни тугатишда иштирок этиш ниятлари бор. Душман, хох ичдан, хох ташкаридан качон бу хокимиятга карши харакат бошлайди-ю, качон бу кураш авжга минади - улар шуни кутмокдалар»<sup>1</sup>.

Хулоса шуки, комфирка зўравонлик асосида давлат тунтариши ясаб, хокимиятни кўлга олиши биланок, халкимиз хохиш-иродасига карши «Онангдан, отангдан тонасан», «Ўтмиш тарихинг, ўзлигинг, тилинг ва дини-диёнатингдан тонасан» деган мустамлакачилик сиёсатини олиб борди.

Бу катта сиёсатнинг мазмун ва мохияти Ватанпарварларни беайб камаш, кириш, таъкиб, гунохкор ва «халк лушмани» килишдан иборат бўлди. Бунинг учун уларга махаллий халк учун етги ёт бегона бўлган, манфур сиёсий кураш ва социалистик инкилоб назарияси ва коммунизм куриш гояси асосий курол вазифасини бажарди. Коммунистик боскинчилар бу хомхаёл, угопик «гоя» ва «назария»ларни сиртдан олиб кириб, махаллий шарт-шароит, миллий хусусиятларни хисобга олмай, хаётга татбик килиш учун алдов, фирибгарлик, икки юзламачилик, катагонлик ва сунъий очарчиликдан усталик билан фойдаланди.

Асосий мақсад - бўйсунмас халкни бўйсундириш, тобе ва қарам килиш, унинг миллий рухи, хис-туйтуси, турури ва иродасини синдириш, ўзлигидан ажратиш бўлди. Бунинг учун ленинчи большовойлар «Ким биз билан бирга эмас экан, у душман» деган шиорни ўртага ташлади.

<sup>1</sup> Узбегим «Звезда Востока» журнали кутубхонаси. - Т., 1992, 171 бет.

## Мундарижа

Сўз боши
х.З.Зиёсв. Жадидлар харакатининг сиёсий ва ижти- моий-иктисодий замини
Н.Каримов. XX аср бошларидаги тарихий вазият ва жадидчилик харакатининг вужудга келиши23
Д.А.Алимова. Жадидчилик харакатининг ижгимоийсиёсий мохияти ва жадидлар тафаккури35
<b>Е.А.Прилуцкий</b> . Запад и Восток в философских и теоретических концепциях джадидов
Р.М. Абдулласв. Интеграционные процессы в мусульманском мире и туркестанские джадиды
Д.А.Алимова. XIX аср охири - XX аср бощида Бухородаги ижгимоий-сиёсий вазият ва жадидчилик83
Б. Қосимов. XX аср бошида жадид адабиёти ва тари- хий ходисалар
Ш.Ризаев. Жадил маърифатчилиги ва театр118
Д.Рашпидова. Жадидларнинг меросида мусика (А.Фитрат ижодига оид маълумотлар)
Д.Х.Зиёсва. Туркистонда халк харакатлари ва жадидлар (1916 йил вокеалари мисолида)
С.С.Аъзамхўжаев. Туркистон мухторияти - жадидлар